

Маҳкам Муҳаммедов

НИГОҲ

(Режиссёр ёндафтаридаги қайдлар)

Тошкент – 2010

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

Ўзбекистон Давлат Санъат институти

“Телевидение режиссёрлиги” кафедраси

Н И Г О Ҳ
(Режиссёр ёндафтаридаги қайдлар)

Тошкент – 2010

Ушбу китоб кино, театр ҳамда телевидение режиссураси фанини ўрганаётган талабалар, санъатшунос, театршунос ва бошқа ёш мутахассислар учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, ЎзДСИ “Телевидение режиссёрлиги” кафедраси доценти, таниқли режиссёр ва мохир педагог Маҳкам Муҳаммедовнинг турли йилларда сахналаштирган спектакллари, яратган телевизион фильмлари, телесериаллари элимизда машҳур. Бу ўринда у суратга олган “Кўнгил кўчалари”, “Меҳробдан чаён”, “Мозийдан бир саҳифа” сингари сериалларни эслаш kifоя.

Санъаткор қўлингиздаги китобни “Нигоҳ” деб номлади. Бир сўз билан айтганда М.Муҳаммедовнинг бу китоби хотиралари, ўз тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда чиқарган хулосалари, учрашувлари, ижодий изланишлари, шахсий кузатувларини ўзида мужассамлаштирган бадиалар, мақолалар ва ён дафтардаги кайдлардан иборат. Ўйлаймизки, у билан учрашув сизларга ҳам қизиқарли, ҳам фойдали бўлади, ҳам дилингизга завқ бағишлайди.

Китоб таниқли режиссёрнинг кўпйиллик ижодий тажрибаси ва кенг малакасига асосланиб ёзилганлиги боис мазмунан бой ва қизиқарли. Шу жиҳатдан кенг китобхонлар оммасини ҳам бефарқ қолдирмайди деб ўйлаймиз.

Такризчилар:

Баҳодир Аҳмедов,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, с.ф.н., профессор

Олтиной Тожибоева,
санъатшунослик фанлари номзоди

Ўрол Ўтаев,
Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
“Мониторинг ва таҳлил қилиш” бўлими
бош мутахассиси

Масъул муҳаррир:

Эркин Усмонов, ёзувчи

“Нигоҳ” ўқув қўлланмаси Ўзбекистон Давлат санъат институти томонидан 2010 йил апрелда нашрга тавсия этилди.

М.Муҳаммедов, Тошкент, 2010.

Сўз боши

Ҳаёт нима деган саволга бир ёзувчи бу эсда қоладиган дамлар, деб жавоб берган экан. Такдир тақозоси билан кўп йиллар мен Ўзбекистон телевидениеси, О.Хўжаев номли Сирдарё вилоят театри ва Республика Ёш томошабинлар театрида бош режиссёр вазифасида ишладим. Шу давр ичида Маннон Уйғур номидаги институт (ҳозирги ЎзДСИ) да сиртки ва кундузги бўлимнинг “Телевидение режиссёрлиги”, “Санъатшунослик журналистикаси”, “Театршунослик” йўналишларида ўқиётган талабаларга дарс бериб келдим.

Босиб ўтган умрим давомида жуда кўп санъат дарғалари билан учрашганимда, малака ошириш институтларида, халқ артисти Игорь Владимиров лабораториясида, Халқаро болалар ассоциацияси (АССЕТЕЖ) кенгашларида қатнашганимда, хориж мамлакатларига сафарга чиққанларимда бир дунё таассуротлар билан қайтганман.

Кундаликларимни варақлаб ўтирарканман ўша муҳрланган онларни бир маржонга тергим келди, зора ёш талаба дўстларимга, санъатга ошуфта кўнгилларга кўмак бўлса, уларнинг ижодида, фаол турмуш тарзида ёрдам берса беҳад хурсанд бўлар эдим. Садафдек терилган пурмаъно фикрларни, ижодий жараёнда кечган онларни, кўнгилда муҳрланган дамларни мен “Нигоҳ” деб атагим келди, зотан бу нигоҳ, кўзқараш, ёндашув режиссёрлик ихтисослигида ўз аҳамиятини йўқотмайди, инсоннинг маънавий камол топиши, идрок ва тафаккурининг бойишига хизмат қилади.

Муаллиф

Ёшлар “эксперимент”ни ёқтиради

Қилинаётган ишлардан қоникмаслик, ижодий жараёнда ўз иқтидорини намоён қилишга интилиш, ҳар хил ролларни синаб кўриш, изланиш, ўз сўқмоғи, ўз йўлини топиб олиш учун уриниш айнан ёшларга хос хусусият. Бунақа пайтларда ёшларга алоҳида эътибор қаратилмоғи ва уларга ёрдам кўлини чўзмок керак. Шу мақсадда бир неча йил бурун Ўзбекистон телевидениесида бир гуруҳ иқтидорли ёшларни танлаб, экспериментал студия ташкил қилганимиз эсимда. Бу студияга мансаби, тутган ўрнидан қатъий назар, истаган ходим: ёрдамчи режиссёрми, ассистентни, мухаррирми, техника мухандисими, нур ёритувчими ё сахна ишчисими бемалол қатнашиши мумкин эди. Уларнинг кўнглида туғиб юрган орзу-армонларини, дилидаги ниятларини рўёбга чиқариш учун ҳам имконият яратдик. Студия жамоатчилиқ асосида ташкил қилинган бўлиб, моддий манфаатдан кўра, ижодий манфаат биринчи ўринда турарди. Студия ўз низомига, мазмун-мундарижасига эга бўлиши керак эди. Шунинг учун ўзларининг илк кўрсатувларини тайёрлаган Рафаэл Камолов, Наби Раззоқов, Нигора Назарова, Муборак Мадазимова, Саидабзал Расулов, Саидакбар Хасанов каби ёшлар тайёрлаган кўрсатувлар томошабинлар назарига тушди. Нигора Назарованинг «Нафосат билан учрашув» кўрсатуви ёш шоирларга бағишланди. Кўрсатувда табиат манзаралари, рассомларнинг асарлари ва шоирнинг чиқиши фалсафий бир маъно кашф этди. Шоира Вероника Тушнова шеърлари асосида тайёрланган «Юз соатли бахт» моноспектакли ассистент режиссёр Муборак Мадазимованинг экранда иқтидорли актриса эканлигини намоёиш қилди. Томошабин фикрлайдиган, самимий шеърят билан ошуфта бўлди. Эдуардо де Филиппонинг «Қора кўзойнак» номли бир пардали асари эса рус тилида намоёиш қилинди.

Ижодкор ёшлар ўз кўрсатувларини асосан ишдан ташқари, бўш вақтларида тайёрлашарди. Кейинчалик ўша экспериментал студияда қатнашган ёшлар етакчи мутахассисларга айландилар.

Бу жўшқинликни мен театр соҳасига ўтганимда ҳам яққол сездим. Олим Хўжаев номли Сирдарё вилоят театрида бир гуруҳ ёшлар ўзлари орзу қилган ролларни ишдан ташқари тайёрлаб, концерт дастурида, ярим соатлик актёрларнинг ижодий кунларида намойиш қилишди ва бу интилиш изланиш режиссёрларда репертуар танлашда, ролларни тақсимлашда ҳисобга олинадиган бўлди. Чунки ҳар қандай актёр ҳамиша ўзи хоҳлаган ролларни ўйнайвермайди. Шунинг учун “Ер томири”да Мамажон Нурматовнинг “Бегимқули”, “Имзо”даги Адҳам Абдуллаевнинг Шиндини, “Неварали келин”даги Шоҳсанам Йўлдошевнинг қаҳрамони, “Ўттиз ёшлилар”даги Рустам Ҳамдамовнинг Шавкати мана шу изланишларнинг самараси бўлди деб ўйлайман.

Ҳар пайшанба ижодий кунда кичиксахнада ижро этилган Шароф Бошбековнинг Ги де Мопассан ҳикояси асосида “У”, Шариф Жумаевнинг Жамол Камол асари асосида “Армон” достони, Адҳам Абдуллаев, Баҳтиёр Ризақулов, Муҳаббат Эминова каби ёш актёрларнинг Чехов асари асосида “Илтимос” комедияси, Мамажон Нурматовнинг “Хирургия”си, МавжудаОрифхўжаеванинг М.Горький асари асосида “Қиз ва ўлим”, Гулнора Раҳматованинг Султон Акбарийнинг “Гирдоб” достони асосидаги чиқишлари, Рўзмат Каримовнинг минатюралари, Раҳим Ҳасановнинг “Бир кеча фожиаси”, Ҳазрат Жумаевнинг “Ошга ўртоқ”даги Кузовкин роли, Шафоат Раҳматуллаеванинг “Кашмир қўшиғи”, Абдурахмон Бобошевнинг “Най наволари” ва бошқа чиқишлар ижодий жамоа маҳоратини чарҳлаган эди деб ўйлайман. Ижодий ҳисоботлар ўзига хос сеҳрли кечаларга айланди, қалбларни ларзага солди, ўйналмаган роллар ўйналди, орзулар ушалди, ижод қирралари шаклланди.

Тасаввур қилинг, раққосаларнинг драматик рол ўйнаши, қўшиқчиларнинг фожеавий қиёфалар яратиши, театр адабий эмакдошининг спектаклда бош рол ижро этиши, ана шу ёшларнинг иқтидорига эътибор, эсперимент натижаси бўлди! Бу кечалар ижодий рақобатга, шахсий

репертуарнинг бойишига олиб келди. Энг яхши чиқишлардан концерт дастурларида, ижодий сафарларида фойдаланилди. Худди ана шундай изланишлар Республика ёш томошабинлар театрида ишлаган кезларимда ҳам давом этди. Актёр Равшан Ёриев ишдан ташқари Америка ҳаётидан олинган бир пардали “Оқ фаришта” номли драмани сахналаштирди ва бу тажриба кейинчалик актёрнинг режиссурага қўл уришига имкон туғдирди. Актёр Эргаш Рахимов бўш вақтларида тайёрлаган “Қутлуғ қон”даги Ёрмат, Шиллернинг “Макр ва муҳаббат”идаги Вурм, Чеховнинг “Хирургия”сидаги Бемор, кейинчалик уни етук санъаткор сифатида Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” спектаклида жиддий, мураккаб Мўмин чол қиёфасини яратишига замин ҳозирлади.

Ёшлик ана шунақа ўзанига сиғмайдиган, тиниб-тинчимас дарёга ўхшайди. Унинг темир қанотларида юксак парвозлар шукухи, беғубор орзумидлар сурури бор. Ундаги дадиллик ва қатъийлик, одатда янгидан-янги экспериментларни ёқтиради. Кашфиётлар ишқида ёнади. Шундай экан, уларга имконият, ташаббус ва майдон керак. Ўз тажрибамдан кўрдимки, ёшларга имкон туғдириш, уларни ижодга чорлаш, бирга экспериментлар ўтказиш ўз натижасини берар экан. Ёшлар ўз-ўзларини аямай жўшиб, меҳнатдан қочмасдан изланиб, янгидан-янги ижод намуналарини кўрсата олар эканлар. Менимча ана шундай ижодий тажрибаларни давом этдириб, Республикамизда ёшлар учун экспериментал студиялар ташкил этиш, ёш санъаткорларнинг кўриклари, ижодий ҳисобот кечаларини ўтказиш керак. Зеро ҳар қандай ижодий изланиш самарасиз қолмайди.

Маҳорат – санъатда асосий мезон

1958 йили режиссёрлик диплом ишимни Самарқандда сахналаштирадиган бўлдим. Бунга Виктор Розовнинг «Шодлик излаб» комедиясини танладим. Ўша пайтда театрнинг бош режиссёри Мирзакарим Бобоев менинг майлимга қараб «марҳамат, аввал спектаклларни томоша

килинг, сўнг ролларга актёрларни танларсиз» – деди. Бу кезларда театрда «Отелло», «Бой ила хизматчи», «Далада байрам», «Фароғат», «Равшан ва Зулхумор» каби асарлар театр репертуаридан мустаҳкам ўрин олган эди. Асрор Жўраев, Шариф Ақромов, Зайнаб Садиқова, Бақо Тожиев, Кифоят Муслимова, Ойша Мавлонова, Ўлмас Султонов, Рустам Мансуров, Тамара Нуриддинова каби актёр ва режиссёрлар театр асосини ташкил қилган эди.

В.Розовнинг «Шодлик излаб» асари замоннинг долзарб муаммоларига бағишланган, «сичқон сиғмас инига, ғалвир бойлар думига» қабалидаги нафс бандалари ҳақида эди. Оиладаги мешшанликка қарши ғазот, фарзандлар орасидаги низо, Клавдия Васильевна хонадонида рўй беради. Кўпни кўрган, турмуш кийинчиликларини бошдан кечирган кекса аёл қиёфасига Ўзбекистон халқ артисти Зайнаб Содиқовани бир кўришдаёқ ролга танладим. Олег, Коля, Фёдор, Леночка образларига ҳам тез актёрлар топилди. Фақат Таня образига ёш актриса тополмай қийналдим. Ўша пайтда ёш иқтидорли актрисалар декретга кетган экан. Бир куни «Бой ила хизматчи» спектаклини томоша қилиб ўтирарканман Жамила ролини ижро этган актриса шу даражада юксак маҳорат билан ижро этди-ки, қойил қолдим. Ҳатти – ҳаракатидаги уйғунлик, образдаги сўниқлик, талаффуз равонлиги мени ҳайратга солди. Эртасига бош режиссёрга: «Мирзакарим ака, ана шундай ёш актриса бор экан- ку, нега менга айтмадингиз, Таня ролини шуларга берардим», - дедим. «Маҳкамбой, кеча Жамила ролини Зайнаб Содиқова ўйнадилар-ку», - деди. Мен лол қолдим. Онасига мўлжаллаб юрган актрисам ёш қиз қиёвфасини ҳам қойилмақом қилиб ўйнаб бериши мумкинлигини ўз кўзим билан кўрдим. Зайнаб опа ҳолатга кира олиш, қиёвфа яратиш санъатини моҳирона юксак даражада эгалаган актриса эди. Яратиш, ярата олиш маҳорати аввалом бор бу оллоҳдан берилган иқтидор, қолаверса меҳнат, меҳнат ва яна машаққатли меҳнат эвазига келадиган асосий мезон! Кейинчалик Чапекда «Она» Брехтда «Кураж она» ва бошқа қиёфаларда кўриб яна бир бор опанинг маҳоратига қойил қолдим. Зайнаб опа бемалол

Пойтахт театрлари сахнасини гуллатиши ҳам мумкин эди. Мана шундай актрисалар камтарин меҳнати билан вилоят театрларида ўчмас из қолдирган, буюк ижодкор эди.

Мухлис

70-йилларнинг бошларида «Ўзбек филармония»сининг вилоят стадионларида катта чиқишлари бўларди, «Куйловчи поезд» деб аталарди у, санъат байрамига айланиб кетарди. Амо Назаровнинг муовини Қодиржон Содиқов мени чақириб Сурхондарё воҳасидаги филармониянинг чиқишларига режиссёрлик қилиб беришимни илтимос қилди. Мен розилик бердим. Концерт гуруҳига «Баҳор» рақс ансамбли, «Лазги» ансамбли, Қораколпоқ ашула ва рақс ансамбли, «Ялла» вокал эстрада ансамбли, Ботир Зокиров ва бошқа қатор яккахон созанда ва хонандалар сафарга отланган эди. Стадионларда алоҳида таёргарчилик кўрилиб, томошабинлар ташкил қилинган эди. Мен концерт дастурини тартибга солиб, ҳар бир ҳофизга иккитадан кўшик, кетидан раққосаларнинг чиқишларини қилиб дастурни тузиб чиқдим. Кундузги машқ пйтида ҳофиз Фаҳриддин Умаров ёнимга келиб «Маҳкамжон, мени Шералидан кейин қўйманг»,-деди, бироздан кейин Таваккал Қодиров келиб, «Менга Шералидан олдин навбатни беринг», - деди. Мен ҳайрон бўлдим. Нега машҳур ҳофизларэнди сахна юзини кўрган, ёш ҳофизга концерт финалини раво кўраябди? Нега Шералини олдида улар чўчиб турибди? Тўғри, улар ҳам олқишга сазовор, эл хурматида, лекин ёш ҳофиз Шерали уларчалик машҳур эмас эди – ку?! Шундай бўлса ҳам уларнинг гапига кириб Шералини финалга яқин навбатга қўйдим. Кечқурун концерт бошланди. Стадион томошабинга лик. Чироклар машала бўлиб стадион ўртасидаги сахнани ёритиб турибди. Ҳофиз ва раққосалар дастур бўйича чиқишларини қилаябди. Навбат Шералига келди. Қоида бўйича иккитадан ортиқ ашула айтиш мумкин эмас. Концерт маданияти шуни тақазо қилар эди. Ўша пайтларда машҳур бўлган механизатор Шохимардон Қудратовга бағишланган Муҳаммаджон Мирзаевнинг кўшиғини бошлади.

Стадион олқиши уни яна руҳлантирди. Иккинчисига «Биринчи муҳаббатим»ни айтди. Қўшиқ тугади. Энди навбат бошқага. Шерали менга каради, давом этдирмоқчи бўлди, мен бош чайкадим, «йўқ» дедим. Шу пайт стадионда содир бўлган ҳолатни тасаввур қилолмайсиз. Ўн икки минг одам оёққа қалқди. Тинимсиз чапак чалиб яна қўшиқ, давом этишини халқ истарди. Мени ўжарлигим тутди. Дастурни бузгим келмади. Концерт тартиби сақланиши керак деб ўйладим. Гулдирок қарсақлар, хуштак ва чинқириклар фонида тезкор ва шиддатли Қораколпок ашула ва ракс ансамблини сахнага чиқариб юбордим. Шерали мендан хафа бўлиб сахнадан тушди. қарсақ, кичкирик давом этар, уларга мос ҳолда ансамбл раксга тушарди. Томошабин райига, унинг хоҳиш ва истагига мен қарамадим. Лекин бир нарса менга аён бўлди. Фаҳриддин ака, Таваккал ака бекорга хавотирда бўлмаган экан, ёш Шералига аввалроқ тан берган экан. Ҳофизнинг нафаси, иқтидори минг-минглаб мухлисларни орттириб қўйган экан, уни такрор ва такрор эшитгиси келар экан. Мен концертни рисоладагидек ўтказдим-у, кейинчалик санъат осмонида янги чарақлаган юлдуз пайдо бўлганини, уни ширали овозига, маҳоратига мафтун бўлган томошабин райига, мухлислар хоҳишига қарамаганимга неча бор афсус чекдим. Бу менинг ғўрлигим эди.

Фидойилик

1956 йили қишки таътилимни актёр Саъдулла Аноркуловнинг таклифига биноан қўқон шаҳрида ўтказдим, қахратон қиш, қора совуқ. Театр ўз репертуаридаги спектаклларини ҳар кеч намойиш қилар, зал томошабинга тирбанд. Бош режиссёр Хожиқурбон Назаров сахналаштирган спектакллар, Надежда Никифорованинг сахна асарлари намойиш қилинар эди. Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», «Ҳолисхон», А. Қаҳҳорнинг «Оғрик тишлар». Шиллернинг «қароқчилар» ва бошқа қатор спектакллари томоша қилдим. Бу йиллари санъат институтини тамомлаган бир гуруҳ талабаларни театрда ишга қабул қилишган, театрда ижод қайнаган палла эди. Довудхўжа Ғофуров, Асад Алимухамедов, Рихсивой Орифжонов, Тўйчи Орипов,

Саъдулла Аноркулов. Мақсудали Мансуров, Маъмура Хўжаева, Машраб Раҳимовалар театр жамоасига сингиб кетган, тўла қонли ижодий муҳид домида эди. Тажрибали санъаткорлар Занжирали Мирзатов, Хожиқурбон Назаров, Надежда Никифоровалар уларни ўз бағрларига олиб жиддий изланишлар олиб бормоқда эди. Ана шундай изланишлардан бири Ф. Шиллернинг «Қароқчилар» фожиаси Аскад Мухтор таржимасида сахналаштирилган эди. Богема ўрмонларида ака-укалар орасида содир бўлган низо, иғво, қабих ниятларни амалга оширишда қилинган барча хийла найранглар актёрлар томонидан мохирона очиб берилган. Кекса Моор (актёр Д. Ғофуров), Карл Моор (актёр Р. Орифжонов) Франц Моор (актёр Т. Орипов) Амалия (актёр М. Раҳимова)лар режиссёрнинг режаларини тушуниб етган, Шиллер даври қиёфасини яратишда роса изланган, сахна тасвирий ифодасини топа олган кўринишлар гувоҳи бўлдим. Ташқарида Қўқон шамоли, эшик тирқишидан қор учқунлари гупиллаб уриб турибди, залда иссиқ кийинган томошабин, сахнада ҳарир кўйлак кийган Амалия, оғзидан ховур буғланиб кучли эҳтирослар жўшарди. Ниқоб кийган Карлнинг пайдо бўлиши, сирли ҳолатлар, Францнинг найранглари, Шпильберг, Швейцар, Ролларнинг чиқишлари, айниқса «Карл тирик!» сахналари таъсирчан, қалб кўри билан яратилган. Бу ерда ансамбликка эришилган бу ҳолатни «Қутлуг қон», «Холисхон». «Муқимий» айниқса «Лайли ва Мажнун» спектаклида ҳам кузатиш мумкин. Кириш қисмидаги фожиа ва лирика, хор сахналари, ҳаракат ва оханг уйғунлиги, рассом топилмалари кишини қувонтиради. Ибни Салом, Лайли, Мажнун, Зайд лавҳалари, айтилган дуэтлар, «Қора кўзим» ариялари профессионал даражада. Мен мана шундай ижодий жамоа билан танишганимдан фидойи санъаткорлар борлигидан беҳад хурсанд бўлдим. Қўқон драма театридан катта ижодий таассурот олиб қишнинг изиллаган совуғида ҳам театрни тўлдириб ўтирган фидойи томошабинларга қойил бўлиб қайтдим.

Қўнғироқли ёлғончи

Театрда қизик воқеалар рўй бериб туради. Мана шулардан бири. 1984 йили Ёш томошабинлар театрида Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг “Қўнғироқли ёлғончи” деган пьесасини саҳналаштиришга киришдик. Асар янги йил байрами арафасида саҳна юзини кўриш керак, вақт жуда оз эди. Болалар композитори Аваз Мансуровга мусикалар басталаш топширилган эди. Аксига олиб, айна шу кезлари уни Ашхобод шаҳрига ҳарбий хизматга олиб кетишди. Нима қилишга ҳайронман. Композитор ҳарбий хизматда, мусика йўқ, бу ёқда спектаклга тайёргарлик авжида, бош қотди.

Асар сюжети бўйича эшак бутун подани бўрига ем қиларди. Қўнғироқли ёлғончи - така ҳам ундан қолишмас ва оқибатда ўзи омон қоларди. Бу асарда эшакларга ҳам, такаларга ҳам ишонмаслик керак деган маъно бор эди. Яъни кимлардир эшакдек калтафаҳм, кимлардир такадек айёр, фақат ўзлари омон қолишса бўлгани. Асарда шундай мажоз бор эди. Истайсизми-йўқми болалар театри учун мусикаси бўлмаса асар йўқ деган гап. Мен идорама-идора югуриб, бир амаллаб, композиторнинг ёнига боришга рухсат олишдан бошқа чорам қолмади. Қисқаси Ашхобод қайдасан деб йўлга чиқдим.

Йўл юриб, йўл юрсам ҳам мўл юриб, Аваз хизмат қилаётган ҳарбий қисмни топиб бордим. Тўғри командирнинг ҳузурига кирдим. “Менга Аваз Мансуров икки кунга керак” деб вазиятни тушунтирдим. Командир ҳайрон бўлиб қолди. Иложи йўқ дегандек гап қилди. Ялиндим, ёлвордим, совғасаломларни олдиға қўйдим. “Ҳеч қаёққа кетмайман” деб қайсарлик қилиб туриб олдим. Сал юмшагандек бўлди. Уни ҳам тушуниши мумкин эди. Бундай ҳодиса улар учун мутлақо кутилмаган ҳолат бўлгани табиий эди-да.

Хуллас калом Авазни олиб чиқиб бир хонага жойлаштирдим. Пианино топдик. Уни устидан қамаб қўйдим-да “спектакл мусикасини ёзмагунингча чиқармайман” дея ўзим чиқиб кетдим. Асарда ўнта ария бўлиб эшак, така

каби қахрамонларнинг ариялари алоҳида-алоҳида эди. Композитор партитура бўлмаса-да клавирины икки кунда ёзиб тугатди. Натижада 28 декабрь куни “Қўнғироқли ёлғончи” ни фортопиано ижросида сахнага олиб чиқдик. Спектакл муваффақият билан намоёиш этилди. Уни болалар маза қилиб томоша қилишди. Шундагина бир ойлик чарчоқларим тарқалгандек бўлди. Кейинги кунларда биринчи марта тиникиб ухладим. Санъаткор мақсад йўлида астойдил интился, ҳаракат қилса, кўзлаган мақсадига эришишига, кези келганда қайсарлик ҳам ижобий натижа беришига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Ҳали-ҳали ўша кунларни эслаб, кулгим қистайди. Ва айна чоғда ўзимдан, сахнадош ҳамкасбларимдан қониқиш туйгандек бўламан.

Элмурод

Институтда ўқиб юрган кезларимда Парда Турсуннинг “Ўқитувчи” романининг бир қисми “Етимнинг бахти” кичик китоби босмадан чиққан эди. Асар бошланғич ўқитувчилик касбини эгаллаган бир етим боланинг қисмати ҳақида эди. Бу қиссалар институтда ўқиб юрган чоғларимдаёқ қизиқиш уйғотган эди. Ёзувчиси билан бир учрашсам, суҳбатлашсам, асарини телевизорга чиқарсам, театрда сахналаштирсам деган ниятлар билан яшардим. Шу кичик қиссаларни тўплаб ўзимга бир инсценеровка ҳам қилиб олгандим.

Бир куни журъат қилиб у инсоннинг уйини қидириб топиб бордим. Бу кўча ҳозирги Ҳадича Сулаймонова кўчаси бўлди (аввалги Сталин кўчаси). Излаган ёзувчим шу кўчада яшар экан. Илгари бу кўча Мустақиллик майдонида бўлиб ёзувчилар уйлари кўп эди. Бу 1957 йил кўклам ойлари эди. Шундай қилиб мен Парда Турсуннинг уйини топиб бордим. Оҳиста эшик қўнғироғини босдим. Истараликкина бир аёл эшикни очди. “Парда аканинг уйи шуми?” дея сўрадим, - Мен Театр санъати институтида ўқийман. Парда акада озроқ гапим бор эди. Шунга келгандим”. “Ҳа, майли кира қолинг.

Фақат у кишининг бироз товлари қочиб қолган. Вақтини кўп олмасиз” деб ичкарига таклиф этдилар. Қўлимда инсценеровкам билан уйга кирдим.

Кенг хонада битта катта стол бор. Стол устида қўлёзмалар, китоблар, энди нашрга тайёрланаётган боблар. Мана шу стол атрофида беқасам тўнни елкасига ташлаган, дўппи кийган, думалоқ кўзойнак таққан, хастанамо бир киши ўтирарди. Саломимга алик олди-ю, оғир аҳволдалигидан ўрнидан тура олмади. ”Келинг” дея менга назар ташлади. “Мен бир ният билан келдим. Сизнинг асарларингиздан театрға, телевизорға олиб чиқмоқчиман”. ”Жуда яхши, раҳмат”. “Шу “Ўқитувчи” асарингиз асосида шу ниятимни амалга оширсам девдим, маъкулми...” “Бу романни энди нашрдан чиқараман. “Болалик”, “Етимнинг бахти”, ”Ўқитувчи” каби асарларни тўплаб бир катта роман қилаяпман, энди нашрдан чиқараман. -57 йил Москвада “Ўзбек адабиёти ва санъати” декадаси бўлади. Шунга тайёрлаяпман, бу роман декадада чиқиши керак” сўйлай кетдилар кўзлари ёниб. Мен эса асарнинг ижровий варианты қандай бўлиши ҳақида сўзлай кетдим. Сўнгра у “Мен розиман, ука, сахналарига ўзгартиришлар киритсангиз ҳам майли. Ўқитувчим исмлари кўп эди: Эргаш, Холмурод. Ҳаммасини бир қилиб “Элмурод” деб ўзгартирдим. Элнинг мақсади йўлида хизмат қилсин” дея ҳам ҳазил, ҳам чин қилиб гапирдилар. Ёзувчи мамнунлиги юз-кўзида акс этиб турарди.

Шундай қилиб романнинг биринчи қисми асосида телевизион спектакл ишини 1957 йил декабрда бошлаган бўлсам 1958 йил кўкламга яқин тугалладим. Шу ўринда бир лавҳа ёдимга тушди. Телевизион спектакл жонли эфирға узатилмоқда, мен пультада ўтирибман. Спектаклнинг шундай жойи бор. Элмурод қишлоқдан шаҳарға келаётиб онаси вафот этади. Шунда она боласига “Бор шаҳарға келдинг. Одамлар орасида йўлингни, бахтингни топгин. Одамларға хизмат қилгин, болам. Мени бошқа кутма” дейди-да жон беради. Шунда Элмурод “Ойи” дея додлайди. Бола ролини мактаб ўқувчиси Миршароф Содиков, онаси Бувинисони Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳаббат Йўлдошева ўйнаган. Актриса ижросини кўриб пультада

ўтирганлар ҳам йиғлаб ўтиришди. (Бойни Ўзбекистон халқ артисти Карим Хонкелдиев, бой хотинини Ўзбекистон халқ артисти Манзура Ҳамидова ўйнади). Бу телевизион асар ўзбек халқининг катта маънавий бойлигига айланиб қолди. Томошабинлар жуда яхши кутиб олишди. Спектаклга яхшигина гонорар ёзишган экан. Шунга уйландим, тўй қилдим. Биринчи фарзандим ўғил бўлса исмини Элмурод қўяман деб ният қилдим. Биринчиси қиз бўлди. Спектаклни телевидениега яна узатмасам бўлмайди деб эфир юзини кўрди. Иккинчиси ҳам қиз бўлди. Бири Дилором, бири Саодат бўлди. Энди учинчи марта романни кенгроқ қилиб сахнага қўйдим. 4 қисмли видеофильм бўлиб ишлангач орадан 9 йил ўтиб ўғил кўрдим. Унинг исмини Элмурод қўйдим. Элмурод ўқитувчи бўлмади, лекин эл корига ярайдиган, телевизору радиоларни тузатадиган уста бўлди. Неки ниятни дилдан қилсангиз унга етишар экансиз. Ҳозирда Элмурод тимсолида ўғлим эл-юрт хизматини қилиб юрипти. Афсуски асарни сахнага қўяётганимда Парда Турсун ҳаётдан кўз юмди. Асарни кўриш унга насиб қилмади, фарзандлари келиб кўришди. Кейинчалик бу асар театрда ҳам қўйилди. Мирзакарим Бобоев Болалар театрида сахналаштирди. Бу асар ҳаётимда катта из қолдирди.

Оқ кема

Республика Ёш томошабинлар театрига бош режиссёр бўлиб келган йилларим эди. Маълумки, бу сахнада асосан болаларга спектакллар қўйилади. Шунинг учун биринчи кунларданоқ “алдагани бола яхши” қабилидаги айрим хом-хатала асарлар кўпайиб кетганини сездим. Репертуарга қизиқдим. Назаримда Болалар театрида энг аввало пишиқ-пухта, бўлажак “катта томошабин”ларни тарбиялайдиган асарлар қўйилиши керак эди. Очигини айтсам, театрда боғча ёшидаги болаларга енгил-елпи, ўйин-кулгидан иборат асарлар кўп ўрин олгани ва ўсмирлар учун жиддийроқ асарлар йўқлиги ғашимни келтирди.

Машҳур қирғиз ёзувчиси Ч.Айтматовнинг ўша кезлари катта шуҳрат қозонган “Оқ кема” асарини қўлга олдим, сахналаштирдим. Шундан кейин

театримизга мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ҳам, билим юрти талабалари ҳам кела бошладилар. Ниҳоят Ёш томошабинлар театрини ҳам “жиддий театр” эканлигини кўпчилик англаб ета бошлагандек бўлди.

Менимча болалар театрида томошабинлар ёшига қараб босқичларга бўлиниши керак. Масалан, Петербургда Зиновий Корогодский раҳбарлигидаги ёш томошабинлар театри бор. Энг диққатга сазовор томони, бу театрда биринчи синфдан тўртинчи синфгача, бешинчи синфдан еттинчи синфгача, саккизинчи синфдан ўнинчи синфгача бўлган гуруҳларга болалар келишарди. Уларнинг тафаккури ана шу даражаларга қараб мослашиб ўткирлашиб борарди назаримда. Мен “Оқ кема” спектаклини шундай табақага бўлиб, 10-синфгача ва ундан катталар кўрадиган спектакл қилишга уриндим.

Бу асарни илгари Ўш, Бишкек театрларида қўйилганидан хабарим бор эди. Асар асосида фильм ҳам борлигини ҳам билардим. Аммо шунга қарамай, мен “Оқ кема”га янгича ёндашиб талқин қилишга ҳаракат қилдим. Худди ўша кунлари тақдир тақозоси биланми, пойтахтимизда “маданият кунлари” ўтказиладиган бўлдию, унда иштирок этиш учун муаллиф Чингиз Айтматов келганлигини ҳам эшитиб қолдим.

“Нега Айтматовни театримизга таклиф қилишимиз мумкин эмас. Машҳур қирғиз ёзувчисининг бу асари Тошкент театрларида биринчи марта сахналаштирилаяпти-ку. Муаллифни таклиф қилсам ҳам қандай бўларкин?” деган хаёлларга бордим. Менда қандайдир журъат пайдо бўлиб, Чингиз оға кўнган меҳмонхонанинг телефонини топдим, кўнғироқ қилдим. Гўшакни унинг ўзи кўтарди. Салом-алиқдан сўнг “Чингиз Тўрақулович, кечирасиз, биз Ёш томошабинлар театрида “Оқ кема” асарингизни сахналаштирган эдик. Шунинг билан келиб кўрмайсизми...” дедим. “Бугун Самарқандга кетишим керак эди. Майли болалар театрига бўлса, оилам билан бораман. Сафарни қолдира қоламиз” деди у. Хурсандлигимдан кулоқларимга ишонмасдим. Икки соатлардан кейин яна кўнғироқ қилдим. Яна гўшакни Чингиз оғанинг ўзи олди. “Биз кутамиз-а” дедим ҳамон ишонқирамай. “Бўлди, бўлди, албатта

бораман” деди у қатъий оҳангда. Вазирликка югурдим. Ўша йилларида маданият вазири таниқли адиб ва драматург Ўлмас Умарбеков эди. “Шунақа, шунақа, Чингиз Айтматов театримизга келаяптилар” дедим. Вазир “Йўғ-ей, йўғ-ей” деб хайрон бўлди. “Албатта келадилар. Соат кечки бешда театрда бўламан дедилар” дедим мен яна.

Соат тўрт ярим бўлди, Айтматовдан дарак йўқ. Зал томошабинлар билан лик тўлган. Ҳамма нарса тайёр. Соат чорак кам беш бўляпти. Лекин Чингиз оғадан ҳамон дарак йўқ эди. Ўлмас Раҳимович эса: “Келмайди дедим-ку. Унинг ишлари кўп. Спектаклни бошлайверинглар” деди.

Қисқаси соат беш дақиқаси кам бешда театрнинг Эски Жўва майдонидаги собиқ биноси олдига оқ волга келиб тўхтади ҳамда ундан оппоқ костюм-шим кийган Чингиз Айтматов ва оппоқ кофта-юбка кийган рафиқаси тушишди. Шундай қилиб Ч.Айтматовнинг “Оқ кема” қиссаси асосида спектакл биринчи марта муаллифнинг ўзи иштирокида ўзбек сахнасида намоиш этилди.

Спектаклдан кўзда тутган мақсадим фақат табиатни эмас, балки одам калбининг “экология”сини кўрсатиш, уни ҳимоя қилиш ва ёшларни шу руҳда тарбиялаш эди. Назаримда ниятимга етгандек бўлдим. Талқиним томошабинларга маъқул тушди. Асар яхши кутиб олинди. Ҳамма бизни олқишлаб табриклади. Спектакл якунида Чингиз оға сахнага чиқиб бизни кутлади. “Оқ кема”ни ёш томошабинлар орасида ҳаяжон билан кўрганини, хатто уни ёшлар қандай қарши олишаркин деган хавотирда ўтирганини алоҳида таъкидлади ва ўз мамнуниятини изҳор қилди, театримиз жамоаси билан эсдалик суратига тушди. Эртасига эса ҳозирги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида унинг мақоласи эълон қилинди ва адиб яна бизнинг спектаклимизни эслаб, бундан хурсанд эканлигини билдирганди.

Мархабо, талантлар!

Ўзбекистон телевидениесида “Мархабо талантлар” деган кўрсатув бўлиб, у рақс, оркестр, кўшиқчилик, балет каби санъат турларини қамраб олган икки соатлик танлов эди. Булар катта тайёргарлик талаб қилади. Ҳамма вилоятлардан иштирокчилар қатнашиб ўз чиқишларини намойиш қиларди. Мен Сирдарё ва Сурхондарёни кўрсатдим. Кейингиси Қорақалпоғистон эди. Биз тайёргарлик кўраётган вилоятга бориб уларнинг ишини кўриб камчиликларини тўғрилаймиз.

Ўша пайтлар 1972 йил эди. Қорақалпоғистон ҳам бир ой олдин тайёргарликни бошлаб юборишган. Биз бориб кўрдик. Комонов деган Марказкомнинг котиби бўлиб талантчиларнинг ҳам талантсизларнинг ҳам елкасига қоқиб чиқарди. Раҳбар ёш ўсиб келаётган истеъдодларнинг кўнглига қараётгани шундоққина кўриниб турарди. Комонов Маданият вазирини чақирди-да: “Мана меҳмонлар кўришди, танлашди. Энди буларни олиб-бориб келишга қанча керак?” деди. Вазир “Саксон минг сўм етиб қолар” деди. “Яна қанча керак?” десалар, “Қирқ минг” деб жавоб берди. Шартта телефонни олди-да бир пахта завод директориға кўнғироқ қилди: “Мен сизга орденни нега берганман? Биласиз-а? Энди қайтимни берсангиз ёмон бўлмас”. Хуллас, йигирма минг, қирқ минг, саксон минг, юз йигирма минг йиғилди. Маданият вазирига қараб: ” Мен сизнинг ҳамма айтганингизни қилдима. Агар сиз шунча меҳнат билан Тошкентдан ўрин олиб келмасангиз қайтиб келиб ўтирманг” деб қатъий тайинладилар. Раҳбарнинг санъатга бўлган иштиёқини қаранг. Раҳбар санъатни ардоқламаса, ёшларга шароит бермаса, ёрдам бермаса, санъат ўсмайди. “Мархабо талантлар” орқали кўплаб ёш талантлар кўзга кўринди. Хоразмдан С.Ўдаева, Ўлмас Саиджоновлар санъат осмонига чиқишди. Вақти-вақти билан шундай кўрсатувларни тайёрлаш керак экан. Берилган эътибор эса жавобсиз қолмайди.

Таъзим

1970 йилларда Россия телевидениесида “От все души” (“Чин қалбдан”) номли кўрсатув намоиш қилинарди. В.Леонтьева бошловчилигидаги бу кўрсатув оддий, содда одамлар, кутилмаган учрашувлар ҳақида эди. Дастур томошабин кўз ўнгида жонли олиб бориларди. Ҳозирги “Жди меня” кўрсатувига ўхшаш. Биз бундай кўрсатувни аввалроқ ташкил қилгандик. Биринчи бор машҳур шоир ва журналист Анвар Исроилов билан биргаликда “Таъзим” кўрсатувини тайёрлаганмиз.

Телевидение кутилмаган жонли ҳолатларни яхши кўради. “Таъзим” рукнидаги кўрсатувларда шундай ҳолатлар аксини топди. Уларнинг бирида сирдарёлик ўқитувчи қаҳрамонимиз бўлган. Уни қидириб Сирдарёга борсак, вилоятда 44000 та ўқитувчи бор экан. Биз излаган инсон туман Маориф бўлими биноси қаршисида яшайдиган, 1925 йилларда биринчи мактаб ташкилотчиларидан бўлиб чиқди. Биринчи ўқитувчилик қилган ўқувчиларидан министр даражасигача етганлари бор экан. Шундай улуг инсонлигини ҳеч ким, ҳатто Маориф ходимлари ҳам билмас эканлар. Кўрсатувга шу одамни олиб келганимизда ҳамма ҳайрон қолганди. Биз уни сахнага олиб чиқиб катта лавозимдаги шогирдлари билан учраштирдик. Қилган улуг ишларию ҳаёт мазмуни очиб берилди, шундан сўнг унинг номига кўчани ҳам номлашди. “Таъзим” дан мақсад таниқлиларни эмас, мана шундай оддий нотаниш инсонларни сахнага олиб чиқиш эди.

Демоқчиманки, “Меҳр кўзда” каби одамлар бир-бирини излаши борасидаги кўрсатувлар Ўзбекистон телевидениесида -70 йилларда бошланган эди. Бунда шоир, муҳаррир Анвар Исроилов ва режиссёр сифатида мен турган эдим. Тўғри, янги кўрсатувлар туғилади, эскилари унутилади. Лекин томошабинга кутилмаган учрашувларни тақдим қилиш жонли телевидениенинг бурчи бўлиб қолаверади.

Шундай учрашувлардан яна бири Ховос “райижроком” раиси Эркабой Исломов билан бўлган эди. Бу инсон тўққиз марта ҳалок бўлган. Аниқроғи иккинчи жаҳон урушида тўққиз марта яраланиб тузалган. У бошдан ўтказганларини шундай ҳикоя қилади: ”Иккинчи жаҳон уруши йилларида

немислар чекинаётган бир пайтда унинг кўзига сочма ўқнинг учкунлари кириб кетган экан. Уни “ўлди” деб ўйлашиб ўрага ташлаб юборишти. Бир рус аёли ўликлар орасида уни кўриб қолиб жони борлигини сезиб чуқурдан судраб олиб чиқибди. Аёл Эркабой акани уйига олиб келиб, ҳар куни сут бериб парвариш қилган. Кўзда эса осколка. Кейин уни касалхонага ётқизишади. Шунда эвакуация қилинган машҳур бир докторнинг Киевдан Одессага қайтаётган вақти бўлади. Госпитал докторлари Эркабой акани шу профессорга кўрсатишга келишиб олишади. Доктор бемордан “Қаердансан?” деб сўраганида, “Тошкентданман” дея жавоб берганлар. “Ошни соғинибсан-да. Кўзинг кўрмаяптими? Энди операция қилмасак бўлмайди”. Беморнинг кўзларини темир қоплаб турарди. Машҳур докторнинг маҳоратини қарангки, беморни операция столига ётқизиб, кўзларига магнитни яқинлаштиради. Магнитнинг катта кучи билан беморнинг кўзларидаги темир осколка “шип” этиб чиқиб келади. Бу одамнинг устомонлигига қаранг, тан бермай иложингиз йўқ.

Уч ой кўзини боғлаб қўйишади. Бир куни уни парвариш қилган рус ҳамшира аёли ёнига келиб, “Бугун кўзингизни очамиз” дейди. Ислоом акани кўм-кўк ўрмонзорга олиб бориб кўзларидаги бинтни секин очади. “Ўшанда мен ҳақиқий ҳаёт лаззатини тотганман. Қайтадан жон кирди” эсга олади қария. Кейинчалик ҳам у аёл билан борди-келдини давом этдирибди. Кўрсатувга таклиф қилганимизда барчасини ҳикоя қилиб берди. Биз меҳрибон рус аёлини ҳам дастурга таклиф қилмоқчи бўлдик, лекин иложи бўлмади. Унинг номига ҳурмат ва ширин сўзларимизни йўллаб қолдик.

Ҳозир ҳам мана шундай одамларни қидирса, топса бўлади. Телевидение изланувчанликни, кутилмаган ҳолатларни, янгиликларни хуш кўради. Халқнинг ўзи хазина, фақат уларни топиб, оқилона фойдаланишни билиш керак.

Телесериал

Сўнгги йилларда телесериал деган жанр катта удумга кирди. Кузатаман: ҳамма оила кечки овқатдан сўнг телесериални интиқиб кутишади. “Тангем”, “Ошин”, “Маҳобҳорат”, “Қиш сонатаси”, “Зерда” сериаллари нафақат Ўзбекистонда, бошқа давлатлар телевидениеларида ҳам намоёниш қилинади. Бразилия, Аргентина, Мексика, Корея, Хитой, Туркия телесериаллари сўнгги йилларда телевидениени эгаллаб олди. Бир пайтлар С.Бондарчукнинг “Уруш ва тинчлик” фильми тўрт қисмли қилинган, ҳар бир қисм икки сериядан иборат эди. Ўша вақтда энг кўп сериал кино шу ҳисобланарди. Ю.Солнцеванинг “Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси” кўп қисмли фильми ҳам жуда машҳур бўлиб кетди. Ш.Аббосовнинг Ҳамзага бағишланган “Оловли йиллар” фильми кино мухлисларга манзур бўлди. Сериал жанри яқин-яқинда кенг урфга айланди. Сериалсиз одамлар ҳаётини тасаввур ҳам қила олмай қолдилар. Томошабинлар онгига сингиб, салом-аликлари, урф-одатлари, улар табиатини ўзгартириб юборишгача борди.

Кунлардан бир кун узоқ қариндошимнинг эри дунёдан ўтиб қолди. Майитниг тепасида хотини “Валентинимдан айрилиб қолдим” деб йиғларди. “Морена Клара” каби сериаллардаги қаҳрамонлар ўзбек аёлларининг қисматига айланиб қолди. Қайғусида ҳам, шодлигида ҳам ўшалар билан яшай бошлади.

Аслида сериал тушунчаси қадимдан етиб келмоқда. Адабиётда “Минг бир кеча” асари кунлик ҳикоялар асосига қурилган. Театрда эса ҳар кун қисмларга бўлинган асарларни кўришнинг иложи йўқ. Кино маҳсулотига ҳам 1-3 соатга саралаб олинган воқеалар сиғади. “Тўрўғли”, “Авазхон” дostonларининг ўзи ҳам бир сериалдир. Буларни олиб катта сериал қилиш мумкин. Телевидение тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарилиб халқнинг ичига кириб борди. Бадиий телевидение сериал деган жанрни ўзига боғлаб олди. Уни “Эртага нима бўларкин” дея кутишлар авж олди. Одамларни қизиқтириб фильмнинг қизиқарли жойида тўхтатиб қўйиш фақат телевидениега хос эканини ҳамма ҳам билавермайди. Театрга пардоз-андоз қилиб бориб ўтирасиз. Спектаклни кўриб чиқиб кетасиз. Кинода ҳам худди

шундай. Лекин уйда телевизор кўришда пардоз-андознинг кераги йўқ, бир пиёла чойни ичиб оила даврасида кўрасиз. Шулар қатори мен ҳам “Рамаяна”, “Маҳобҳорат” сериалларини мириқиб ўтириб кўрдим. Ҳинд халқи урф-одатлари, тарихи, либослари, эътиқодларини сериаллари орқали янада яхшироқ билиб олдим. Ўзбек менталитетига мос келади.

Сериал ишлаш катта меҳнат ва ижодий сафарбарликни талаб қилади. Масалан, Лотин Америкасида суратга олинадиган сериаллар учун беш-олтиталаб камералар жалб этилади, катта сарф-харажат қилинади. Бутун дунёда сериалларни “совун кўпиғи” дейишади. “Совун кўпиғи”-ки кўпиришини кутиб ўтираверасан. Улар ёрилгач бир нимангни йўқотгандек ўтираверасан. Шуниси қизиқки, зиёли, ўта тушунган одамлар сериалларни кўришмайди. Сўнгги пайтларда зиёлилар ҳам уларни кўриб завқ олишмоқда. “Тангем” сериали ана шундай қарши олинди.

1990 йилларга келиб биз ҳам, нега ўзбек сериалларини чиқара олмаймиз, деган саволни ўзимизга бердик. Имконимиз, техник шароитимиз етарли бўлмаса ҳам биз ижодкорлар, М.Маҳкамов, Ш.Бошбеков, М.Бобоев, Р.Муҳаммаджонов, Ҳ.Алиев ва камина эллик қисмли ўзбек сериалини яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Маълумки театрда актёрлар штатда туришади. Театрдан ойлик олишади, шундан нонини ейди. Мухлислар уларнинг янги-янги яратган қиёфаларни кўриш учун томошага тушишади. Телевидениеда эса махсус актёрлар гуруҳи йўқ. Уларни четдан олишга тўғри келди. Шу билан бирга телевидение бир хил қиёфаларни ёқтирмайди, телетомошабин янги ижрочиларни кўришни истайди.

Таниқли драматург ва шоир Машраб Бобоев билан сериал ишини бошлаб юбордик. Унга “Менинг маҳаллам” номли сценарий ёзиб келишни топширдим. Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин драматург беш серияга етадиган сценарий қўлтиқлаб келди. “Менинг маҳаллам” деб номланадими десам, йўқ “Кўнгил кўчалари” деб айтди. “Чунки бунга кўнгил кўчаларидан ўтган воқеалар асос қилиб олинган. Воқеа бир маҳаллада бир оила ҳаётида, унинг фарзандлари орасида рўй беради. Мен “негр” ёзиб келавераман, сиз

“партизан” сахналаштираверасиз. Рафаэл Камолов тасвирга олаверади” дея тушунтира кетди. Яратган сериализмизни тўлақонли деб айта олмайман. Кўп камчиликларга эга, лекин шунда ҳам қўлдан келганча ҳаракат қилдик. М.Бобоев 150 қисмга мўлжалланган сериалнинг 75 қисмини ёзиб тугатди. Ёзувчининг умри қисқа экан, 51 қисмини олганимизда оламдан ўтиб қолди. Моддий маблағ етишмаганлиги туфайли сериал давомини олишнинг иложи бўлмади. Кўплаб қийинчиликлар эвазига дунёга келган илк ўзбек сериали томошабинлар қалбидан ўзига хос из қолдирди деб ўйлайман.

“Кўнгил кўчалари” дан “Меҳробдан чаён” га

Бу сериал бизнинг илк қадамимиз эди. Телевидениенинг илк қадами ҳам. Ҳозир сериалларга катта эътибор берилаяпти. Улар маълум бир даражада тузим, система, маълум бир конвер усулида ишланаяпти. (фильмлар ҳам шу усулда қилинаяпти). Мексика, Лотин Америкаси ишлаётган сериаллар айнан шундай. (Корея, Япония). Ғарб сериалларининг бир номаъқул томони шуки маълум бир очиқ сахналар бор. Одоб-ахлоқ чегарасидан чиқиб кетадиган жойлар бор. Масалан, ўзбек хонадонида сериал кўрилаётиб келин билан куёв ўтирса, иккаласидан бири юзини беркитиб чиқиб кетишига тўғри келади. Бошқа-бошқа хонада ўтириб кўриш керак бўлади. Ўзбеклар оиласи билан ўтириб кўрадиган сериал йўқ эди, қаерига қарасанг қучоқлашиш, ўпишиш, ўзбек хонадонига ёт нарсалар-да. Биз Машраб Бобоев билан оила даврасида ўтириб кўрадиган сериални мўлжалладик. Машраб ғояси ҳам шу эди. “Кўнгил кўчалари” кўшиғи бошланиши билан ўйнаб юрган болалар ҳам “ғир” этиб уйга кириб келадиган бўлишди. Мақсадимизга эришдик. Техникавий шароит яхши эмас, сериал дубляж қилинмаган, лаблаштирилмаган ҳам. Ҳозирги сериаллар ишланишида ер билан осмонча фарқи бор. Бу сериал бошқаларига замин яратиб берди. Келажак энди сериалларники. Бизга бадиий ифодасини топган, маънавиятимизга ижобий таъсир қиладиган сериаллар керак. Юксак

маъданиятни ўзида жо қилган сериаллар керак. Минг афсуски сўнгги пайтларда савияси саёз, жўн сериаллар кенг ўрин олиб боряпти. Аслида ўзимизнинг бой адабий матеиаллар , масалан, “Ўтган кунлар” асосида телесериаллар қилишимиз керак. Мана шу асарни сериал қилиш менга армон бўлиб қолмоқда, уни ўттиз қисмли сериал қилса бўлади. Бу асарда миллий ўтмишимиз, урф одатлар, одоб-ахлоқ масалалари жамланган. Кейинги пайтларда ишланган “Лафз”, “Гулхан атрофидагилар” каби кичик сериалларни томошабинлар маза қилиб кўришди. Вақти келиб пишиқ-пухта сериаллар яратилар.

-90 йилларга келиб А.Қодирий “Меҳробдан чаён” асарининг телевизион версиясини яратдим. Машҳур режиссёр Йўлдош Аъзамов А.Қодирий оқлангандан сўнг давлат буюртмасига биноан бир соату йигирма минутлик “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари асосида фильмлар ишлаган. Ҳар бир қаҳрамонни гавдалантирган актёр сиймоси халқимиз кўз олдида кетгани йўқ. Ҳамон одамлар ёдида, ўша Кумуш, ўша Отабек. Кейинги ишланган “Ўтган кунлар” фильми эса ёддан тез кўтарилди.

“Кўнгил кўчалари” телесериалини тайёрлаётган вақтда ёзувчи Хайридин Султоновнинг олдига бордим. Унинг олдига кирдим-да “Хайридин, Абдулла Қодирий бобомиз олдидаги бурчимизни бажаришимиз керак. “Меҳробдан чаён” асарининг телевизион версиясини қилгим бор. Сценарийсини ёзиб берсангиз” дедим. Хайридин Султоновнинг аслида Абдулла Қодирийга ўхшашлик томони бор. Кўриниши ҳам, қалби ҳам. У кенг фикрли, қалби тоза инсон. Хайридин ўйланиб қолди-да “Маҳкам ака, майлибир уриниб кўрай” деди. Бир оз вақтдан сўнг Хайридин ҳар бир серияси қирқ беш минутлик ўн беш серияли роман инсценеровкасини олиб келди. Бу иенсценеровка жуда катта бахт эди. Билсангиз ёзувчи асарини 1 феврал куни тугатган. Шуниси қизиқки, биз ҳам фильмни суратга олиш ишларини 1 февралда бошлаб 15 феврал куни тугатдик. Асарга қандай ёндашиш ўйлантирарди. Мен тушунаман, Йўлдош Аъзамов Абдулла Қодирий ҳақида тушунчаси бор, ўша давр муҳити ва ҳаётини яхши билган

режиссёр эди. Лекин у ўша давр тузумидан чиқиб кета олмас эди. Абдулла Қодирий эндигина оқланган пайтлар, одамлар меҳри тушиб улгурмаган. У ҳақда тушунчаларга ҳам эга эмас. Романдаги кюперлар, кераксиз сахналар, ортиқча жойларни ташлаб, Йўлдош ака асарнинг қаймоғини олди (шўро тузумига мос тушадиган қилиб), шу тарзда ёритган. Романни ўқиб чиқсангиз ундаги бирорта сўзни олиб ташлаб бўлмайди. Қодирий ҳар бир сўзни моҳирона, заргарона қилиб ёзган. Ҳар битта сўз пурмаънога эга. Китобда қандай берилган бўлса, шундай қилиб чиқариб берсам мендан бахтли одам йўқ эди. Мен бу ерда режиссура бундай бўлиши керак дея ҳаракат қилмадим. Ҳар бир сўз устида тўхталиб, актёрлар орқали ёритиб бердим. Масалан, сўзларни актёрларга тушунтиришга ҳаракат қилдим. Аммо битта томонини ўзгартирдим. Яъни, Қодирий бу асарни 28 йил давомида ёзган, асардаги қаҳрамонлардан бири Абдурахмон диндор, у 15 йил Бухоро мадрасасида таҳсил олган одам. У шунча йиллик таҳсилга эга бўлса-да, “бачча” бўлади. Шу масжидда номоз ўқиб, кечалари тўйларга чиқиб “баччалик” қилади. Буларни Қодирий асарида ёзган. Ўша пайтларда динга қарши сиёсат шуни талаб қиларди. 1928 йилларда сиёсат динга қарши шундай муносабатда эди. Диндорлар аблах, уларга ишонманглар дейишиб, қача масжидларнинг кулини кўкка совуришган, дин кишилари қамоққа олинган. А.Қодирий ҳозир ҳаёт бўлганида буларни ёзмасмиди? Абдурахмон 15 йил Бухоро мадрасасида ўқисин, “Қуръон” ни сув қилиб ичиб юборсину қандай қилиб “бачча” бўлади, суюқ бўлади.

Бизга мактабда “Меҳробдан чаён” асари ўтилаётганда, меҳробдан чаён бу – Абдурахмон дея тушунтирилган. Асар моҳиятини, коллезиясини Абдурахмон ташкил қилади деб айтган. Аслини олганда, Абдурахмон ҳам оддий одам. Ўқиб юрган вақтларида Қўқонда Раънога кўнгил кўяди. Қизга уйланмоқчи бўлади. Ота қизини унга бермайди.

Романда бу каби жиҳатлар кўп, шу ўринда санаб ўтириш шарт эмас. Уларни “муҳтарам ўқувчи назаридан қочирмас” деб ёзган жойлар бор. Ўйга толаман, қайси жиҳатларни назардан қочирмаслик керак? “Меҳроб” ўзи

нима? Биз меҳроб деганда масжидда номоз ўқиладиган жойни тушунамиз. А.Қодирий “назардан қочирмас” деган тагсўзида Абдурахмоннинг “бачча” эмаслигини ҳам назарда тутган бўлса не ажаб. Мен ҳам бу лавҳаларни экранга олиб чиқишни хоҳламадим. Бироз ўзгартириш киритишга журъат қилдим.

“Меҳробдан чаён” асари шу тариқа сурагга олина бошлади. Танлаб олинган актёрлар гуруҳи ҳам томошабинга маъқул келди деб ўйлайман. Улуғ бобомиз олдидаги бурчимизни оз бўлса-да бажара олган бўлсак ўзимизни бахтиёр ҳис қилган бўламиз.

Раҳбар

Раҳбарнинг иш кўзини яхши билишида гап кўп. У ўз соҳасини яхши тушуниши, билиши шарт. Мен телевидениега дастлаб ишга келган чоғимда - 57 йилларда Мирсолиҳ Мираҳмедов Мираъзамович деган телевидение директори бўлар эди. Телевидениега алоқаси йўқ бир киши эди. Лекин жуда яхши раҳбарлик қобилияти бор эди. Шу пайтда камераларнинг оғирлиги 400 кгга бўлар эди, қўшимча объективлар ҳам бор. Уни кўтариш, итариш, суриш ниҳоятда оғир бўларди. Уларни “шарақ-шуруқ” қилиб айлантириш керак. Бу соҳа ҳали янги эди.

Раҳбар эса тонг саҳардан ишга келиб ҳеч ким йўқ пайтида бош инженер Василий Бренчевни чақириб “Бу нима, бунисичи, қандай вазифани бажаради?” деб сўрар экан. Бир куни ишга барвақтроқ келсам, ўша инженер Мирсолиҳ Мираҳмедовга “Оғирлиги бунча, бу кабел. Бу йирик планда олади. Буниси ўрта планда” деб тушунтириб ўтирган экан.

Ўша пайтда билакдек келадиган кабелли катта камераларни судраб юрарди операторлар. Раҳбар буларни тушуниш ва ўзида ҳис қилиш учун тонг саҳарлаб келиб ўрганар экан. Шундагина ўзини бошқалардан талаб қилишга ҳақли деб ҳисобларкан. Қаранг, раҳбарнинг кучи қаерда? Ўз соҳасининг икир-чикирларини билган, ўзлаштириб олган киши ҳақиқий раҳбардир. Телевидение раҳбари студия нима, монтаж нима, билмаса, бу фожиадир.

Орадан вақтлар ўтиб, телевидениега бошқа бир раҳбар келди. Унинг олдига бир қўшиқчи келиб “Мени бир телевизорга чиқарсангиз” дебди. Мен бош режиссёр эдим. Ёнига чақириб “Маҳкамжон, олтин бошинг омон бўлсин. Шу болани бир кинога чиқарворсанг, бир томоша қилайлик” деди. Раҳбарнинг иш жараёнини билмаслигига қаранг. Кинога олиш бу 35 мм лентага тушириш деган сўз. Ўша пайтда Москвадан чиқадиган ленталар бўларди. 35 мм лентага синхронни оламан десанг, бир кун кетди деган гап. Энди тасмани ювиш, кимёвий тўғрилаш керак. Ленталарнинг ҳаммаси негативга тайёрланади, кейин у позитивга айлантирилади. Позитив олингандан сўнг монтажхонага олиб келиниб, бир-бирига овозлар уланиб монтаж қилинади. Уларни бирлаштириб битта лентага олинади. Ҳаммаси копировка қилиниб яна қайтадан битта лентага чиқарилади. Аммо мана шундай мураккаб, анча вақт талаб қиладиган иш жараёни эканлигини у раҳбар билмасди. Бу раҳбарнинг ўз бурчини билмаслигидан далолатдир.

Гапингиз бўлса...

Мен 1968 йили Бухоро вилоят театрида драматург Максим Каримовнинг «Қаламқошлигим» асарини сахналаштириш учун таклиф қилиндим. Бу асар ўша даврда ўзбек драматургиясида эл назарига тушган, эътибордаги асарлардан эди. Ўн саккизга тўлган ёшларнинг илк туйғулари, соф муҳаббатлари, ҳақиқий инсоний хислат ва кечинмалари асарда ўз ифодасини топган эди.

Бош ролларни истеъдодли актёрлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жумагул Бобоева, Вафо Бақоевлар ижро этишди. Қисқа вақтда репетициялар ниҳоясига етиб, спектакл томошабин эътиборига ҳавола қилинадиган фурсат келди. Спектаклни қабул қилиш учун машҳур бастакор, кўпгина унвонлар соҳиби, халқ артисти Мухтор Ашрафий театрга кириб келди. Театр директори Ўзбекистон санъат арбоби Аминжон Ақобиров

хонасида бир пиёла чой атрофида мени таништирди. Устоз менга караб мийиғида кулди-да:

- Ука, бугун театр пардасини очишга ҳаққингиз борми? - деди.

Мен дабдурустдан, тўсатдан берилган саволга бирдан жавоб беришга ҳайрон бўлиб қолдим.

- Агар томошабинга айтадиган гапингиз бўлмаса пардани очманг. Уларнинг вақтини олиб нима қиласиз? – деди-да давом этди. - Кўпинча биз шу масалани ўйламаймиз. Томошабин пешона тери билан топган пулига чипта сотиб олиб театрга келиб ҳафсаласи пир бўлиб кетади. Авваламбор режиссёр, ижодий гуруҳ пардани очар экан, томошабинга бугун айтадиган гапи борлигига, шу гапни айтишга ҳаққи борлигига, шу бугун айтмаса бўлмайдиганлигига имони комил бўлсин. Бўлмаса томошабинни овора қилиб вақтини олмасин. Бедард, беҳис, залвори йўқ, томошабинни жунбушга келтирмайдиган сахна асарларига ўрин йўқ. Ижодкор масъулияти мана шу ерда билинади, ука...

Мен сергакландим.

Шу куни театр жамоаси устоз олдида имтихондан ўтди. Спектаклдан сўнг муаллиф Максим Каримов, Учқун Наимов ва бутун ижод аҳли олдида Мухтор Ашрафий:

- Раҳмат, ишончни оқладингиз. Сизларда дард бор экан, бугун томошабинга пардани бекорга очмаган экансизлар, - деб ўз ташаққурини изҳор қилди. Сўнг бу спектаклни республика телеэкранидан ҳам кўрсатдик.

Шу-шу устоз ўгити эсимдан чиқмайди. Шу бугун бодрокдай кўпайиб кинотеатрларни тўлдириб ётган фильмларни, телевидениенинг «кўнгил очар» томошаларини, айрим театрларда сахналаштираётган юксиз спектаклларни кўрганда устознинг шу сўзлари эсимга тушади. Санъатга илк қадамини қўйиб машаққатли меҳнат нонини татиб кўрмоқчи бўлган ҳозирги авлод, талабалар шу гапларнинг мағзини чақиб кўрса... Устознинг айтган гаплари ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотмагандай... Устоз ҳали ҳам тирикдай...

Тошхўжа Хўжаев сабоқлари

Авваллари телевидениедан бериладиган спектакллар жонли кетарди. Уларни муҳраб кўёлмас эдик. Ҳозиргидай тасвирларни саралаб, ёкмаса қайтадан сахналаштириш имкониятлари йўқ эди. Шу тобда содир бўлаётган воқеаларни шу онда томошабинга узатиш эса катта масъулият юклайди. Режиссёрдан ҳақиқий ижодий ёндашувни талаб қилиши табиий. Бутун оркестр дирижёр таёкчасига қараб турганидай, телевизион пультада барча ижодкор ва муҳандислар режиссёр ишорасига қараб туради. Агар режиссёр ижод маҳсулини бутун вужудидан ўтказмаса, унинг партитурасини ёддан билмаса, кўриниб турган тасвирларнинг энг зарурини, кераклисини томошабинга шу онда етказмаса, бу унинг уқувсизлиги, ҳозиржавоб эмаслиги, лаёқатсизлиги ҳисобланади. Шу аснода Парда Турсуннинг «Элмурод», Тўхтабулат Абдумўминовнинг «Шикоятга ўрин йўқ», Нозим Ҳикматнинг «Унутилган одам», Асқад Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда» ва бошқа кўпгина телевизион спектакллар ана шундай жонли усулда эфирга узатилган. Ана шу жонли ижро жараёнида менинг кўз олдимда ҳамisha устоз Тошхўжа Хўжаевнинг нигоҳи тургани турган.

“Маҳкам, наҳотки шу кадрни томошабинга раво кўраяпсан, нега уни эмас, буни эфирга узатаяпсан” деяётгандай, синчковлик билан кузатиб тургандай, устоз сифатида ўткир нигоҳи билан “кадрларни саралаб, энг зарурини томошабинга узат” деб маслаҳат бергандай туюлади. Устозларнинг талабчан нигоҳи, зукко назари олдида биз ҳамisha бурчлимиз, шу маънода устоз сахналаштирган ҳар бир спектакл биз учун сабоқ бўлади деб ўйлайман. Исталган асарини олинг, Ойбекнинг «Қутлуг қон»ими, Баҳром Раҳмоновнинг «Юрак сирлари», Чингиз Айтматовнинг «Сарвқомат дилбарим», Маримото Каорининг «Ўғирланган умр»ими режиссёрлик санъатининг гўзал намуналари ҳисобланади. Ўз вақтида томошабинни ларзага солган, барчани жумбушга келтирган спектакллар бўлганди булар. «Қутлуг қон»

спектаклидаги Зиқир Муҳаммаджоновнинг Салим бойваччаси, Амин Турдиевнинг Танти бойваччасининг болахонадан туриб сармаст ҳолда айтган «Ҳайбатингга ишонма» қўшиқларидан тортиб Ҳикмат Латипов ижро этган Ёрмат, Шукур Бурхонов ижро этган Йўлчи образлари ҳали-ҳали кўз олдимдан кетмайди. Тошхўжа ака даврни, муҳитни яхши ҳис қиларди. Урф-одатларни заргарона саҳналаштира олиш иқтидорига эга эди.

Бир куни режиссёрлик амалиётида юрган вақтимизда «Юрак сирлари» спектаклининг бир репетициясида актриса Ирода Алиева режиссёр томонидан кутилган натижани саҳнада чиқара олмади, такрор-такрор машқ қилса ҳам бўлмади. Шунда режиссёр нарироқда ўтирган актриса Эркили Маликбаевани ёнига чақириб, қулоғига бир нарсани шивирлади, кейин репетицияни давом эттираверди. Бир оздан сўнг ташқаридан Эркили Маликбаева «Ирода опа, кўчада ўғлингизни трамвай босиб кетибди» деб додлаб кириб келса бўладими. Ирода опа бўлса «Нима, нима деяпсан?» дея тўсатдан ларзага тушиб, чинқириб юборди, фарёд кўтарди. Режиссёр шартта ўрнидан туриб «Ана, мана шу ҳолатинг керак менга, саҳнани шу ҳолатда давом эттир» деди. Ирода опа бўлса ҳўнграб йиғлаб юборди. Режиссёр шундай қилиб саҳнани моҳирона «провакация» йўли билан чиқарди. Бу спектакл қанча шов-шувга сабаб бўлди, томошабин спектаклга оқиб келди. Театр эшиклари синиб кетди, аншлаг, аншлаг, аншлаг... Тошхўжа ака мавзунини танлай олар эди, давр руҳини, томошабин дардини биларди.

Мен Станиславскийни кўрмаганман, унинг «системаси», саҳналаштирган спектакллари хусусида ўқиганман, эшитганман. Лекин устоз Тошхўжа Хўжаев билан мулоқатларда, қўйган спектакллари томоша қилганимда Станиславский ва унинг системасини кўрганман.

Бир куни дарсда Александр Штейннинг «Бир шахс иши» спектаклини саҳналаштираётган пайтда талабалардан кичик бир саҳнани номлашни сўради. Воқеалардан келиб чиқиб саҳнани режиссёрча номлашда биз анча қийналдик, уч кунгача ҳаммамиз ҳар хил номлаб кўрдик, лекин ҳеч бири тўғри келмади. Охири Тошхўжа аканинг ўзи «ЧП» деб оддий ва содда ном

кўйиб берди. Шахснинг ҳаётида кескин бурилиш, бу «Фавқулотда ҳодиса» деди. Биз талабалар эса мураккаб номларни қидириб ўтирибмиз. Домла оддийгина номлаб, «Воқеаларни номлаш, уни рўёбга чиқариш режиссёр ишининг калитидир» деди. Битта ном учун Тошхўжа акадаги чидам, тоқат уч кун сабр қилишига қойил қолгандик ўшанда.

Институтда «Қутлуғ қон» спектаклининг талқинига қўшилмаган айрим домлалар бир куни Тошхўжа акага эътироз билдиришди, уни қайтадан кўриб чиқишни таклиф қилишди. Шунда домла «талқин учун партия билетим билан жавоб бераман» деб қатъиятлилиқ билан ўзини ҳимоя қилган экан. Тошхўжа ака ана шундай ўз фикрига эга, сўзи устида тура биладиган, ўта билимдон инсон ва ижодкор эди. Ҳар бир ижодий жараёнда, ҳоҳ фильм бўладими, ҳоҳ спектакл бўладими ёки оддий телевизион кўрсатув бўладими, устоз олдидаги масъулият бизни тарқ этмаслиги керак. Устозлар ўғити, сўзсиз нигоҳи ижодкорга мадад бўлади.

Мен қуйида домланинг дарсларидаги сабоқларидан айрим катраларни ҳавола қиламан:

Одам ҳаётда беихтиёр, саҳнада, экранда ихтиёрий ҳаракат қилади.

Актёр саҳнада ёлғон гапириши, томошабинни алдаши мумкин, телеэкранда алдаш уни фош қилади.

Ҳозирги замон актёри давр билан ҳамнафас, ақлли, интеллектуал бўлиши лозим.

Санъат бўсағасидан ўтдингми дард билан яша.

Сенда фикр бўлса гапир, бўлмаса ҳавони ларзага солма.

Ҳаётда ҳаракат ҳамеша акс ҳаракат келтириб чиқаради, таъсир доирасига айланади:

А) Мухидга.

Б) Шерикга.

В) Ҳаракат қаратилган нарсага.

Ёзилган мавзуни, асарни болаларча ҳикоя қилиб беринг, уларнинг тилида асосий воқеалар қалқиб чиқади.

Қўйилган спектаклларда, телевизион кўрсатувларда инсонлардаги ҳайвоний қусурларни ўлдириш керак.

Асар жанрини аниқ нишонга олиш лозим: инқилоб бўҳронларида фожеа, йўқсиллик мушкулотларида драма, инсон табиатининг бузилиш ҳолатларида кулгили комедия туғилади.

Режиссёр мантикий учта ҳақиқатни билиши шарт: ҳаётий ҳақиқатни, сахнавий ҳақиқатни, ижтимоий ҳақиқатни.

Ҳарактер бу ички хислат, характерли бу ташқи хислат.

Мен Лев Толстой каби операни ёқтирмайман.

Марк Аронович Рубинштейн

Бу домла ўта хокисор одам эди. Тақдир ўйинлари билан иккинчи жаҳон уриши вақтида Тошкентга келиб қолган А. Эфрос, М. С. Григорьев, Минц, И. В. Радун каби домлалар қатори театр санъати институтида узоқ йиллар талабаларга дарс берган устоз эди. Марк Аронович ҳаётда ёлғизликни хуш

кўрар, дарсдан бўш вақтларида шаҳар кўчаларини тинимсиз кезар, кўп мутаола қилар эди. Ҳаёт, ижод ва санъат ҳақидаги фикр мулоҳазалари теран, қисқа ва пурмаъно бўлар эди. Мен умрининг сўнгги йиллари домлани телевидениега таклиф қилдим. Ёш режиссёр ва асисстентларга маҳорат сирларини воқиф қилди, бутун умри театр санъати билан йўғирилган Марк Аронович янги санъатнинг тури - телевидениенинг икр-чикрларини ўрганди. Миннатдор режиссёрлар устозга тўнлар кийғизишди. Мен домланинг **санъат** формуласига айланган ҳар бир сўзини ён дафтарга қайд қилиб кўяр эдим. Шулардан айримларини қуйида келтираман:

Моддий қашшоқлик айб эмас, маънавий қашшоқлик гуноҳи азимдир.

Ички уйғунликни акс эттирмаган ташқи гўзаллик бу гўзаллик эмас.

Саҳна ҳаёти бу тинимсиз инсоний муносабатларнинг ўзгаришидир.

Кўзнинг узундан - узун қўллари бор.

Одамнинг ёлғизлиги унинг жамиятдаги ёлғизлигидан билинади.

Қаерда шеърят хукмрон эмас экан, у ерда санъат йўқ деб ҳисоблайверинг.

Сўзли ҳаракатдан кўра кўпинча сукут ҳолати кўпроқ гапирди.

Санъатда ҳамиша такрорлашни бетакрор қилиш керак.

Тасаввурга ўрин қолмаган жойда санъат йўқ деяверинг.

Сўз ва тагдор замир - пианистнинг икки қўли каби - жонли инсон закосини ифода этади.

Кўрсатувда хато кетган бўлса, режиссёр буни ўзингдан қидир.

Айримларга телевидение бошпана. (М.А)

Актёрда бош мезон унинг тили эмас, кўзидир.

Ташхиссиз шифокор даволамаганидек, режиссёр ҳар бир ишига ташхис қўйиши лозим.

Ҳамиша тайёрланган ҳолатдан кўра, кутилмаган ҳолат томошабинга қизиқ.

Қиёфанинг тадрижий - диалектик ўсишини ўрганиш лозим.

Сени рангинг қўшнингга боғлиқ.

Ҳаракат бу рельсга ўхшайди, поезд бўлмаса рельснинг нима кераги бор.

Қаерда хотиржамлик ва асоиш, ўзига маҳлиёлик хукм сурса, билиб қўинг у ерда тинчлик йўқ, даҳшат биқиниб ётибти.

Зулмат қанча кучли бўлса, само юлдузлари шунча ёруғ бўлади.

Санъатда ҳамма нарса ибтидога, бошланишга боғлиқ.

Ҳар бир авлоднинг янги эшитиш қулоғи бор. Бу аср авлодининг камертони аввалги асрлар камертонини тинглашда тафовут қилади.

Санъатда актёр қиёфаси кўп созлик симфоник оркестрига ўхшаши керак.

Оммовий саҳналарни жойланишида бир маъно бўлиши керак, бўлмаса мошкичиридан фарқи қолмайди.

Юксиз сўзлар бор, метал сўзлар бор. Режиссёр сўзнинг залворини топиши керак.

Катюшани ўқини чумчуқни ўлдиришга сарфламаслик керак.

Истак, хохиш мақсадни келтириб чиқаради.

Мулоқот валејболдай гап, олмасдан узатиб бўлмайди.

Режиссёр ҳамиша чиройлини эмас, гўзалликни излаб топиши лозим, унга интилиш керак.

Санъатга бўлган ҳар бир мурожаат, режиссёрнинг қалбига бўлган мурожаатдир.

Актёрнинг афти - ювилмаган пиёладай турса, томошабин ундан нимани олади.

Театрнинг асоси актёрларнинг ҳатти-ҳаракатига, ўзаро мулоқатига
қурилган.

Мулоқот бу волейболдай гап бир-бирига гап узатади, лекин замирида
кураш ётади.

Рельслар ҳаракат йўли, поезд бўлмаса релеснинг нима кераги бор

Кулги мойил қилади, хажф ўлдиради.

Ҳар бир инсон қиёфаси оркестрга ўхшайди, симфония тинглайсан.

Ҳаёт ва ўлим эгизак опа-сингиллар, онадан бирга туғилган дугоналар.

Суръат-ритм бу ҳаёт даражаси!

Табиатда жонзодлар жуда кўп, лекин бургут бўлиш бургутдай парвоз
қилиш ҳаммасига насиб қилмаган.

Инсонни оёқ олишидан юришидан кимлигини билса бўлади.

Киши Осиё туяларини кўрганда унинг ҳар бир қадамида сокинлик,
босиқлик, ҳатто минг йиллик тарих кўринади.

Уйдаги ёлғизлик, ёлғизлик эмас жамиятдаги ёлғизлик даҳшатдир.

Актёр кўзи билан тингласин.

.....

Лаб - лунжига босилган мухр

Шўро тузумининг авжи палласи... 1960 йиллар... Телевидениеда машҳур адибларимизнинг шеърларини ўзларига ўқитиб кино тасмага олиш йўлга қўйилаётган эди. Бу ўзига хос шеърят антологияси бўлиб, келгуси авлодларга муҳрланар эди. Шу аснода Ҳабибий, Собир Абдулла, Миртемир, Чархий, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Саида Зунунова, Уйғун, Толиб Йўлдош, Эркин Воҳидов, Зоҳиджон Обидов ва бошқалар олтин фонд учун ўн-йигирма дақиқалик қилиб, камина режиссёрлигида, Самад Пўлатов муҳаррир, Саттор Далабоев операторлигида тасвирга туширган эдик.

Мўъжазгина кичкина студияга шинамгина бадий безак қилиб, шеърлар ўқилар эди. Бир куни Абдулла Қаҳҳор юбилейи олдидан янги чоп этилган "Ўтмишдан эртаклар" қиссасидан бир бобни ўқитиш мақсадида адибни студияга чақирдик. Муҳаррир Самат Пўлатов, ассистентим Ҳамид қаҳрамон билан сахнани тайёрлаб тасвирга тушуришга шайландик. Абдулла ака Бабар ҳақидаги бобни кўздан кечирди, ўқилганда ҳикоя ўн уч дақиқали бўлиб на у ёқли, на бу ёқли йигирма дақиқали кино тасмага камлик қилиб қолди. Шунда мен адибга:

-Абдулла ака, фильм олдидан адабиёт ҳақида, ёшлар ҳақида, уч-тўрт минут фикрларингизни айтсангиз, тасмага муҳрланиб қолар эди,-дедим

Адиб ажабланиб менга қараб турди-да ,
канақа бўларкин?,-деди.

Яхши бўлади.

Ёзиб келмаганман, оғзаки-я?

Нима бўпти, оғзаки, айтаверинг.

Қайдам, сўфилар ҳам аввал лаби-лунжига мухр бостириб кейин азон айтадида,-деди.

Ҳаммамиз кулиб юбордик.

Бу аччиқ кулги эди. Шундай аллома ёзувчи ҳам ижозатсиз эркин сўз айтишга истиҳола қилиб турарди. Биз қўймадик. Абдулла ака эмин–эркин ёшлар ҳақида, адабиёт ҳақида ўз дил сўзларини гапирди. Биз муҳрлаб қўйдик. Юбилей кунлари кўрсатув эфирга узатилди. Лекин кўп ўтмай кино тасмадан кумуш кукунини олиш мақсадида бу ленталар ёқиб юборилди. Шу залда муҳрлаб қўйилган анча тасмалар кўр-кўрона бир топшириқ туфайли ёндириб ташланди. Олтин фонддан жой оладиган, тиллага топилмайдиган бундай лавҳалар ҳозир йўқ, топа олмайсиз. Шўрога тўғри сўз, нишонга тегадиган гап ёқмас эди. Мана йиллар ўтди... Ўша пайтда ҳукм сурган назорат, энди эса йўқ. Мустақиллик, ҳурлик замони... Лекин ўша, Абдулла Қаҳҳор айтган бошвоғидан бўшатишган бўлса ҳам, ўз ўқи атрофида айланиб юрган филга ўхшаймиз... Муҳит кучли шекилли...

“Ларза”

(Узлуксиз телевизион марафон сабоқлари)

Наврўз... Янги кун. Покланиш, тозаланиш куни. Ўзбекистон телевидениеси тарихида бу кун янги саҳифа очди. Узлуксиз 25 соат Наврўз программасини тайёрлаб, телевизион марафон ўтказди. Бутун жумҳурият 7 ёшдан 70 ёшгача ойнаижаҳон олдида кечаю кундуз тикилиб ўтирди. Меҳр-шафқат, инсонийлик, бева-бечора, етим-есирларга ёрдам, ногиронларга саҳоват қўлини чўзиш фонди учун ўтказилган марафон ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Жумҳурият президенти матбуот вакиллари олдида бу марафондан лол қолганлигини, кўрсатилган лавҳалардан ларзага келганлигини, халқимизда қатағон йиллари унутилган меҳр-шафқат туйғуларининг қайтадан уйғонганлигини эътироф қилди. Дарҳақиқат, минбарлардан туриб оғиз кўпиртириб, инсоний фазилатлар ҳақида, гуманизм, оқибат, шафқат ҳақида минг марта чақириқлар қилгандан кўра, “зангори экран”дан амалда бир марта ўз кўзи билан кўрган инсон тақдирлари таъсир кучи ўн чандон афзал эканлигини кўрсатди. Бу кеча

миллион-миллион қора кўзлар ойнаижаҳонда кўрсатилган Ойбек, Эргаш бобо, Ўлмас ота, Муаззамларнинг тақдирлари ўзларининг тақдирларига ўхшаш эканлигини, дардлари бир-бирига ҳамоҳанглигини, инсоний ҳис-туйғулардан узоқлашиб кетганлигини кўрди. Қўлни қўлга бериш, бирлашиш, бир-бирига таянч, тиргак бўлиш каби ҳислатлар ҳали сўнмаганлигини билди. Бир сония телефон кўнғироқларининг тинмаганлиги, саҳоват қўлини чўзган кишиларнинг телеграммалари оқимини кечаю кундуз телевизион марказ эшигида жамғармасини ўтказиш учун тирбанд турган одамларни кўрдик, гувоҳи бўлдик. Шунини айтиш керакки, ҳалигача марафон ўтиб кетганига қарамай, телеграммалар оқими узилгани йўқ. Марафоннинг бу қадар муваффақиятли ўтиши боиси нимада? Нега бир кеча-кундуз жумҳурият аҳолиси ларзага келди.

Аввало шунини айтиш керакки, кўрсатув ижодкорлари: сахналаштирувчи режиссёр Мели Маҳкамов, бошловчи Дадахон Ёқубовлар бу машаққатли марафонга кўпдан бери тайёргарлик кўришар эди. Ҳаммаслақ бу телевидение заҳматкашлари ўзларининг “Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари” дастури билан кўтарилган долзарб мавзу муаммолари билан бир неча йилдан бери халқ назарига тушган эди. Йирик кўрсатувлари, кўп серияли телевизион видеофильмлари билан катта тажрибага эга бўлган Мели Маҳкамов ижоди, йигирмадан ортиқ “Зангори экран” бошловчилари орасида оммавийлиги жиҳатидан биринчи ўринга чиққан Дадахон Ёқубовнинг чиқишлари марафон узугига кўз қўйгандек бўлди. Қолаверса, бутун телевидение ижодий аҳли, ташкилотчилар марафоннинг ранг-баранг бўлишига, воқеаларнинг узлуксиз кечишига, меҳмонларга мезбонликнинг бажо келтирилишида ўзларининг улкан ҳиссасини қўшишди. Режиссёр топган рамз — от чоптириш тимсоли воқеаларнинг бир-бирига боҳланишига, вилоятдан вилоятга ўтишида гўзаллик касб этди. Ижодкорлар телевидение сирларидан унумли фойдаланган: кўрсатувларнинг кўримли бўлишида жонли мулоқот, ҳозиржавоблик,

кадрда кишиларнинг фикрлаши, тафаккур кучи катта аҳамиятга эга бўлди. Оддий одамлар билан суҳбатда бўлиш, дардига, тақдирига шерик бўлиш халқчиллигини оширди. Энг қизиғи шундаки, биз экранда у ёқдан бу ёққа юрган тракторларни эмас, жонсиз табиат манзараларини эмас, аксинча, оддий инсонни, унинг табассумини, кўз ёшини, икки жумлани жуфтлаб гапиришга уринаётган чехраларни кўрдик. Кадрда жонсиз нарсалар эмас, шахс биринчи ўринда туришига ишончимиз комил бўлди. Кўп йиллар унутилган анъаналаримиз, урф-одатларимизнинг тикланиши жумҳурият аҳли орасида марафонга нисбатан катта қизиқиш уйғотди, шундай кўрсатувларга ташна эканлигини билдирди. Ижодкорларнинг бу воқеаларни ёритиши, мавзуларга ёндашуви, кишиларга ҳамдардлиги, компетентли, профессионал даражада ўз нуқтаи назарларини марафонга сингдириши таҳсинга лойиқ. Марафон мобайнида “Ахборот” дастури 5 марта чиқиш қилиб вилоят мухбирларининг Наврўз байрами тантаналарини жумҳурият аҳлига бохабар қилиб турди. Бу деган сўз 25 соатли марафон бекаму куст ўтди, қусурлардан холи деган сўз эмас. Албатта биринчи синовнинг ўз сабоқлари ҳам бўлди. Улар нималардан иборат?

Биринчидан, кечаси берилган дастур ўз мўлжалига етмади. Кўпгина яхши кўрсатувларни одамлар чарчаб кўрди. “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи”, “Темир хотин” каби йирик спектакллар бемаврид кетди. Марафонни қисмларга бўлиб, кўримли вақтларда давом этдирса ҳам бўлар экан.

Иккинчидан, меъёрига эътибор бериш керак экан. Чунки сумалак пиширишлар, “Ассалому алайкум-ваалайкум ассалом”, “Табриклайман” каби қайтариқлар ҳаддан зиёд кўп бўлди. Жамғарма топширган ҳар бир киши албатта зангори экранда кўриниши, гапириши шарт эмас. Қилинган хайрия таъмага айланмаслиги керак.

Учинчидан, воқеа ва мавзулар кўлами бутун жумҳурият вилоятлардан баробар ва тенг эстафета тарзида кечса ёмон бўлмас эди. Бу ерда асосий

воқеалар Фарғона воҳасида кечди. Айрим лавҳаларда шошма-шошарлик, зўрма-зўракилик бордек, атайинлик сезилади. Қаерда ёлғон бўлса, томошабин буни тез илғайди деб ўйлайман. Мана шу нуқсонларни ижодкорлар келгуси марафонларда ҳисобга олинса яхши бўлар эди.

Умуман олганда сахналаштирувчи режиссёр Мели Маҳкамов, режиссёрлардан Тамара Маҳкамова, Тоҳир Жўраев, бошловчилар Дадахон Ёқубов, Раҳматилла Мирзаев, журналистлардан Марат Асадуллаев, Нурилло Ҳолиқов, Қобилжон Каримжонов, сахналаштирувчи расом Акмал Расулов, 25 соат мобайнида тик туриб меҳнат қилган операторлар, овоз режиссёрлари, техник ва видео инженерларнинг иши, хизмати телевидение тарихида жасорат бўлди, бу эса таҳсинга лойиқ. Ўзбекистон болалар фонди, Жумҳурият меҳр-шафқат фонди, Қизил ярим ой жамияти, Тошкент шаҳар меҳрибонлик жамияти ҳамда Ўзбекистон телевидениеси биргаликда тайёрлаган узлуксиз телемарафон анъанага айланиши керак. Халқимиз олдида турган кўпгина муаммолар баъзиларининг ечилишида ана шундай телевизион ларза марафонлар катта хизмат қилади.

Сухандон маҳоратининг шаклланишида режиссёрнинг ўрни

Ҳозирги маданий ҳаётимизни, кундалик турмуш тарзимизни зангори экран ва радио орқали берилаётган кўрсатув ва эшиттиришларсиз тасаввур қилиш қийин. Инсоннинг маънавий камол топишида улар муҳим рол ўйнамоқда. Эфирда чиқаётган шахсларнинг ақли, идроки, кўриниши, билим бойлигидан оддий томошабин ибрат олади, ўрганади, эргашади, тақлид қилади. Диктор тушунчаси радио ва телевидение пайдо бўлгандан кейин сўз бойлигимизда мустаҳкам ўрнашиб қолди. Диктор нуфузли касб эгасига айланди. Яқин-яқингача эфирни дикторсиз тасаввур қилиш қийин эди. Диктор кўрсатувни бир-бирига боғлар, у кўрсатув билан бу кўрсатув орасида кўприк бўлиб ўз чиройини, кийимини, хотира кучини намойиш қилар, ўз жозибаси билан томошабин кайфиятини хушнуд этар эди. Дикторлик ўрни

учун алоҳида танловлар ўтказилар, бир-биридан гўзал қизлар танланиб эфирга чиқиш ҳуқуқини олар эди. Иқбол Олимжонова, Насиба Қамбарова, Раъно Мадрахимова, Насиба Ибрагимова, Насиба Мақсудова, Насиба Жобировалар ана шу залда танловдан ўтиб томошабинлар олқишига сазовор бўлган эди. Телевидение ва радио тараққиёти, замон шиддати бу касб эгаларига ўз тузатишларини киритди. Томошабиннинг камол топишида дикторнинг хушрўйлиги, хусни жамолидан ташқари фикрлай олиши, тафаккури, сўзамоллиги, ҳозиржавоблиги, суҳандонлиги, нотиклиги биринчи ўринга қалқиб чиқди. Шу сабаб бу касб ўзига хос ихтисосликка айланди. “Бадиий сўз устаси” – адабий тил нормаларига амал қилиши, мантиқ ва унинг ифода воситаларига риоя қилиши, томошабин олдида ички ва ташқи маданиятни намоёниш қилиши керак бўлиб қолди.

Сўнгги пайтларда саҳна ва экран санъатида суҳандонларнинг чиқишида сохталиқ, шевачилиқ, ўзига оро беришлиқ, мавзуни чуқур билмаслик каби нуқсонлар кўрина бошланди. Бу албатта уларни ўз ҳолига қўйиб қўйилганлигида, ҳеч ким шундай масъулиятли касб эгалари билан шуғулланмаётганлигида кўринади.

Бу мушкул вазифаларни адо этишда ижрочи суҳандонларнинг якка ўзи эплай олмаслиги равшан. Уни назарий бойитадиган, амалий ёрдам берадиган, маълум бир меъёрга етказадиган шахс бу режиссёрдир. Бир қарашда режиссёр иши унча аҳамиятли бўлиб кўринмаса-да ҳақиқий сўз устаси ижодхонасида холис маслаҳатчи, маслакдош заруратини сезамиз. Театр реформатори Немирович Данченко режиссёрнинг уч қиррасини очиб берган. Режиссёр ижодкор, саҳналаштирувчи устоз, режиссёр ташкилотчи, режиссёр кўзгу каби фазилатлар ҳар бир режиссёрда бу хислатлар мужассам бўлиши керак. Агар театр, кино, телевидение санъатида устоз ижодкор ва ташкилотчилик хислатлари бўртиб чиқадиган бўлса, бадиий сўз санъати ижрочилари билан ишлашда режиссёрнинг кўзгу хислатлари ёрқин намоён бўлади. Суҳандон ва режиссёр ҳамкорлиги яккама-якка ижодий изланишда ўз инъикосини топади, ижодий уйғунлик самарасини кўради. Аслида

режиссёрнинг ташкилотчилик қирралари: томоша яхлитлиги, унинг композицияси, воқеаларга урғу ҳолатлари, мизансаҳналари, мусиқа ва бадиий безакларини ниҳоясига етказишда алоҳида аҳамият касб этиб, суҳандон хотирасининг шаклланиши, эҳтирос ва туйғуларнинг меъёрга етказилиши, бадиий сўз жарангдорлиги режиссёр маслагисиз, ижрочи ва саҳналаштирувчи муносабатларининг яқинлиги, дунёкарашларининг бирлигисиз рўёбга чиқариб бўлмайди.

Театр санъатида ўз шаклини топган, кейинчалик телевидениеда ўз ривожини олган “бир актёр театри”, бадиий ўқиш жарангдор сўз санъати нотиклик санъати усталарини, пешқадамларини тарбиялаб етказди.

Машҳур бадиий сўз устаси Муҳсин Ҳамидов “Сўнмас у кунлар шуҳрати” спектакли билан якка ўзи бутун Ўзбекистонни кезиб чиққан. Лола Хўжаева, Муҳаббат Мусаева, Ҳасан Йўлдошев, Ўткир Сиддиқов, Теша Мўминов, Дилором Каримова, Гўзал Холиқулова, Рамзиддин Қодиров, Исоқтой Жуманов шу касбнинг изчил давомчиларидир. Бадиий сўз санъати ихтисослиги сўнгги йилларда бозор иқтисодиёти туфайли “очарчи”, “отарчи”, тўй, базмларни бошқарувчига айланиб қолди. Саҳна ва экранда йирик чиқишлар камайиб, енгил-елпи, ҳордиқ чиқарувчи шоуменлар кўпайиб қолди.

Албатта жарангдор сўз санъати асосини бадиий адабиёт ташкил этади. Бадиий асарни ўзи учун ўқиш мумкин, суҳбатдош учун, эшитувчи мухлислар учун ўқиш мумкин, ҳар бир ҳолатда ҳам ўз ифода воситалари бор: тўртинчи девор йўқлиги, оралиқ масофа яқинлиги сўзлаш, гапириб бериш услубларини келтириб чиқаради. Саҳнадан залда ўтирган томошабинга, телевидениеда бир кишига ва шу билан баробар миллион кишига мурожаат қилиш мумкин. Иккала ҳолатда ҳам ижрочидан катта масъулият талаб қилинади. Томошабин билан мулоқотда бўлган ижрочи-гапирувчи қиёфа, ҳикоя қилувчи шахс кимнинг номидан гапиришига кўп нарса боғлиқ. Нотик муаллиф номидан гапириши мумкин ёки бутун матнни ўз вужудидан ўтказиб ижрочи нуқтаи назаридан гапириши мумкин. Бундай ҳолатда гапирувчи моҳир ижрочигина

бўлиб қолмай, фикр доираси, дунёқараши кенг, ақл-идроки, тафаккури теран, етук инсоний шахс ҳам бўлиши керак.

Сухандон сахнада бир неча қиёфаларга кира олиши, ўз ижроси ва истараси билан томошабинни ўзига ром қилиши, жусса хатти-ҳаракати ва вужуди билан бадий сўз жарангини тингловчига етказа олиши лозим. Томошабин тасаввурида муҳитни, ҳолатни, қиёфа ва руҳиятни чизиб бериш, уларда қониқиш ҳиссини уйғотиш мураккаб иш ҳисобланади.

Адабиётда ва ижрочилик санъатида шакл ва мазмун алоҳида аҳамият касб этади. (Эпос, лирика, драма). Ҳар бир соҳанинг ўз ижрочилик услуби, йўли, калити бор. Ижрочи айнан шу мавзунини шу ерда, бугун, шу тобда ижро этиши, нима мақсадда намоиш қилинаётганлиги, шу муаллиф ва шу ижро заруратини аниқ билиши лозим. Бадий сўзнинг оҳангдорлиги ва унинг жарангдорлиги, суръат ва маърои, атрофини ўраб турган безак ва деталлар ижрочи ҳамда режиссёр маҳоратига боғлиқ. Фақат режиссёргина юқоридаги ижодий фаолият ҳолатларини ишлай олади, меъёрига етказди. Сухандоннинг томошабин олдида чиқишидан тортиб, унинг кийиниши, барчани ўз эътиборини тортмайдиган оддий либос ва саришталиги, унинг руҳий ҳолати, ўзига бўлган ишонч, эмин-эркин сезиши режиссёр назоратидан қочмаслиги керак. Ҳамма нарса бошланишига боғлиқ. Томошабин диққатини ўзига жалб қилиб гоҳ оҳиста, гоҳ баланд овоз оҳангида гапириши, бирхилликдан қочиши, сўз жарангини оддий ва содда ифодадай олиши машаққатли меҳнат эвазига келади. Кераксиз хатти-ҳаракатлар, бекорчи юришлар, ўринсиз қўл силтовлари, оёқни ликиллатиш томошабин ғашига тегади, зериктиради. Сухандоннинг бутун вужуди томошабинга қаратилиши, унинг нигоҳини кўздан қочирмаслиги лозим. Кутилмаган ҳолатларда ҳам ўзини бошқара олиши, тута олиши, сабр-тоқат билан қийинчиликдан чиқиб кета олиши керак. Нутқнинг равонлиги, айрим сўзларни такрор ва такрор ишлатмаслик, сукутлардан унумли фойдаланиш маҳоратнинг сайқалланишига олиб келади.

Режиссёр суҳандоннинг ифодали чиқишига нурдан яхши фойдаланиши, атроф-муҳитни унга бўйсундириши, керакли жойларда мусиқа воситасида урғу бериши суҳандон чиқишини кучайтиради. Кучли хотира, ўткир зеҳн, теран фикр, муомала одоби, мавзуни чуқур билиш, чиройли овоз, адабий тил нормаларига риоя қилиш, ўзига хос услубга эга бўлиш, талабчанлик, ўзи ва сўзи бирлиги суҳандон хислатларига киради. Бу фазилатларнинг шаклланишида, маҳоратнинг чархланишида, яширинган имкониятларни очилишида, идрок кучи, тафаккурни намоишида, жонли овозни жонли аудиторияга томошабинга етказиб берилишида режиссёрнинг меҳнати, ижодий изланишлари бекиёс.

Режиссёрлик ихтисослигида янги қирра

Ҳар бир соҳа ўз тарихига эга бўлганидай, режиссёрлик ихтисослиги ҳам ўз тарихига, профессионал санъатнинг ҳар хил кўринишларига, анъана ва удумларига эга. Биз биламиз томоша санъати: ижрочилик санъати, оммавий томошалар санъати, экран санъатига бўлинади. Ўз ўрнида томоша санъати эса ҳар хил турдаги театр санъати, эстрада ижрочилиги, цирк санъати соҳаларига ажралади. Қадимдан оммавий байрам ва томошалар санъати мавжуд. Бир неча аср мобайнида экран санъати томошалари вужудга келди, шулар қаторида кино, телевидение ва компьютерлик санъати халқ нигоҳини мустаҳкам эгаллади. Мана шу соҳаларнинг ҳар бири режиссёр меҳнатининг машаққатлари эвазига рўёбга чиқади, ҳаёт юзини кўради, томошага айланади, маънавий камол топишимизга хизмат қилади.

Ижтимоий ҳаётда ҳар бир соҳанинг ўз ўрни бор. Саҳна томошалари режиссурасида биз драма режиссёрлиги, мусикали томошалар режиссёрлиги, кўғирчоқ театри режиссёрлиги, эстрада театр режиссёрлиги ҳамда цирк томошалари режиссёрлиги ихтисосликлари борлигини биламиз. Саҳна томошалари режиссураси ўз алломаларига, пешқадамларига эга: Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Раззоқ Ҳамроев, Тошхўжа Хўжаев, Баҳодир Йўлдошев, Рустам Ҳамидов шулар жумласидандир.

Оммавий байрам томошаларида ҳам режиссёр меҳнатининг яққол ифодаси кўринади. Кўп ижодий жамоаларни бирлаштириб яхлит томоша ташкил қилиш, томошабинга завқ ва шавқ улашиш, руҳий озуқа бериш ҳолатларини биз Наврўз, Мустақиллик, “Шарқ тароналари” намойишларида кўраяпмиз.

Экран санъати режиссурасига келганда: кино ўз режиссурасига эга. Асар талқини, унинг композицияси, монтажи, суръати, томошавийлиги режиссёрга боғлиқ эканлиги барчага маълум. Наби Ғаниев, Комил Ёрматов, Йўлдош Аъзамов, Шухрат Аббосов кинорежиссурани юксакликка кўтарган ижодкорлардир. Ойнайи жаҳон ҳисобланмиш телевидение ҳам тез фурсатда минглаб режиссёрлар иқтидорига эҳтиёж сезишини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаганди. Замонавий технологияларнинг ривожини, зангори экран тараққиётини тезлаштирди, янги-янги имкониятларни келтириб чиқарди, режиссёрлик ихтисослигида янги қирраларни кашф қилди. Агар кино санъатида бадиий кино ва видеофильм режиссёрлиги, ҳужжатли кино ва видеофильм режиссёри, мультфильм ва анимация режиссёри ихтисослиги мавжуд бўлса, компьютерлик санъати кириб келиши билан мультимедиа дастурлари ривожланиб кетди. Экран санъати кино ва телевидение режиссураси қаторига мультимедиа режиссураси келиб қўшилди. Ҳозир бу соҳанинг барча техника соҳаларига кириб келганидан кўз юмиб туролмаймиз. Мультимедиа санъати кинода ҳар хил махсус эффектларни барпо қилиш, сунъий қиёфалар, сунъий муҳитларни бунёд этиш, ҳийла ва найрангларни моҳирона тасвирга олишни соддалаштириш, техника орқали алоқаларни тезлаштириш, тасмасиз монтаж, тасвир ва овоз устида ишлаш каби соҳалар режиссурасини келтириб чиқарди.

Мультимедиа томоша санъат турларидан сахна санъатига ҳам кириб келди. Театр, цирк, оммавий томошалар ўз сахна асарларида мультимедиа композицияларидан фойдаланаяпти, ифода воситаларида, ҳаракат жараёнида, овоз ва нур шароитларини яратиш имкониятларини қўллаяпти. Мустақиллик, Наврўз тантаналарида виртуал санъат бизнинг тасаввуримизни,

руҳиятимизни янада бойитаяпти. Айниқса Хитойда 2008 йилда ўтган олимпиада оммавий томошанинг мультимедиа режиссураси намоишига айланди. Ҳозирги кунда телевидениеда виртуал студиялар яратиш, компьютер графикаси ва анимациясидан фойдаланган ҳолда телевизион дизайн яратиш, интерактив (тасаввурни уйғотадиган) телевидение, телевизион конференциялар, тасвир ва овозга ишлов бериб, тасмасиз монтаж қилишлар, видеода мураккаб титрлар яратиш, эффектлардан унумли фойдаланиш, анимация ва компьютер қаҳрамонларини яратишда режиссёрлик ихтисослигига мураккаб вазифаларни юклади. Ҳозирги кунда мультимедиа маҳсулотлари кўпайиб кетди: компьютер ўйинлари, бошқотирмалар, ҳаракатдаги томошалар, саргузашт ўйинлар, жангномалар, ўргатувчи ва тошмунчоқ ўйинлар, ҳар қалай бунинг турлари кўп. Интернет тармоғига кирар эканмиз, қомусий туркумларни, санъат ва кино қомусларини кўрамиз, томоша қиламиз. Турли-туман веб-сайтлар, интернет-магазинлар, электрон-дарсликлар, ўқув дастурлари кундалик ҳаётимизни қамраб олди. Мультимедиа савдо, маркетинг тақдимотлари, электрон дўкончалар, вокзал, савдо марказлари, транспорт воситаларидаги реклама-роликлари қадамингизда намоиш қилинмоқда. Мультимедиа ҳордиқ индустриясига айланди, таълим ва маориф соҳасида илмий текширув ва изланишлар ишлари олиб борилаяпти, идора ишларида фойдаланилаяпти. Хусусий телевизион тармоқлар, клиплар намоиш қилинадиган алоҳида каналлар вужудга келди. Бир авлод нигоҳида содир бўлаётган бундай техник ўзгаришлар шубҳасиз малакали ижодий мутахассисларни талаб қилади.

Уларга ўқув-услубий қўлланмалар, дарсликлар яратиш, режиссёрлик ихтисослигини мультимедиадаги ўрни ва унинг роли ҳақида қайғуриш ва бонг уриш вақти келди. Ўтган асрда яшаб ўтган машҳур актёр Михоэлс “Санъаткор сахнадан туриб 1-2-3-қатордаги томошабинга эмас, орқа қатордаги томошабинга мурожаат қилиш керак” деган экан. Санъаткор маънавий-руҳий озукани етказишда 400-500 томошабинга мўлжалланган зал масъулияти ҳақида гапираяпти. Ҳозирги кунда телевизион камера ортида

турган миллион-миллион кора кўз масъулияти-чи? Унга бўлган мурожаатнинг таъсири, фойдаси, зарари, жавобгарлиги-чи? Бир кунлик фильмларнинг кўпайиб кетиши, саёз, иқтидорсиз, ҳаваскорона клипларнинг экрандаги тажовузи қандай руҳий озуқа бериши мумкин? Бас, шундай экан, бадий ижоднинг янги қирраси мультимедиа авж олар экан, унинг режиссураси ҳақида қайғуриш, профессионал ижодкорларни тарбиялаш, уларга бўлган талабни кучайтириш, баркамол авлод келажагига муносиб ўринбосарлар етиштириш керак. Ўзбекистон Давлат санъат институтида мультимедиа режиссурасини, сценаристларини, продюссерларини, расом-дизайнерларини, компьютер графикаси билан шуғулланадиган аниматорларини, мураккаб электрон монтаж билан шуғулланувчи мутахассисларини, тасвир ва овоз операторларини тайёрлаш, мультимедиа борасида профессионал ижодга эътиборни қаратиш вақти келди.

Микрофон сеҳри

XX аср радио туфайли кундалик ҳаётимизга бир сеҳр олиб кирди, бу микрофон сеҳридир. Санъатимиз ривожини, унинг тараққиёти кўп жиҳатдан микрофонга боғлиқ бўлиб қолди. Кўпинча афиша ва эълонларда “концертда фонограммдан фойдаланилади” деб айтилади. Овози бор ҳам, овози йўқ ҳам шу микрофонсиз ўзлигини намоён қилолмай қолди. Машҳур ҳофиз овоз даражаси “си”га чиқадиган Ўзбекистон халқ артисти Муроджон Аҳмедов сахнадан микрофонни бир четга суриб қўйиб қўшиқ айтарди. Ҳозирги қўшиқчилар сахнага чиқиши билан микрофонни қўлга олади, оғзига яқинлаштиради. Бунинг моҳияти нимада? Кўпинча айрим одамлар қўлига микрофонни тутқазиб қўйсанг, довдираб гапиролмай қолади, фикри йўқолади, баъзилар эса сўзамол бўлиб, жўшиб гапира бошлайди. Тўй, маърака ва давраларда ўзига эрк бериб гапираётган сўзга чечанлар қўлидан микрофонни олиб қўйинг, қайси ҳолга тушар экан?

Шу микрофон туфайли қўшиқларимизни, сўзларимизни, фикр-ўйларимизни миллион-миллион тингловчиларга етказамиз. Микрофон

масъулияти, юки нимада? Микрофон кўтариб юрган журналист, репортёр, сухандон, ҳофиз нималарга эътибор бериш керак? Овозни кучайтириб, жамоага етказиб берадиган бу қуролга яқинлашган шахс нималарни назарда тутиш керак? Авваламбор нутқ маданиятига хос ҳолат: сўзларни ўринсиз такрорлаш, адабий тил қоидаларига эътибор бериш, қаерда, қачон, кимга, нима ҳақида, нега гапираётганлигини эсда тутмоқ лозим. Баъзан экранда микрофон тегиб қолди деб бошловчи ўзининг билимдонлигини, суҳбатдошдан кўра ақллироқ эканлигини, қуюшқондан чиқиб ўзини кўрсатиш ҳолатлари кўзга ташланади. Ўзига маҳлиё бўлиб, “микрофонли маҳмадона”га айланмаслик нотиқнинг асосий мезони ҳисобланади. Тингловчига ички маданиятни, овоз ширасини, оҳанг майлини, фикр гўзаллигини, сўз даражасини етказиш сухандон вазифасига киради. Биринчи ва иккинчи даражали гаплар, эга-кесимларга эътибор бериш, мантик қоидаларига риоя қилиш, нутқнинг тезлиги ва сокинлиги, тиниш белгиларига амал қилиш: нуқта, кўп нуқта, сўроқ, ундов, қавс, айириш аломатлари қайси ҳолатларда қўлланилиши микрофонли нотиқнинг кундалик иш тарзига айланиши керак. Микрофонли сўз усталари мавзуни чуқур билиши, чиройли овозга эга бўлиши, инсон шахсиятига тегмаслиги, муомала маданияти одобига эга бўлиб, ўзини давраларда тутиши, кучли хотира ва ўткир зеҳн, теран фикрли, сўз масъулиятини тушунадиган, нутқи равон, ўзига талабчан, ўзи ва сўзи бирлиги зўр бенуқсон шахсдир.

Машҳур сухандон Ўзбекистон ҳалқ артисти Қодир Маҳсумов эфир масъулиятини, унинг юкини яхши ҳис қилар эди. Микрофон ёнига келишдан аввал синчковлик билан матнни ўрганар, қайси сўзларга урғу бериш, қайси оҳангларда тингловчиларга етказиш ҳолатлари устида бош қотираар эди. Оддий матн ўқилганда, ғазаллар эфирда жаранглаганда бу зотнинг маҳоратига барча қойил қолар эди. Қодир ака матннинг бутун партитурасини ишлаб чиқар эди. Микрофон олдида ишлашнинг ўз хусусиятлари бор. У лоқайдликни ёқтирмайди. Тўғри нафас олиш, уни тежаб сарфлаш, керакли жойларда тин олиш, қаддини тўғри тутиш, сўз ва унинг залворига эътибор

бериш каби хислатлар сухандонда жо бўлиши лозим. Микрофон олдида ўзини назорат қилиш, фикрлаш, матнни мароқ ва завқ билан етказиш, йўналтирилган аудиторияни қизиқтира олиш, нима ҳақида ва нега гапираётганини назарда тутиш каби фазилатлар маҳорат сирлари ҳисобланади. Овоз кенглиги, талаффуз имкониятлари, сўз бурролиги иқтидорлилик аломатларидир. Бу касбга эътиқод қўйиш, уни севиш, тўғри ва унумли фойдаланиш, сўзларни меъёрида ишлатиш сухандон диди, савиясига боғлиқ. Адабий тил меъёрларига амал қилиш, шева ва лаҳжалардан фориғ бўлиш сухандон бурчидир. Ҳозирги кунда микрофон томоша даргоҳлари, радио тўлқинлари, журналистлик хизматлари орқали маънавий-руҳий камол топишимизга катта хизмат қилар экан, унинг сеҳридан моҳирона фойдаланишимиз лозим.

ҲАМКАСБЛАР ҲАҚИДА

Тарсаки

Ҳар бир нарсага одамнинг ўзи сабабчи бўлади. Оддий бир тарсаки инсон қисматини, ҳаёт йўлини ўзгартириб юбориши мумкин. Бир вақтлар телевидениеда Полежаева деган режиссёр бўларди. Бир куни ўтирганимизда “Ишга нима учун бир келиб, бир келмайсиз?” дея сўраганимда, опа айтган эдики, “Я немогу присутствия на работа”, яъни менинг иш қилгим келади, лекин мен ишга қуруқ келиб ўтириб кетишни хоҳламайман. Келганимнинг самараси бўлсин. Келиб чой ичиб кетишдан нима фойда. Мен режиссёрман, бекор ўтирмаслигим керак, ундан кўра кутубхонага борай, театрда борай, вақтимдан унумли фойдаланишим шарт, жавобини берган эди.

Тақдир тақозоси билан Сирдарё вилоят театрида ишлаб юрдим. Шароф Бошбеков адабий эмакдош эди. Шу билан бирга ҳам актёр, менга ёрдамчи эди. Кечалари машинкани чиққиллатиб нималарнидир ёзар, нималарнидир

таржима қилиб ўтирарди. Кечаси билан ухламай чиққан одам кундузи дам олгиси келади.

Иш вақтимиз 10 да бошланарди. Ўша даврда вақтида ишга келиш кабиларни партком кузатарди. Санъатга иқтидори йўқ кишилар ишга вақтида келар, гап сотиб сафсата қилишар, лекин амалда тайин бир фойдали иш қўлидан келмасди. Бунақалар ишга нимага келаяпти, нимани бажаришяпти, ҳеч кимнинг иши йўқ.

Шароф Бошбеков кечаси билан ишлаганидан ишга сал кечроқ келарди. Бу кўпчиликка ёқмасди албатта. Ҳар куни эрталаб бир-биримизни суриштирардик, йўқлама қилардик. Шундай кунларнинг бирида Шароф Бошбеков ишга ярим соатча кечикиб келди. Атрофдагилар “Ана бош режиссёрнинг эркатойи келаяпти” дейишганида ҳамма орқасига ўгирилиб қаради. Менга унинг эркалиги топшириқни бажаради, бекорга келиб кетмайди, тинимсиз изланиш ва меҳнатда бўлади, баъзан узрли ҳолатларда мен уни кечираман.

Шароф эса жаҳли чиққаниданми “Сенинг нима ишинг бор? Берилган ишни бажарганман. Кеч қолган бўлсам сабабини сўрашнинг ўрнига тергайсан?” деди. Бирданига тасур-тусур тўполон бошланиб кетди. Мен билан директор ўрнимиздан туриб “хай-хай”лашиб қолдик. Масъул ходим Шарофнинг юзига бир тарсаки туширди. Шароф бу ҳолатга чидолмасдан битта қоғоз олганча “Мен бугун ишдан бўшайман. Театрда ишламайман. Бугундан йўқман” деганча чиқиб кетди.

Кечкурун директор билан унинг уйига бордик. “Шароф кечиримли бўл. Бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўйма. Бунақа аризаларингни йиғиштир” дея маслаҳат бердик. “Бўлди, энди ишламайман” жавобини олдик. У ҳақиқатдан ҳам ишдан кетди. Директор аризасига қўл қўйишга мажбур бўлди. Кетгандан кейин бир ярим икки йил чамаси у оиласи билан қийналиб яшади. Телевидение, радиода чиқишлар қилиб турди. Мақолалар ёзди. Қийинчиликлар ўз зуғумини ўтказса-да ижоддан тўхтамади. Пьесалр,

драматик асарлар ёзди, секин-аста улар сахнага қўйила бошлади. У асарларида ўзи билган, театр ҳаётидан ҳар хил характерларни яратди. Натижада машҳур драматург бўлди.

Бир куни ижодий гуруҳимиз радиода Машраб Бобоевнинг “Ўттиз ёшлилар” спектаклини ёздик. Бир пиёла чой устида суҳбатлашгани кафедра йиғиладиган бўлдик. Шароф Бошбековни ҳам таклиф қилдик. Шароф Бошбековнинг ишдан кетишига сабаб бўлган масъул ходим ҳам келди. Шунда Шароф гап бошлаб қолди: “Ака, сизнинг битта тарсакингиз ҳаёт йўлимни ўзгартириб юборди. Сиз ҳалиям ўша театрда ишляпсиз. Мен битта тарсакингиз туфайли машҳур драматург бўлдим. Сизга мингдан-миг раҳмат” дея қучоқ очиб қўришишди. Ҳозирда ҳар иккала инсон катта ижодкор, маҳоратли санъаткор.

Елкадош

Бир куни драматурглардан бири: Маҳкам ака, Топиб олганингиз Машраб, фақат унинг асарларини сахналаштирасиз, бизларга назарингиз тушмайди, деб қолди.

Ҳақиқатдан ҳам, Машраб Бобоев пьесаларининг мени мафтун қилгани рост эди. Унинг равон, аммо залворли фикрлари, тақдир ўйинлари, қизим сенга айтаман, келиним сен эшит, қабилдаги қочиримлари режиссёрни ўзига тортмай қўймасди. Менга шу гапларни айтган драматургнинг ўзини асарлари эса юзаки, яланғоч гаплардан иборат ташвиқотни ўзи эди.

-Тўғри, лекин сиз Машрабдай ёзмайсиз-да,-дедим.

Шу ўринда маслак ҳақида гапиргим келади. Агар режиссёр, драматург ҳамфикр бўлмаса, маслакдош бўлмаса кўнгилдагидай ижод маҳсули юзага келмайди. Ҳамза ва Маннон Уйғур, Абдулла Қахҳор, Ойбек ва Тошхўжа Хўжаев, Саид Аҳмад ва Баҳодир Йўлдошев, Шароф Бошбеков ва Олимжон Салимов ва бошқа кўпгина маслакдошларгина ҳақиқий санъат асарларини намоиш қилганлари сир эмас. Мен Машрабнинг “Ўттиз ёшлилар” асарида истеъдоднинг ёлғизлигини, “Ер томири”да инсоннинг ерга бўлган

муҳаббатини, ”Ирода”да буйруқбозликнинг иллатларини, ”Кўнгил кўчалари”да шўро тузумининг қусурлари туфайли умр шомида тавба-тазарруга айланган кўнгилларни кўрганман. Машрабнинг шеърлари ҳам ўзига хос эди, замирида теран фикрлар ётарди. Кўринишдан содда, равон сўзлар тагидан инжулар топасиз, яшириниб ётган фикрлар калқиб чиқади. Унинг шеърларини танлаб ”Ўттиз ёшлилар”да реприза сифатида фойдаланганимда узукка кўз қўйгандай бўлиб тушган эди. Ўзбекистон радиосининг олтин фондида сақланаётган бу асар Рустам Ҳамдамов ва Шароф Бошбеков ижросида қиёмига етган эди. Машрабда оддий ҳаётий лавҳадан ката умумлашмалар келтириб чиқарадиган хислат бор эди. Нигоҳи ўткир, узоқни кўрадиган, давр руҳини сезадиган, замоннинг харорат даражасини илғайдиган ноёб бир фазилат бор эди. Санъат институтида ўқигани учун бўлса керак воқеалар тизмасини, тўқнашув жараёнларини, драматургиянинг сир-асрорларини яхши тушунар эди.

Машраб ёлғонни кечира олмас, унга аёвсиз эди. ”Кўнгил кўчалари”ни тасвирга тушириш жараёнида актёрлардан биронтаси ўзидан сўз қўшиб гапирса, шу заҳоти тўхтатарди.

-Мен ундай ёзмаганман, тўғри гапиринг,-дерди. Ҳақиқатдан ”ошдан чиққан тош” сингари бегона сўз дарров билинарди. Ҳатто сархуш ҳолатларида ҳам Машраб сўзга сергак эди. ”Муаллиф ҳар бир сўзни ўйлаб ёзади, сўзларнинг ўзига яраша юки бор, мен қурган иморатни нега бузасиз” дер эди. Сўз маъсулияти Машраб учун биринчи ўринда турар эди. Мени кўпинча ”партизан”, ўзини ”негр” деб атарди. ”Кўнгил кўчалари” ни қаҳрамонлари тақдири хусусида, воқеаларни ривожини хусусида кўпинча бахслашиб, тортишиб қолар эдик. Асар масштаби унга аён, менга қоронғу эди. Дастлаб дарахт шохлаб, мавзу тармоқлаб кетганида мен ”партизан”лик қилиб айрим қаҳрамонларни ўзимча танлаб иш бошлаб юборганимда Машраб ҳайрон қолди ва йўл-йўлакай тузатишлар киритди, айримларидан воз кечдик ҳам. Лекин дарахт илдиз отиб, шохлай бошлагандан кейин изга тушиб олдик, мавзу, воқеалар томошабин қизиқишига қараб йўнала борди.

Сериал бу илк тажриба эди. Ҳали бизда Мексика, Бразилия, Аргентина сериаллари каби шаклланмаган, тажриба орттирилмаган эди. Ярим ялагоч, шахвоний лавҳалар атрофида воқеалар кечадиган сериаллар бизга ёт эди. Оилада келин билан қайнота, қайнона билан куёв, ҳар қалай етти ёшдан етмиш ёшгача бемалол тортинмай, уялмай кўрадиган шарқона сериал яратиш бизнинг мақсад эди. Машраб бошлиқ ижодий гуруҳ бунинг уддасидан чиқди деб ўйлайман. Фильмда қусурлар йўқ эмас, тақдирлар ниҳоясига етмаган, мавзу тугалланмаган, айрим қаҳрамонлар қисмати ечилмаган ўринлар бор. Лекин аксарият томошабин сериални қизиқиб томоша қилди. Бунда Машраб, Рафаел Камолов, Анвар Ғаниев, Гўзал Ражабова, Тўти Юсупова, Файзулла Аҳмедов ва бошқа актёрларнинг хизмати катта бўлди. Асар ҳали давом этиши, юз–юз эллик серия булиши ҳам мумкин эди. Машраб воқеалар ривожини бир нуқтага келтириш, уни қамраб ниҳоясига етказиш ниятида эди. Минг афсус, умри қисқа экан, тасвирга олиш учун маблағ масалалари кўндаланг туриб ёзилган сериялар стол устида қолиб кетди. Машрабнинг инсоний фазилатларига қойил қолар эдим. У ҳамманинг туғилган кунини билар, жуда бўлмаганда сим қоқиб табриклаб қўяр, бўлмаса оиласини етаклаб уйга кириб келар эди. Матбуотда унинг дўстларига тўй хатлари, у-бу воқеага муносабатлари тез-тез чиқиб турар эди. Менинг тўғримда ”Бизнинг режиссёримиз”, ”Менинг режиссёрим” каби мақолалари кўнглим ардоғида. Машрабнинг уруш йилларига бағишланган ”қани менинг юлдузим?”, ”Ялла бобо”, ”Бой ила хизматчи” каби драматик асарлари сахна юзини кўрмагани мен учун армонли. Машраб менга бағишлаб ”Елкадош” деб бир шеър ҳам ёзган эди. Мен бемавруд ҳақиқий елкадошимдан айрилганимдан ҳамон қайғураман. Аммо бир нарса менг таскин беради. Машрабнинг босган излари қолди. Мен шундай инсон ва ижодкор билан замондош ва маслакдош бўлганимдан фахрланаман.

Олдингдан оққан сув

Ўтган асрнинг 70-йилларида таниқли шоир Анвар Исроилов билан Ўзбекистон телевидениесида “Таъзим” телевизион кўрсатувини тайёрлаб юрган кезларимиз эди. Навбатдаги кўрсатувни Сирдарё вилоятидан тайёрлашга тўғри келди. Кўрсатувда халқимизга меҳнати сингган кишилар ҳақида ҳикоя қилинар эди. Шунда бир ҳолатга дуч келдик. Сарғайиб кетган газеталарни, архив материалларни титкилар эканмиз, Сирдарё шаҳрида биринчи мактаб очган, узоқ йиллар дарс бериб мураббийлик қилган бир инсонни ўзимиз учун кашф қилдик. Биз шогирдлар билан суҳбат қурурканмиз, улар устознинг давр қийинчиликлари, машаққатлари, у кишининг ёшларни ҳаёт йўлига қадам қўйишида қилган хизматлари ҳақида узоқ гапиришди. Шундан кейин ана шу биринчи ўқитувчи билан учрашишга қарор қилдик. Буни қарангки, уни кўпчилик билмас, танимас экан. Кекса мураббий ўз қилган ишларини бировга кўз-кўз қилмай, камтарона, оддий ҳаёт кечириб юришига гувоҳ бўлдик. Олдиндан оққан сувни қадри йўқ, деганлари шу бўлса керак.

Бу ҳолатни бекорга эсламадим. 60-йилларда Ўзбекистон телевидениесида қатор телевизион спектакллар яратиб, эл оғзига тушган, “ойнаи жаҳон”нинг тамал тошини қўйганлардан бири режиссёр Саъдулла Аноркулов эканини бугун кўпчилик билмаслиги мумкин. Бундан қарийб олтмиш йил муқаддам ҳозирги Санъат институтининг актёрлик бўлимини тамомлаган бир гуруҳ санъаткорлар Қўқон театрига йўлланма олишган ва улар орасида Саъдулла Аноркулов ҳам бор эди.

Дастлабки талабалик даврида Саъдулла ака билан кўп мулоқотда бўлганим эсимда. Саъдулла ака ўз кузатишларини кундаликка қайд қилиб борар, кўп китоб ўқир эди. Театрда, кинода, умуман санъат соҳасида бўлаётган янгиликлар Саъдулла ака нигоҳидан четда қолмасди. Бир куни ундан хат олдим. У таътил кунлари Қўқонга келиб, спектаклларни кўриб кетишни таклиф қилган эди. Ўша кезлари мен Қўқон театрида ҳақиқий ижод намуналарини кўрганимни яхши хотирлайман. “Бой ила хизматчи”, “Холисхон”, “Қароқчилар”, “Оғриқ тишлар”, “Қутлуғ қон”, “Лайли ва

Мажнун” каби спектаклларда ҳам актёр, ҳам адабий эмакдош сифатида ижод қилишга шўнғиб кетган эди. Курсдошлари Мақсудали Мансуров, Довудхўжа Гофуров, Асад Алимухаммедов, Маъмура Хўжаевалар билан биргаликда тинимсиз изланишлар олиб борарди. Мен Қўқондан Саъдулла аканинг изланишларини кўриб бир олам таассурот билан қайтдим.

Институтни битириб телевидениега ишга ўтганимизда ҳам у киши билан алоқаларимиз узилмади. Саъдулла акадаги жўшқинлик, ижодга ташналик телевидениеда ҳам ўз ифодасини топди.

Саъдулла аканинг актёр сифатида яратган Шиллернинг “Қароқчилар”идаги Франц Моори, Чеховнинг “Юбилей”идаги Шипучин, Войничнинг “Сўна” романидаги Артур, Бальзакнинг “Горио ота” асаридаги Горио ота, Ғ.Ғуломнинг “Шум бола” қиссасидаги Ҳожи бобо каби бири-бирига ўхшамаган, ўзига хос образлари ҳали-ҳали кўз олдимдан кетмайди. Яратган ижод намуналари Ўзбекистон халқ артистлари Тошхўжа Хўжаев, Назира Алиева, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Хожиқурбон Назиров мактабларини ўтаганлигидан дарак бериб турарди.

Саъдулла аканинг режиссёр сифатида гултож спектаклларида бири Хидир Деряевнинг “Қисмат” романи асари асосида яратилган телевизион спектакли бўлган эди. Қирқ йилдирки, томошабинлар ханузгача бу асарни эслаб юришлари бежиз эмас. Гулчехра Саъдуллаева, Лутфулла Саъдуллаев, Карим Хонкелдиев ижросидаги бу спектакл катта шов-шувга сабаб бўлди, эл назарига тушган эди.

Телевидениеда Саъдулла ака адабий драматик таҳририятнинг кўп кўрсатувларида режиссёр, актёр, бошловчи сифатида иштирок этди, фаол қатнашди.

Таниқли режиссёр Тошхўжа Хўжаев билан ҳамкорликда “Океанда етти фарёд”, “Ҳожи Афанди уйланади” каби телевизион спектакллари эфирга узатди, қатор асарларда роллар ижро этди. “Санъат” коллежида ёш санъаткор авлодни тарбиялашда ҳам катта хизмат қилди.

Саъдулла ака айна ижод қайнаган паллада бетоб онасига қараш учун жонажон қишлоғига йўл олди.

Шу ерда ҳам тиниб-тинчимас Саъдулла ака Алишер Навоий юбилейига атаб спектакл саҳналаштирди. Бизни таклиф қилди. Кўп ижод аҳли Саъдулла аканинг бу жасоратига таҳсинлар айтди, қойил қолди. Ҳозирда камтарона умргузаронлик баробарида қарилик гаштини сурмоқда.

Шоир Тўра Сулаймоннинг “Умр ўтар дарё мисоли” деганидек, Устоз бугун саксонни қоралаган бўлса-да ҳали бардам. Шогирдларнинг ижодий муваффақиятларидан қувониб юрибди. Устозлик бахти аслида шунда.

Дарға

Телевидениенинг дастлабки иш фаолиятида ишлаган кадрлар шу соҳа бўйича махсус маълумотга эга бўлмаган ҳам унинг сир-асрорларини тушуниб етмаган мутахассислар эди, чунки алоҳида ўқув даргоҳи йўқ, фақат амалиёт ва ўз тажрибаси орқали бу аср мўъжизасини ўрганарди. Бу янги соҳага кўпроқ театр ва кино ижодкорлари таклиф қилинди. Ўша пайтларда айрим санъаткорлар орасида телевидениега театр ва кинода ўзини тополмаганлар жойлашди, деган ақида ҳам ҳукм сурарди. Вақт кўрсатдики бу соҳа фақат оммавий ахборот воситасигина эмас, техник мўъжизагина эмас, санъатнинг алоҳида тури эканлигини исботлади. Ижод соҳасида янги-янги жанрларни очди, сериалларни кашф қилди, томошанинг турли-туман турларини ихтиро қилиб томошабин билан тўғридан-тўғри мулоқотга тушди. Бу кўламли кенг санъат тури имкониятлари на кинода, на театрда бор. Бу соҳада ишлаган одамларнинг зуваласи бошқача: тезкор, шиддатли, ҳозиржавоб. Театр ва кинодагидек бемалол, бамайлихотир эмас. Унинг жасорати ҳам, маҳорати ҳам бошқача. Тўғридан-тўғри жонли эфирга узатиш, спектакллар намоиш қилиш, томошаларни ташкил қилиш ҳамма ижодкорларнинг қўлидан келавермайди. Мана шу мураккаб ижодий жараёни бошидан кечирган, булоқнинг кўз очишига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган санъаткорларнинг

бири телевидение санъати дарғаси Ўзбекистон санъат арбоби Мақсуд Юнусовдир.

Унинг ҳар бир яратган телевизион асари эл назарига тушар ва эътироф этиларди. Театр ва кинода ўз ифодасини топмаган бадиий асарлар шу ижодкор туфайли телеэкран юзини кўрди. Телережиссуранинг ижод машаққатлари, изтиробларини бошидан кечирган ҳолда шу инсон ўзининг жонкуярлиги, фидойилиги, тиришқоқлиги туфайли ижод намуналарини рўёбга чиқарар эди. Унинг “Алишер Навоий”, “Улуғбек хазинаси”, “Бобур”, “Гирдоб”, “Диёнат”, “Вафодор”, “Лайли ва Мажнун” каби йирик ижод намуналари осонликча юзага келмаган. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида ҳали телевизион имкониятларга эга бўлмаган, нур, оптика, овоз, безак имкониятлари чекланган шароитда яратилган бу асарлар, ҳозир ноёб асарларга айланиб қолди. Мен негадир кино санъатида яратилган “Алишер Навоий”, “Тоҳир ва Зухра”, “Насриддин Бухорода” каби буюк асарлар яратилган давр ва унинг кино техника имкониятларига қиёслагим келади.

Шундай техник имкониятлар чекланган даврда яратилган асарлар кино ва телевидение классикасига айланиб қолди.

Ҳозир кино ва телевидениеда мураккаб технология имкониятлари бўла туриб, ижод учун барча шароитлар яратилган бир пайтда ана шундай кино ва телевизион асарлар яратилаётганидан ҳайратга тушаман.

Ҳар сафар Мақсуд Юнусов ижодига мансуб асарлар телеэкранда намоиш қилинаётганда унинг қадри, қиймати яна ошаётганини кўраман, телеэкран санъатида ўчмас из қолдираётганини ҳис қиламан. Шак-шубҳасиз режиссёр Мақсуд Юнусов телевидениенинг буюк заҳматкаши, ибрати, ижоди барчага намунадир.

Заҳматкаш.....

САФАР ТААССУРОТЛАРИ

Ватан соғинчи

1969 йили Польшага турист бўлиб сафарга бордим. Биз билан 1939 йили Немислар бостириб кирганда, тақдир тақазоси билан ватанни тарк қилиб, ҳозирда Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилаётган бир поляк ҳам бор эди. 30 йилдан бери ўз ватанини кўрмаган, туғилиб ўсган қишлоғини кўмсаган, ота-она, қариндош уруғини соғинган бу поляк йўл-йўлакай кўп нарсани, нега кетиб қолганларигача йиғлаб ҳикоя қилиб берди. У туғилиб ўсган қишлоқ Варшава атрофида жойлашган экан. Бизга алмаштириб берган пулга ҳеч нарса қилиб бўлмасди. Поляк пулини баракаси йўқ, қадрсизланган эди. Кўпчилик пул тўплаб Поляк ошнамизни ўз қишлоғига таксида бориб келишига имкон туғдирдик. Ўзбек йигитлари ҳам қўшилиб бирга кетди. Мўжазгина қишлоқ. У туғилиб ўсган уйини топди. Ўша йўлаклардан юрди, бирга ўқиган кўшни қизни кўрди. Йиғлаб кўришди. Ота, онаси оккупация даврида ўлиб кетганлигидан бохабар бўлди. Ўша уй, ўша кулба, ўша эшик, ҳеч нарса ўзгармаган. Ошнамиз секин бориб болалик эшигини қўнғироғини босди. Биз ташқарида кузатиб турдик. Бегона бир аёл эшикни очди.

- Салом.

- Салом.

- Мен шу уйда туғилганман. 30 йил бўлди кетиб қолганимга. Ўзим ўсган жойлар. Бир кўрайин деб келдим.
- Мен сизни танимайман.
- Бу уй мени уйим.
- Бу уйни бизга давлат берган.
- Бир кириб кўрай, чердакка чиқиб томоша қилай, каптар учирганман.
- Йўқ қўймайман, сизни танимайман.
- Менга уй керак эмас, ўзингизга буюрсин, фақат туғилган жойларимни бир кўрай деб келдим. Мени турар жойим, ватаним бор, Ўзбекистонда.

- Йўқ, мен сизни қўёолмайман.
- Поляк нима қилишини билмади. Укча юзига қайтди. Лол эди. Шунча йўл босиб, ҳаражат қилиб келиб уйига киролмай қайтди. Таксига, бизни ёнимизга ўтирар экан, ўзини тутолмай ўкириб-ўкириб йиғлади. Унинг ватани бошқа, ўзи эса бошқа ватанга келиб қолган эди. «Ватан соғинчи» шу билан тугади.

Фусункор диёр

60 йилларнинг ўрталарида бир гуруҳ Ўзбекистон телевидение ходимлари Гуржистонга дастур олиб бордик, уни Тбилисидан намойиш қилдик. Раисимиз Убайдулла Иброхимов, суҳандонлардан Ўктам Жобиров, Ольга Полевая, мухаррирлардан Фарид Рашидов, Осип Юхнов, режиссёрлардан камина. Кечкурун дастур намойиш қилгандан сўнг Гуржи дўстлар бизни фуниклёрнинг энг тепасидаги ресторанда меҳмон қилишди. Хум тўла оқ мусалласни яхга аралаштириб қадахларга қуяр экан, бизни олиб юрган Шота Арчувадзе «Дунёда энг гўзал шаҳар Париж дейишади, бекор гап, дунёда энг гўзал шаҳар Тбилиси», - деди. Ҳақиқатан тунги Тбилиси алоқонда тургандек ўта кўримли, гўзал жимжимага бурканган шаҳар эди. Маржондек терилган лампочкалар. юраётган машиналарнинг ёғдулари ажойиб манзара кашф қиларди. Бир қўлида қадах, бир қўлида қилич ушлаган Она тимсоли салобат тўкиб, дўстга қадах, душманга шамшир тутиб турар, ҳар бир гуржида мағрурлик, ватанга фахр туйғусини уйғотар эди. Эртасига бизни Кахетияга томошабинлар билан учрашувга олиб кетишди. Тоғ оралаб, илон изи йўлларида булутларни тагимизда қолдириб Телавига етиб келдик. Бизни Грибоедовнинг қайинотаси княз Александр Чавчавадзенинг қароргоҳига, ҳозирда район қўмитаси котибининг дам олиш масканига олиб боришди. Бекорга Пушкин, Лермонтовлар бу ерга сургун қилинмаган экан. Ўн икки одамнинг қучоғи етмайдиган Чинор тагида ўтирдик.

М. Ю. Лермонтов бу ерларни кўриб:

Гўзал грузия водий, дараси

Тўшалган гиламдай бўлди намоён
Шохлари чирмашган чинорлар турар
Соя-салқин, хилват қучоғин очиб;
Горларда кундузи иссиқдан қочиб,
Ётар ором олиб қўрқоқ охулар;
Бу ерда нур, ҳаёт, барглар нафаси,
Юзлаб садоларнинг жўр мусиқаси, дейди.

А.С.Пушкин бўлса:

«Денгиз бўйи, ям-яшил чинор
олтин занжир чинор тагида.
Доно мушук тун-кун беқарор
айланади теварагида.
Ўнгга юрса қўшиқ куйлайди,
Сўлга юрса – эртак сўйлайди.»

деб «Руслан ва Людмила» асарида ёзади.

Ана шундай тилсимот тўла, ғаройиб масканда гуржи дўстлар ўзбек қардошларини меҳмон қилишди. Даврада тамонда барчага ўзи гап бериб гурунгни давом этаркан, бирдан чеккадан биттаси қўшиқ бошлади, унга район котиби жўр бўлиб, кетидан бошқалар қўшилиб бутун давра кўп овозли хорга айланди. қараб турсам хорга жўр бўлмаган биронта гуржи қолмади. Тўрт овозда айтилган хор бутун давра бўйлаб янгради. Юлдузли осмон, фусункор чинор, пастда сузиб юрган булутлар, тоғликлар удуми бизни лол қолдирди. Хор тугагандан кейин бизга навбат беришди. Буни қоранғки тўсатдан берилган навбат бизни шошириб қўйди. Яхшиям совга қилиш учун бир неча миллий куй қўшиқлар ёзилган пластинкалар олиб борган эдик. Ўша даврда анча оғизга тушган бастакор Абдурахим Муҳамедовнинг «Жон

қизлар, жонон қизлар» қўшиғини биз хиргойи қилиб бердик. Нега бизда кўп овозли қўшиқлар удумга кирмаган? Нега давра қўшиқлари, алёрлар кўп овозда айтилмайди? Шу саволлар бизни ўйлантириб қўйди. Фусункор диёр қўшиқлари, унинг мағрур одамлари ҳамон кўз олдимда.

Тасанно

1979 йили бир ойлик малакани ошириш институтига Москвага борганимда, ўша даврда ном чиқарган. Таганка театрини, унинг машҳур режиссёри Любимовнинг спектакллари кўргим келди. Вақт топиб, барвақтрок театрга бордим, қизиқ ҳолатга дуч келдим. Таганка метросидан чиқар-чиқмас қатор турган одамлар «ортиқча билетингиз йўқми?» деб дуч келган одамдан сўраябди. Ташқарига чиқдим, кўчада театр йўлкасида турнакатор бўлиб «ортиқча билетингиз йўқми биродар?» деб ортиқча билет илинжида унга ҳам, бунга ҳам ялиниб турарди. Мен уларни оралаб ўтиб, театр ходимига «Тошкентданлигимни, меҳмонлигимни, театр директори кўрмоқчи эканлигимни» тушунтирдим. Бир вақт мени ичкарига таклиф қилишди. Театр директори мени илиқ кутиб олди. Тошкент ҳақида, унинг театрлари ҳақида, ўзбек меҳмондорчилиги ҳақида гапириб, сўнг мени бош режиссёр Любимовнинг хонасини кўришга таклиф қилди. Мўжазгина хона, таъмир талаб, лекин музейга киргандай ҳайрон бўлиб қолдим. Тўрт деворнинг ҳаммасини дастхатлар қоплаган эди. Театр спектаклини томоша қилишга келган барча машҳур кишилар ҳар хил рангдаги фломастерда деворга ўз дастхатини ёзиб қолдирган эди. Сиёсий арбоблар дейсизми, санъат намоядалари дейсизми, космонавтлар, шоир ва ёзувчилар деворда бирон-бир бўш жой қолдирмаган эди. Мен уларнинг орасида юртдошларимиз Тамарахоним, Ботир Зокиров, Яйра Абдуллаева ларнинг дастхатларини кўрдим. Мени ҳайратга солган ҳолат бош режиссёр креслосини тепасида катта ҳарфлар билан эпиграф қилиб кўк фломастерда битилган дастхат эди. «Перед женщинами Таганки, женщину всего мира паганки» А. Вазнесенский.

Шоир Андрей Вазнесенкийнинг спектаклидан сўнг битилган «Любимов қизларига айтилган бу тасаннони: Таганка қизларига балли, койил, жаҳон аёллари уларга моил» деб тушинса бўларди. Бу дастхатлар ҳар бир кўрикдан сўнг ёзилган дил сўзлари, эҳтиросли туйғуларнинг изҳори эди. Директор хонани шу ҳолда, таъмирламасдан сақланишини, бош режиссёр янги бино ҳаракатида юрганлигини айтиб, мени қатор спектакллари кўришни таклиф қилди.

Шу аснода мен театрнинг анча спектакллари томоша қилишга муваффақ бўлдим: Брехтнинг «Сезуанлик саҳий киши», Ф. Абрамовнинг «Ёғоч отлар», Гогольнинг «Бурун», Джон Риднинг «Дунёни титратган ўн кун» Шекспирнинг «Гамлет», Андрей Вазнесенкийнинг «Антимири», «Камарни боғланглар» каби саҳна асарлари режиссёрни ҳақиқий машҳур қилган спектакллар эди. Любимовнинг ўз йўли, ўз услуби бўлиб, театр эстетикасини ўзига хос тушунар эди. Бирорта тайёр асарни саҳналаштирмас, фақат ўз талқинида, ўз тасаввуридаги саҳна асарини томошабинга ҳавола қиларди, Рассом Бродский билан театр шароитидан унумли фойдаланар эди. Йўғон арқонлардан тўқилган ва доим ҳаракатда бўлган парда оралаб Гамлетнинг (Вүсотский) юришлари, унга шпага санчишлари, гоҳо курси қилиб ўтиришлари, бир бурчакка бориб, томошабин олдида гитара чалишлари, қопқонга тушган қушдай ҳар томонга ўзини уришлари – бу Шекспирнинг янгича талқини эди. Ёки Б. Васи́лиевнинг «Хур қизлар»идаги саҳна ечимини айтмайсизми? Юк машинасининг тўртта ёғоч борти орқали, жанг саҳналари, ҳаёт - мамот кураши, томошабин кўзини нур билан шамғалат қилиб, зал тепасидаги шамол парракларини (вентилятор) юритиб душман «Юнкерс»ларининг шовқинини бериши дейсизми, хуллас, бутун театр имкони, ижодкор жамоасининг фикри - зикри режиссёр Любимовнинг измида. Ҳар сафар театрга келганимда ўзгача муҳит, ўзгача оламга кирар эдим. Милтиқнинг найзасига театр чиптасини қадаган ҳарбийлар дейсизми, томоша залларига киришда спектакль руҳига олиб кирадиган асбоб-

анжомлар дейсизми, ёки «Ёғоч отлар» спектаклидаги сахнада қўйилган йигирматача болаларнинг ўйинчок ёғоч отларига миниб «така-так, така-так» деб актёрларнинг спектаклни бошлаб бериши дейсизми, гўё биз бир умр амал курсисида ёғоч отга минишга интилиб яшаймиз – у, йўлда тушиб қолаверамиз, ёғоч отлар эса бепарво тураверади қобиладаги рамзий сахналар, ҳаётдаги тенгсизлик аломатлари, ҳақиқат йўқлиги, тақдир олдидаги ожизлик спектаклларида ўз ифодасини топган эди. Хуллас, Юрий Любимов ўзига хос театр эстетикасини яратганлигини, биронта режиссёрнинг йўлини, услубини такрорламаганлигини, бутун ижодий жараён режиссёрга бўйсунганлигини актёр аҳли фақат режиссёр режаси учун ишлаётганлиги, қора меҳнатдан тинимсиз изланишдан қочмаслигини кўрдим. Уни ўз мавзуси, сахна ифода воситалари ҳамда ишлатадиган қуроли–актёрлар бор эди. В. Висотский, В. Золотухин, Л. Филатов, Хмельнитский унинг мисоли ва тимсоли эди.

А. Вознесенскийнинг дастхатидаги тасанно Алла Демидова, З. Славина, Н. Шатская ва бошқаларнинг меҳнатига, ижодга бахшида ҳолатларни кўргандаги офарини эди. Бекорга «ортиқча билетингиз борми?» деб кўчада одамлар турна қатор бўлиб турмас экан. Бу санъатга бўлган, режиссура ва унинг меҳнатига бўлган тасанно эди.

Имзо

Москвага малака ошириш учун ўқишга борганимда Шўро даврининг драматурги Александр Гелман билан учрашув бўлди. Драматург ўзининг «Имзо», «Мукофот» асарларини ёзилиш сабабларини сўзлаб берди. Бунга туртки бўлган воқеа Молдавияда содир бўлган экан. Вино етиштирадиган узумчилик савхози табиат инжиқликлари туфайли ҳосил кам бўлиб, эллик тонна – бир вагон вино етишмай қолибди. Бу деган сўз, савхоз Москва берадиган йиллик мукофотдан маҳрум, савхоз ҳар хил дашномларга ботди деган сўз. Нима қилиш керак? Савхоз раҳбарияти ўз экспедиторини чақириб: «Гап бундай, бу йилги ҳосилдан бир вагон вино етишмай қолди. Янаги йил ҳосилдан компенсация қилиб юборамиз. Бу йил Москва мукофот ва

имтиёзларидан бизни маҳрум қилмасин. Эвазига Москвадаги вагонларни қабул қилувчи бошлиқни бироз хурсанд қил» - деб топшириқ беради. Экспедитор Москвага келиб вино хомашёсини топширар экан, бошлиқнинг олдига иккита коньяк билан шоколад қўйиб аҳволни тушунтиради. Бошлиқ бироз ўйлаб турадида: «Майли янаги йил бермасанглар ҳам бўлади. Актни беринг» деб, гажакдор қилиб имзо чекиб беради. Хайратга соладигани шуки, эллик тонна вино йўқ, у давлатники, иккита коньяк билан шоколад кўз олдига уники, Бири бор, бири йўқ. Бири нася, бири нақд! 50 тонна нима бўпти, бошқалар ҳисобига идишларга вино заводда қўйилиб турибди, йўқ нарсга хотамтойлик қилса нима бўлибди. Зотан унинг олдига иккита коньяк ва шоколад! Меники ва бизники. Бизники мавҳум, кўзга кўринмайди, шарт эмас, халқники, униб тургани меники. Мана шу меники ва бизники катта муаммо! Меникини кадри олдига бизникини аҳамияти йўқ. Гелманни сахна асари ёзишга мана шу мавзу ундаган. Шўро тузуми шунинг учун ҳам тугади шекилли.

Питер Брук ва унинг бепардоз театри

1980 йил... Парижнинг Де ля Шпель хибонида бир бино жойлашган. Бошқа иморатлардан фарқ қилмайдиган, кўримсизгина бу бино Буфф дю Нор деб аталади, яъни Парижнинг шимолидаги театр демакдир. Мана ўн йиллардан бери мазкур театрга давримизнинг улкан режиссёрларидан бири Питер Брук раҳбарлик қилади. Бир вақтлар томошабинга интизор ташландик бу манзил эндиликда шинавандалар билан тирбанд, ҳар бир спектакли аншлағ. Чипталарнинг қимматлигига қарамай, бу театрга киришнинг иложи йўқ. Биз бу ерда Париж театри мухлислари учун воқеа бўлган “Кармен фожеаси” операсини Питер Брук талқинида тинглаб, томоша қилдик. Жорж Бизе, Проспер Мериме, Мольер ва Голлеви асарлари асосида тайёрланган бу спектаклнинг бир юз эллагинчи марта қўйилиши экан. Бинога кириш билан таажжубланасан киши. Уч ярусли бино ҳеч театрга ўхшамас, уруш

йилларидан бери таъмирланмай қолган, ганч сувоқлари илма-тешик бўлиб кўчиб кетган қаровсиз, бепардоз бир аҳволда. Театрдагидай сахна ҳам, кулис, парда, декорация ҳам йўқ, ҳаммаёқ яланғоч. Қаршимизда тирналган курук ғишт девор. Ўриндиқлар ҳам оддий скамейкалардан иборат бўлиб, ярим доира шаклида қўйилган. Зал ҳам оддий ер, фақат устига қизғиш майда қум сепилган холос. Аммо уччала ярус ҳам томошабинлар билан тўла, кўпчиликка ўтиришга жой ҳам қолмаган эди. Питер Брук буни ҳам ҳисобга олган шекилли, энг олдинги қаторга яна бир қанча томошабини ерга парку ташлаб ўтказишди. Бизда дорбозлар, масхарабозлар ўйнаганда ана шундай ярим доирада чордона қуриб ўтиришади, гўё кўча театри дейсиз. Зотан, бу театрда спектакл кўрсатиш Питер Брукнинг анча йиллардан бери ўз труппаси билан Африка, Америка, Европа ва Осиё бўйлаб қилган сафарларида олиб борган изланиш самарасидир. Театрларни текшириш халқаро марказининг сайёр труппаси Питер Брук ташаббуси билан ташкил қилиниб, у ўзининг концепциясига эга. Унда умуман декорация, сахна безакларидан фойдаланмайди. Шарт бўлган айрим деталларгина актёрга ёрдам беради. Масалан, стул, гилам, новда ва бошқалар. Шуниси ҳайратлики, бу бинога турли халқларга мансуб сахна асарлари ҳар хил жанрларга мослаштирилган, гўё спектакл фақат айнан шу ерда ва шундай ижро этилиши шарт-у, ундан бўлак талқин ифодаси йўқдай туюлади. Африка ҳаётидан олинган «Афиналик Тимон», Эрон ривоятлари асосида тайёрланган «Қушлар тили» дейсизми, буюк Чеховнинг «Олчазор» драмаси, ҳинд эпоси «Маҳабҳорот» дейсизми, ҳамма-ҳаммаси шу очиқ сахнага уйғунлаштирилган. Спектаклдан сўнг биз Брукдан «Нима учун бино бепардоз?» деб сўраганимизда, «Театр ҳам инсонга ўхшаш, ўсади, улғаяди, кексаяди, ажинлар пайдо бўлади, нега энди бир умр ажинларини пардозлашимиз керак экан, ахир инсон инсон қиёфасини яратиши керак-ку» деб жавоб берди. Театр мухлисларининг бу ерни зиёратгоҳга айлантиришгани бежиз эмас. «Театр учун бўш макондан бўлак ифодалироқ нарсаси йўқ. Очиқ сахна, бўш макон – актёр ва

режиссёрнинг маҳорат даражасини кўрсатадиган асосий мезондир» дейди Брук.

Роппа роса соат саккиз яримда томошабин қаршисидан дирижёр Марсель Бенезе раҳбарлигидаги ўн икки кишидан иборат оркестр чиқиб, бир чеккага бориб жойлашди. Биз кўниккан оркестрхона йўқ. Чироқ аста-секин ўчиши билан «Кармен» операсининг ҳаммани ром қилувчи машҳур увертюраси бошланди... Ажаб!.. Бутун спектакл давомида, на дирижёр кўлига қарайдиган солистни кўрасан, на таверна ва корридаларни тўлдирувчи статистлар, оммавий сахна иштирокчилари бор ва на сўз билан кўшиқда бирон сохталик бўлган сахнани кўрасан киши. Спектаклнинг бошидан охиригача актёрлар образ ҳаёти билан яшашади, ариялар, дуэтлар улар учун ҳаёт куйлари, дард оҳангларидай, юрак амри билан куйлангандек таассурот қолдиради. Актёрларнинг ўта эркин ижроси, том маънода юксак маҳоратининг шоҳиди бўлди. Актёрларнинг ўз ролларини ғоят зўр ички теранлик, жўшқинлик билан ижро этишди. Спектакл инсон руҳининг мусиқасидек туюлди. Спектакл ўзининг табиийлиги, ҳаёт оқимининг оддий ва соддалиги билан бизни ўзига ром қилди. Актёр шундай қаршингда, ёнгинангда ижро этар экан, унинг руҳий кечинмалари ва изтиробларига шерик бўлиб кетасан. Актёр яратган қаҳрамоннинг ҳаёти ерда ўтирган томошабин ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдай. Санъаткор билан томошабин орасида чегара йўқ, икковининг дарди ҳам, куйи ҳам бирдай. Брук спектаклида биз кўриб, эшитиб юрган опералардан бутунлай бошқача талқин, бошқача услубдаги сахна асари эди, ўз ҳаётийлиги билан антиқа эди. Брук танлаган актёрлар худди шу роллар учун туғилгандай. Спектаклда бор йўғи олти ижрочи холос. Кармен ролини франциялик Элен Делаво, Хозени америкалик Говальд Ханзель, Микаэла ва Эскамилиони англиялик Агнес Хост ва Джон Ратлар улар ҳаммалари француз тилида ижро этишди. Санъаткорлар турли миллатларга хос бўлишига қарамай, Брук юксак ансамблиликка эришган. Турли мамлакатлардаги санъат юлдузларини

чақириб, контракт билан спектакл қўйиш Питер Брукнинг ижодий услубига киради.

«Кармен фожеаси» спектаклини Питер Брук ўн ҳафтада сахналаштирган. Спектакл тугагач ўн беш дақиқа тинимсиз қарсак бўлди, олқиш, олқиш. Сўнг Брук биз билан суҳбатлашди. Опера сунъий санъат, бизнинг мақсадимиз уни табиийликка етказишдир. Ахир деҳқон қўшиқ айтганда у санъатни ўйламайди, табиий ҳолатда куйлайди, ҳаракат қилади. Ана шундай ҳолатга эришиш керак. Режиссёр қатъий мизансаҳналар орқали эмас, эркин ҳолатлардан келиб чиққан табиий мизансаҳналарга эришмоғи даркор. Театр учун бадиий услублар ва унинг эстетикаси эмас, театр ҳақиқати билан ҳаёт ҳақиқатининг бус-бутун уйғунлашиб кетиши асосий омилдир.

- Нима учун «Кармен» операсига мурожаат қилдингиз?
- Сизга ёқдими?
- Жуда ҳам!!!
- Шунинг учун ҳам мурожаат қилдим-да! – деб ҳоҳолаб кулиб юборди у.

Дастурга дастхат ёзиб берар экан, мен Брукни Тошкентга таклиф қилдим. У -50 йилларда Бакуда «Гамлет» спектаклини кўрганини ва ундан ҳайратда қолганини айтди. Қулай фурсат бўлса, албатта Тошкент ва Самарқандни кўриш орзусида эканлигини билдирди. Машҳур актёрлар Поль Скофильд, Лоуренс Оливьелар билан бирга ишлаган, ёши бир жойга бориб қолган бу тийрак ва забардаст режиссёр ва унинг бепардоз театри бизда катта таассурот қолдирди.

Товстоногов мактаби сабоқлари

Кўпйиллик режиссёрлик ва педагогик тажрибамдан шу нарсага амин бўлдимки, театр санъатининг ҳам афсонага айланган қаҳрамонлари бўларкан, худди спортдаги каби. Айтайлик биз Пеле, Гарринча, Муҳаммад Али,

Красницкий, Тайсон, Роберт Фейшер сингари спорт салафларини эсласак, ўша давр, ўша вақт ва макон, майдондаги кураш ва изланишлар кўз олдимизга келади. Саҳна санъатининг ўтмишни, бугунги ва эртанги кунни бир-бирига “тилла халқа” мисоли боғлаб турадиган “тирик афсоналари” бор экан. Станиславский, Н.Данченко, Вахтангов, Мейрхольд, М.Уйғур, Т.Хўжаев... Бу рўйхатни узоқ давом этдириш мумкин. Мен ана шундай унутилмас устозлар сафида машҳур рус режиссёри, ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган ижод мактаб яратган буюк санъаткор Георгий Александрович Товстоноговни ҳам кўраман.

Товстоногов жаҳон театр санъати тарихида янги саҳифа очган сиймолардан бири эди. У ўзининг ҳозирги Санкт-Петербург шаҳридаги катта драма театрида замонларга ҳамнафас бўла оладиган, ниҳоятда оригинал ва ажойиб ижодий жамоасини вужудга келтиришга эришганди. Товстоногов режиссураси бошқалардан фарқли ўлароқ, ўзининг кўпқирралилиги ва объективлиги билан ажралиб турарди. Энг диққатга сазовор томони унинг режиссурасида Брехт, Вахтангов ва Мейрхольд анъаналари ўзига хос тарзда уфуриб турарди. Шунинг учун бўлса керак, режиссёр ё актёр зоти борки, гул атрофида учиб-қўнган асаларилар мисол унинг атрофида айланиб-ўргилиб юришар экан. Улар орасида эса биз бугунги кунда яхши билган маълум ва машҳур актёрлар Иннокентий Смоктуновский, Кирилл Лавров, Татьяна Дорренина, Олег Босилошвили, Олег Борисов, Алиса Френдлих ва бошқалар бор эди. У саҳналаштирилган Достоевскийнинг “Телба”, А.Грибоедовнинг “Ақллилик балоси”, Лев Толстойнинг “Холстомер”, А.Чеховнинг “Ваня тоға” сингари спектакллари миллионлаб томошабинлар томонидан катта қизиқиш ва ҳаяжон билан қарши олинарди. Мен ана шундай улкан санъаткор билан юзма-юз келганим, озми-кўпми сабоқ олганим билан умр бўйи фахрланиб юраман. 1982 йил кузида Санкт-Петербургда атоқли режиссёр Игор Владимиров лабораториясида тажриба ўрганиб юрган кезларим эди. Сабоқдошларим Баҳодир Йўлдошев, Мансур Равшанов, Ибодулла Ниёзметов, Бахтиёр Ихтиёров сингари режиссёрлар билан бирга машҳур

катта драматик театр спектакллари хам битта қўймай кўриб боришга ҳаракат қилардик. Шу тариқа машҳур театрнинг “Холстомер”, “Мешчанлар”, “Хонума”, “Нарх” сингари спектакллари томоша қилганим эсимда. У қувонч ўз йўлига, хайратга солган нарса шунда эдики, режиссёр ўша давр муаммоларини мумтоз адабиётдан, дунёни ларзага солган бадий асарлардан кидирар ва уларга ўзгача сайқал бериб, томошабинни мафтун этиб қўяр эди.

Ана ўша кунларнинг бирида Георгий Александрович Товстоногов билан ижодий учрашув бўлгани ёдимда. Ним қоронғу хона. Стол устидаги зангори лампа ёнида Устоз ўтирарди. У тинимсиз чекар, баъзан қалин кўзойнаги тепасидан номаълум нуқтага тикилганча узоқ-узоқ ўйланиб қолар, кейин худди ўзи билан ўзи гаплашгандай мулоҳаза юритарди. Биз ёшлар эса унинг ҳар бир сўзини камоли диққат билан тинглаб ўтирардик. Мен эса ана ўша учрашувнинг ҳар бир лаҳзасини эслаб қолишга ва ўз одатимга кўра устознинг ҳар сўзини “ёндафтарча” мга тушириб олишга ҳаракат қилардим. Яхшиям ўшанда ёзиб борганим, ўша ёзувлар мен билан умр бўйи ҳамроҳ бўлиб қолди, ҳаётим ва ижодим давомида жуда кўп асқотди. Мен улардан саҳналаштирган спектаклларимда, олган телевизион фильмларимда ва ёшларга сабоқ берган пайтларимда жуда кўп фойдаландим. Қуйида Товстоноговнинг ўша “сабоқлари”дан айримларини эътиборингизга ҳавола этар эканман, улар бугунги ёш режиссёр ва актёрларга, умуман санъат аҳлига ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди ва манзур бўлади деган умиддаман:

“Бугунни классикада қидириш керак. Бадий асарда бугуннинг ҳароратини кўра билиш лозим. Театр даврни, замонни тинглаши керак. Фақат классикада барча замонларга ечим топасиз. Янги-янги авлодларга янги руҳий озуқа топа оласиз. Театр буни қидириши, топиши ва кашф қилиши керак...”

“Икки хил театр бор: саволлар театри ва жавоблар театри. Бири турмуш муаммоларига жавоб беради. Бири ўша муаммолар атрофига саволлар қўяди.

Мен “саволлар театри” тарафдориман. Тўғри театр авваламбор томоша, лекин сахна асари томошабин виждонини ларзага солмоғи керак...”

“Театр панду насиҳатлар майдони эмас. Театр томошабин билан тўқнашувда (конфликтда) бўлсин. Театр муаммоларига очик-ойдин ўз нуқтаи назарини айтсин. Том маънода руҳият қатламлари очилсин. Ғоянинг, мақсаднинг аниқлиги нима учун шу спектакл бугун сахна юзини кўраяпти – мана шу бош масала бўлмоғи керак. Бу ҳар қандай театр жамоасининг олий ва яна олий мақсади бўлмоғи керак...”

“Санъаткор сахна ҳақиқатини ҳис қилсин. Идрок қилиш, тасаввур этиш хусусиятларини мукаммал эгалласин. Юксак савияга эга бўлсин. Театр даврнинг, жамиятнинг виждонига айлансин, томошабин кўнглини забт этсин...”

“Театр барча иштирокчиларнинг аҳиллиги, бирлиги, маслагидан ташкил топади. Ўз соҳангизда том маънода ҳалол ва покиза бўлинг...”

“Мукаммал спектакл йўқ. Ҳар бир спектаклда қоникмасликка, такрор ва такрор изланишга одатланинг. Ютуқларга маҳлиё бўлманг, эсанкираманг. Телевидение ва кино фақат санъаткор имкониятларидан фойдаланади. Театр бўлса, унинг имкониятларини тарбиялайди ва чархлайди...”

“Баъзан классика ҳам дам олади. Маълум бир вақт ўтгандан кейин “иккинчи умр”ни яшай бошлайди. Мольер ҳам, Шиллер ҳам, Шекспир ҳам шундай. Бу даҳоларнинг диапозони кенг. Улар барча давр ва авлодларга янги гап айта олади. Фақат ана шу “гап”ни топа билиш керак. Буниси энди ижодкорларнинг маҳорати ва савиясига боғлиқ...”

“Асарда аниқ ҳарорат-ҳовурни топа олиш, ўзингда ўзингни кашф қилиш санъаткорнинг асосий мезони бўлиб қолади...”

Нигоҳ

Нигоҳ кўриш кўз қараш, назар солиш, баҳо бериш, ёндашув демакдир. Оммавий ахборот воситалари ходимлари содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларда, фактларда ҳаёт ҳақиқатини, ижтимоий моҳиятини кўра олиши, умумлаштира олиши фаолиятнинг маҳорат мезонларига киради.

Ўтган асрнинг -70 йилларида Америка президенти Ричард Никсон Москвага ташриф буюрди. Ўша пайтларда телевидение ва радио кўмитасига янги тайинланган бошлиқ Сергей Лапин ташриф иштирокчилари америкалик журналист-мухбирларга истаган маълумотни, истаган жойдан, истаган ҳолатда ёритиш имкониятини туғдириш тўғрисидаги шартномани имзолаган эди. Ташриф давомида ер йўлдоши орқали СССРдан Америкага узатилган барча видеолавҳаларни тасмага муҳрлаб, сўнгра республикалардан малака ошириш учун келган ОАВ ходимларига намойиш қилишди. Мақсад америкалик журналист-мухбирлар қандай ишлашгани, нималарга эътибор бергани ва қандай маҳорат билан ташрифни ёритганини кўрсатиш эди. Мен ўша анжуманда қатнашиб, хориж мухбирларининг назарига тушган ҳодисалардан, ҳаётнинг оддий кўринишларидан катта умумлашмалар чиқарганларига эътибор бердим.

Ўша пайтларда социалистик тузум инқирозга учраб ўзининг барча иллатларини намойиш қилаётган эди. Хўжасизлик, порахўрлик, сансалорлик, бошбошдоқлик авж олаётган давр эди. Мухбирлар мана шу қусурларни қисқа ва лўнда қилиб, телестар орқали кичик лавҳаларда Америка халқига тўғридан-тўғри намойиш қилган эди.

Мана айрим лавҳалар:

Мухбир марказий универсал магазинида сотувчига мурожаат қилади:

- Мана бу пальто қанча туради?
- 250 рубль.

- Мана буниси-чи?
- 280 рубль.
- Ўзингиз ойига қанча маош оласиз?
- 70 рубль.

Мухбир камерага юзланиб:

- Ана кўрдингизми, совет кишиси уст-бошига кийим олиши учун 3-4 ой ишлаши керак экан.

Мухбир оддий математик ҳисоб билан бир либоснинг таннархига инсон ҳаётининг боғлиқлигини очиб берди.

Яна бир лавҳа:

Мухбир шаҳар кезиб юриб, одамлар навбатда туриб, бир стакандан буткада сув ичаётганлигига дуч келади. Стакан ювилар-ювилмас, бошқаси танга ташлаб, сув ича бошлайди. Ёнидаги буткада алюмин крушка занжирга боғланган бўлиб (ўғирлаб кетмасин деб қилинган) одамлар навбатма-навбат сув ичаяпти. Чеккада туриб кузатаётган мухбир томошабинга юзланиб дейди:

- Қаранг, Россияда нима кўп, ўрмон кўп, дарахт кўп. Шундай азим мамлакатда ҳамма бир стакандан сув ичишади. Бир марталик қоғоз идишлар етишмайди. Гигиена улар учун барибир.

Шу жумла билан мухбир СССРда қоғоз саноатининг орқада қолганлигини, соғлиқни сақлашга эътиборсизликни очиб ташлади.

Яна бир лавҳа:

Мухбир телеэкрандан томошабинга мурожаат қиляпти:

- Ассалому алайкум. Бугун жума куни. Сизга навбатдаги хабарни етказмоқчиман. Нимаям бўлдию душанба куни кулоққа тутқич асбобим бузилиб қолди. Мен муҳандисларга тузатиб беришини илтимос қилдим. Муҳандис раҳбариятга буюртма ёзишимни сўради. Мен ёздим. Эртаси ҳам кутдим. Нимадир етишмаётганини рўкач қилишди. Мен яна унинг эртасини кутдим. Кимгадир мурожаат қилиш кераклигини

айтишди. Уни топишолмапти. Пайшанба ҳойнаҳой қулоқтутқичим тузалиб қўлимга тегса керак деб ўйлагандим. Йўқ, минг афсус, бугун жума. Кўриб турганингиздек, қулоқтутқичим ҳамон бузук. Ана шунақа бу давлатда сансалорлик, буйруқбозлик; амалда иш ўлда-жўлда.

Яна бир лавҳа:

Президент ташрифи кунлари Космонавтлар мажмуасида ўрнатилган платинадан ясалган рамзий ракетанинг пойдеворини экскаватор чўмичи билан тартибга солиб таъмирлаётган экан. Мухбир кадрни осмонга интилаётган ракетанинг кадридан бошлаб, аста-секинлик билан унинг пойдеворига панорама қилиб тушар экан, гапира бошлайди:

- Қаранг, улар коинотга парвоз қилишади. Самони забт этишади-ю, ўзларида оддий нина етишмайди (ўша кезлари нина тақчил эди). Хўжакўрсинга ишлаётган бу давлатда аслида унинг пойдеворини таъмирлаш, янгилаш керак, тубдан ўзгартириш лозим.

Мухбирнинг нигоҳи тушган битта тасвирий ифода билан бутун бир давлат тузумига хулоса чиқариляпти.

Яна бир лавҳа:

Эрта тонгда Кремлнинг мавзолей атрофини фаррош катта супурги билан кундузи йиғилиб қолган ахлатлардан чангитиб тозалаяпти. Узоқдан олинаётган бу тасвирни фаррош сезмай, ихлос билан хизматини давом эттираяпти. Бу ҳолатни кузатаётган мухбир аста гап бошлайди:

- Ҳа, тозалаш керак, супуриш керак. Фақат майдоннинг ташқарисини эмас, ичкарисини ўтириб қолган раҳбарлардан тозалаш керак.

Кўриб турибсизки, фаррошнинг оддий бир ҳаракатидан мухбир бутун бир жамият раҳбарларига ҳукм чиқараяпти.

Икки-уч дақиқалик лавҳалардан ташкил топган икки соатлик дастур америкалик мухбирларнинг нигоҳи билан совет тузумини,

халқнинг яшаш тарзини, турғунлик даври қусурларини маҳорат билан, профессионал даражада аямай очиб ташлайди, фош қилади. Шу лавҳалар билан америкалик томошабиннинг фикрини шакллантиради. Кузатувчанлик, оддий ҳолатдан мажозий фикрлар уйғотиш, уни кўра олиш журналист иқтидорига хос. Оддийликдан умумлашмага нигоҳ ташлаш журналист касбининг асосий хислатидир. Ўша кезлари СССР телерадиоқўмитаси раиси Сергей Лапин билан учрашув ўтказиладиган бўлди. Пятницкий кўчасидаги радиоуйида малака оширишга борган жуда кўп раҳбарлар, журналистлар, режиссёрлар, телерадионинг барча ижодкор ходимлари тўпланди. Залга роппа-роса соат тўққизда раис кириб, бир ўзи сахнага чиқиб минбарга яқинлашди.

Раис:

- Менга саволлар борми?

Тўсатдан берилган саволга зал жим.

Раис 2-март:

- Менга савол борми?

Зал сукут сақлаяпти.

Раис:

- Менга савол борми деяпман?

Учинчи март берилган саволга орқада ўтирган туркман телевидениесининг раис ўринбосари ўрнидан туриб, “Менда савол бор” деди.

Раис: “Хўш?”

Ўринбосар:

- Москванинг барча республикаларида ўз мухбирлари бор. Лекин нега бошқа республикаларнинг ўз мухбирлари бир-бири билан алоқа ўрнатмайди, боғланиш имкониятлари йўқ?

Раис:

- А-ҳа, демак бошқа республикаларда ўз мухбирларингизга эга бўлмоқчимисиз? Нима Москва мухбирлари етарли маълумот бермаяптими? Уларнинг назари тушган воқеалар сизга ёқмаяптими? Айтаман-а, Москванинг ахборот дастури “Время” кетаётган вақтда сизлар ҳар хил кинолар билан томошабинни чалғитаяпсизлар. Биз “Время” дастурини кўрсин десак, сиз ҳордиқ дастурини берасиз. Мана қусур қаерда? Ҳали сиз бошқа ёқда мухбир истаб қолдингизми? Шу савия билан қандай ишлаб юрибсиз? Барча студиялар Москва берган хабарни қабул қилсин. Марказлашган ахборот манбаи барчага қонун. Бошқалар уни тўлдирсин. Нусхаларни кўпайтириб, такрорлаш шарт эмас.

Бир ярим соат давом этган буйруғомуз дағдаға, раиснинг ўшқиришларидан бечора туркман телевидениесининг раис ўринбосари туғилганига пушаймон бўлди. Тузум шуни истарди. Мухбир ипсиз боғланган эди, Москва буйруғидан нари кетолмас эди. Нигоҳ битта, Москва нигоҳи эди. Энди тузус ўзгарди, давр ўзгарди, жамият ўзгарди, мухбирнинг кўз қараши, нигоҳи ўзгарди.

Рўй бераётган ҳар бир ҳодисанинг мағзини, моҳиятини очиб бериш ҳақиқий журналист нигоҳидан қочмаслиги керак. Ҳар бир нигоҳ журналист маҳоратининг чархланишига хизмат қилади, масъулиятини оширади.

Ватан қайғуси ва туйғуси билан яшаш бахти

1983 йил октябр ойида бир гуруҳ театр ижодий ходимлари билан тажриба алмашиш мақсадида Болтиқ бўйи республикаларидан Эстонияга сафарга чиқдик. Ижодий сафарда қорақалпоқ Ёш томошабинлар театри режиссёри Рейимбой Тураниёзов, Сирдарё вилоят театри режиссёри Ғофур Ҳамидуллаев, Хоразм вилоят театри режиссёри Ибодулла Ниёзметов, Қашқадарё вилоят театр режиссёри Карим Йўлдошев, Сурхондарё вилоят

театри режиссёри Мансур Равшанов, Ёшлар театри режиссёри Наби Абдурахмонов, Ёш томошабинлар театри режиссёри камина Маҳкам Муҳаммедов ҳамда гуруҳ раҳбари санъатшунос олима Нафиса Зоҳидовалар бор эди. Сафар чоғи кўрилган спектакллар, санъат арбоблари билан учрашувлар, юрт бўйлаб қилинган сайру саёҳатлар хотирамизда бир умр муҳрланиб қолди.

Кичкина, аммо бежирим шаҳар Таллиннинг диққатга сазовор жойларини томоша қилар экансиз, ҳайратга тушасиз. Қўшиқ байрамлари учун мўлжалланган майдон, Домский ибодатхонаси, парк, ратуша, театр ва музейларини томоша қилдик. Машҳур кишилар Георг Отс, Юхан Смуил, Паул Керес ва бошқаларга қўйилган қабр тошлари – ўзига хос обидаларни зиёрат қилдик. Учрашув ва суҳбатларда ватанига, ўз заминига чексиз фахр, урф-одатларга эъзоз ва эҳтиром, инсонийлик қиёфаларида виқор туйғусини ҳис қилдик. 700 йил немислар истибдодида, 200 йил Чор Россияси исканжасида эзилган, хўрланган кичик бир халқнинг ўз ватанига буюк меҳри туйғусини сездик, шоҳиди бўлдик. Ратуша майдонидаги эски шаҳар театри студиясида Виктор Мережконинг “Латифалар”, Рус драма театрида Александр Червинскийнинг “Менинг бахтим”, Ёшлар театрида Александр Гелманнинг “Барча билан яккама-якка”, болалар учун “Эстон эртаклари”, Александр Казанцовнинг “Эски хонадон”, Пиранделлонинг “Генрих IV” каби спектакллари ҳузур билан томоша қилдик.

Айниқса мени “Угала” театрининг “Халқона жанг” спектакли ларзага солди. Гарчанд эстон тилини тушунмасам-да сахнавий ифодани, ижрони кўриб ўзимни тўхтата олмадим. Кўзларимда ёш қалқди. Машҳур режиссёр Каарел Ирднинг шогирди Тооминг бизга 1840-70 йиллар рус зодагонларининг қилмишларини, крепостной ҳуқуқи бекор қилинганда ҳам халқнинг қийноқ остида қолганини, азоб-уқубатларини, аянчли аҳволини кўрсатди, режиссёр, рассом, актёр ижоди уйғунлашиб кетган. Тасаввурингизни уйғотадиган, ўйлатадиган, кинояга қурилган метафорик спектакл “қизим сенга айтаман, келиним сен эшит” қабилидаги асар эди.

Саҳнанинг бошидан охиригача Эстон осмонида Чор Россиясининг рамзи кўшқанотли бургут, икки чеккада немис рамзи свастика, ҳар қаерда фанердан ясалган қуролланган рус солдатлари – кўрикчи ҳайкаллар каби қотиб турибди. Орада фақат жонли одамлар кўшиқ куйлайди, миллий оҳанглар дардли, мунгли хорал янгради. Асар қаҳрамони ўлимга ҳукм қилинади. У саҳна олдида келиб жон таслим қилади. Аёллар фарёд чекади. Нидо хорали янграйди. Халқ кўзғалиб қотиб турган ҳайкалларни қулата бошлайди. Лекин барибир қокқан қозикдай ҳайкалчалар ғўддайиб қотиб тураверади. Томошабин таъзимда, актёрларни ҳеч саҳнадан қўйиб юбормади. Режиссёр Тооминг актёр сифатида барон ролини ижро этди. Қарсак тинмасди. У саҳна олдида чиқиб қуллук қилди, тиз чўкди. Шивирлаб “тинчлик, тинчлик, тинчлик бўлсин” деди. Мен ўзимни тута олмадим. Ана қиёс, халқ дардининг саҳнавий ифодаси, жуда усталик ва маҳорат билан мақсадни рўёбга чиқара олиш.

Спектаклдан сўнг режиссёр билан учрашдик. “Қандай қилиб халқ дардини саҳнага дадил, ошкора олиб чиқдингиз?” десак, “Санъаткорда ватан туйғуси бўлмаса, санъаткорми” дея жавоб берди.

Яна бир рамзий спектакл бизни ҳайратга солди. Ёшлар театрида режиссёр Комиссаровнинг Александр Галиннинг “Шарқий трубина” пьесаси асосида саҳналаштирилган томошасини кўрдик. Ҳар бир танланган асар театр нуқтаи назарига қулай, мос бўлиши керак экан. Репертуардаги аксарият спектакллар Шўро тузумига, муҳитига, воқелигига қаратилган. Унга шаъма қилади, қоралайди. Шўро тузумининг дастлабки йилларида стадионларнинг пештоқида “Готовь к труду и обороне” деган шиор бўларди. Спорт билан шуғулланадиган мактаб ўқувчилари, синфдошлар 20 йилдан сўнг шарқий трубинада учрашишга аҳд қилишади. Спектакл синфдошларнинг 20 йилдан сўнг аҳдлашилган жойга тўпланишдан бошланади. Бир вақтлар обод, файзли, гавжум шарқий трубина 20 йилдан сўнг вайронага, ташландиқ жойга, ахлатхонага айланган. Саҳнада қоғозлар, ишлаб турган-тўхтаб қолган соатлар, ичимликдан бўшаган идишлар, қулаб тушган девор қолдиқлари,

Брежнев ва бошқа сиёсий бюро аъзоларининг суратлари, ҳар хил плакатлар чанг босиб ерда ётибди. Ҳар қалай ҳозирги замон ахлатхонасининг кўриниши. Стадион пештоқидаги шиорнинг айрим ҳарфлари тушиб кетган. Инглизчада ёзилган “Готовь к труду и обороне” деган шиордаги баъзи ҳарфлар тўкилиб тушгандан сўнг “шаҳватга ва тунга тайёр бўл” деган маънода ўқилар экан.

Авваллари бардам, бақувват, кучга тўлган синфдошлар 20 йилдан сўнг ланж, лоқайд, совуққон, пинагини бузмайдиган авлодга айланган. Ахлатни йиғиштириш, тозалаш, бир иш қилиш ҳаёлига ҳам келмайди – боқи беғам. Бири фахш, бири гадой, бири бекорчи. Бутун спектакл давомида гап сотиш, сафасата, вайсаш билан банд бўлишади. Уларнинг 20 йил ичида орзу-умидлар пучга чиққан. Маънавий инқироз, қашшоқликка ҳеч ким қарши чиқмайди, фаол курашмайди, шу ҳолатга кўникиб яшада давом этишмоқда. Спектаклнинг финалигача шу ҳолат. Театр нуқтаи назари шу. Айнан шу ҳолатни кўрсатиш орқали бу муҳитни тузатиб бўлмайди демоқчи. Мудҳишлик, жаҳолат, ғарбий трубина орзуси...

Биз Эстон театр жамияти раиси Юрий Ярвет билан, Академик театри бош режиссёри Мик Миккивер билан учрашдик. Режиссёр ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди: “Биз халққа хизмат қиламиз. Миллатимиз дарду ғамларини, муаммоларини сахнага олиб чиқамиз. Энг кучли асарлар бу тарихий асарлардир. Бугуннинг мавзусини, ечимини тарихий асарларда кўрамиз. Бугунги театр – қиёс ва шаъмалар театри. Яланғоч ғоя ва ярим ҳақиқатдан кўра, жиддий, қалбни жунбушга келтирадиган ғоя ва ҳаёт ҳақиқати бизни қизиқтиради. Биз санъаткорлар воқеликни кўриб туриб жим тура олмаймиз. Қиёс ва шаъма ифодалари билан жавоб берамиз. Ҳозир кўпроқ абадий мавзуларга эътибор беришимиз керак. Умуминсоний хислатларни сахнада кўрсатишимиз лозим деб ўйлайман. Ижобий қаҳрамон тушунчаси кенг, маънавий бой, кеча, бугун ва эртанинг даражасини яхши илғайдиган шахсдир. Дунёқараш бошқа, дунёни қабул қилиш бошқа. Сахналаштирилган спектакл нишонга тегмаса, бугуннинг томир уриш

даражасини кўрсатмаса, томошабин бу асарга тушмайди. Маънавий-рухий бойликка бўлган эътибор кучли бўлиши керак. Ватан туйғуси, халқ дарди билан яшаш бизнинг бурчимиз”.

Сафар кунларининг бирида эстониялик ҳамкасблар бизни спектаклдан сўнг яна бир томошага таклиф қилишди. Биз ҳайрон бўлдик. Ўзлари куни билан ижодий жараёндан чарчаган, кечкурун яна томошабинга спектакл кўрсатиб, ундан кейин кечаси соат 11да яна томоша. Биз қизиқиб, тунги томошага бордик. Залнинг бир бурчаги нимқоронғу, ҳар қаерга шам ёқилган. Кичкина сўрининг устига стул қўйилиб, ёнида гитара турибди. Ўтиришга жой йўқлигидан, бизга паркуга ўхшаган тўшак ташлаб беришди. Роппа-роса соат 11да сахнага сочлари ёйилган, қишлоқи кийинган, кўринишидан ёввойироқ бир аёл чиқиб қўлига гитарани олди. Бироз сукутдан сўнг шамлар ёруғида қўшиқ бошлади. Бир соат давомида қадимий эстон наволарини куйлади, гоҳ хазин, гоҳ мунгли, гоҳ жўшқин ижро этди. Санъат аҳли миқ этмай қўшиқчини тинглади. Ҳар замонда қарсақлар билан олқишлаб турарди. У эса бироз тин олиб, яна давом этар, синчков санъаткорлар олдида синовдан ўтарди. Йўк, йўк, оҳанг-наволар, куй-қўшиқлар билан уларга зиё улашар эди. Ҳориган, чарчаган қон томирларга янада жўшқин, илдам миллат оҳангларини, илдизи теран наволарини юборар эди. Наздимда бу куй ва қўшиқни эшитган одам рухий покланар, тиниқлик зиёсини симирар эди. Миллатига садоқат, маданиятига, маънавиятига эътиқод шундан бўлса керак. Бу зиё булоқларини симирган одам эртасига ўз ижодида бошқаларга ушбу нурларни улашади, сабоқ беради. Биз эса ватан қайғуси ва туйғуси билан яшаётган санъаткорларни кўриб, зиё чашмасидан ҳайрат ва ибрат сабоғини олиб қайтдик.

МУҲРЛАНГАН ОНЛАР

Моғор

Вилоятдан бир ошнализ меҳмонга чақирди. Тўртинчи қаватдаги уйига чиқарканман иккинчи қаватдан бошланган ис тобора куюқлашиб борарди... Мен эгилиб аранг исларни оралаб ўтдим. Нима бу? Одатий ҳолми? Ўзбек хонадони сариштали бўларди-ку! Ё эътиборсизликми? Афтидан бу ҳолатга кўникиб кетган одамлар... Ис – моғор қалбни босмасин экан...

Мол оқи

Ҳар куни уйимиз олдида “Молоко”, “Мо-ло-ко” деб қичқириб қатикчи ўтади. Қизик қаймоқ ҳам, сут ҳам, қатик ҳам мол оқи – ку! Нега “молнинг оқи” демаскин? Ё ҳамма сут ичадиганлар хорижликми?!

Дуо

Бир қариндошимизнинг эри вафот этиб қолди. Икки бола билан келин ёш қолди. Бувимиз таъзияда дуойи – фотиҳа қилар экан: “оғизликка сўз бўлма, оёқликка йўл бўлма”, деди. Қанчалик пурмаъно сўзлар. Ёш келин бундан буён арзимаган хатти – ҳаракати учун гап – сўз бўлиши, оёқ – ости бўлиб қолиши мумкин экан. Шарқона дуо!

Орият

Ёш бола эдик. Уруш йиллари, кўп эркаклар армияга кетишган. Полвонлар келиб курашдан томоша кўрсатишарди. Шундай курашларнинг бирида французча курашдан анча вақтгача бир – бирини йиқитолмай сахнада айланиб юришди. Афтидан булар қишлоқма – қишлоқ юриб, курашдан сеанс беради шекилли, охири бир негр ҳаммасини йиқитиб ғолиб чиқди. Конференс даврага чиқиб негрнинг қўлини қарсақлар остида баланд кўтарди. Ҳақиқатан бўйи дароз, вазни юз килограммдан ошиқ бу негрни кўриб ўтирганлар унинг кучига, полвонлар маҳоратига қойил қолишганди. – “Полвон ўзбекча курашга ҳам туша олади. Агар ўтирганлар орасида беллашаман деган одам бўлса, марҳамат” деб кутилмаганда таклиф қилди. Залда аёллар, болалар кўп, негр билан беллашадиган одам йўқдай. Конференс яна таклиф қилди.

Кимдир:

- Махсум ака, чикинг,- деди. Қишлоқда барча эркаклар армияга кетиб, пахта даласида аёлларга бригадир бўлиб қолган Махсум ака деган паст бўйли, биққиғина бир киши бўларди. Бирдан гулдирос қарсак кўтарилиб :

- Махсум ака, Махсум ака – деб қичкира бошлашди.

Махсум акани, “йўқ” деганига қарамай, кўпчилик ўрнидан турғазишди. “Мен полвон эмасман” , - деб ийманиб сахна томон йўналди.

Конференс икки полвонга белидан белбоғ бойлаб кураш тўшагида бир – бири билан кўриштирди. Бўйи дароз негр билан пакана бўйли Махсум акани сахнада кўриб халқ қаҳ – қаҳ урарди. Конференсни хуштаги билан кураш бошланди. Негр ҳеч нарсага ўхшатмай икки букилиб Махсум ака билан кураш майдонида куч синаша бошлади. Махсум ака қизариб кетган, узун бўйликни белидан кўтаришга ҳаракат қилар, негр чап бериб чайқалиб шеригига имкон бермасди. Негр тажрибали бўлгани учунми Махсум акани менсимай рақибини йиқитишга уринар, даст кўтаришга ҳаракат қиларди. Махсум ака бўлса минилмаган отдай тайсаллаб, асовлигидан ҳуркиб рақибини ўрганарди. Залда бўлса “Махсум ака, Махсум ака”, деб халойиқ кўллаб-қувватларди. Терлаб қизариб кетган Махсум ака рақибининг нозик ҳаракатини пайт пойлар, куч бермай вақт ўтказарди. Бир вақт Махсум акага қаердан куч келди билмайман, негрни бирдан икки оёғини ердан узиб даст кўтарди, унинг икки оёғи осмонда лапанглаб уёқ – буёққа бориб келарди. Махсум ака полвонни ерга қўймай тўшак атрофида гирди капалак бўлиб айланарди. Халойиқ ўрнидан туриб қичқирар, қарсак чаларди. Конференс ҳам қўшилиб чапак чаларди. “Қичкина деманг бизни, уриб йиқамиз сизни” дегандай найнов негрни “шарак” этиб тўшакка йиқитиб устига чиқиб олди. Халқнинг олқишини кўринг. Миттигина одамда шундай баҳайбат одамни кўтариб уришга қаердан куч пайдо бўлди? Бир неча юз одамнинг тикилиб турган кўзи мадад бўлди шекилли, ё орият кучлилиқ қилдими!

Конференс Махсум аканинг кўлини кўтариб ғолиблигини қайд қилар экан “Полвон экансиз, биз билан юринг курашдан сеанслар берасиз”, деди.

Махсум ака “йўқ, мен бригадирман, бригадирлигимни қиламан” деди. Шу – шу Махсум ака “Махсум полвон” бўлди.

Валентин

Бир таъзияда эридан жудо бўлган Муслиманинг майит тепасида “Вой, менинг Валентиним, арслоним, паҳлавоним, нега ташлаб кетдингиз, Валентиним”, - деб уввос солиб йиғлаётганининг гувоҳи бўлдим. “Марена Клара” сериалининг каҳрамони ўзбек хонадони мушкулотида ҳам эсланди. Ана телевидениенинг таъсири, муҳаббатнинг кучи.

Чиптага навбат

Бошқирдистондаги Уфа Миллий театрида спектаклларга бир ой олдин чипталар сотиб қўйилар экан. Сўраб чипта тополмайсиз. Мен театр режиссёридан “Қандай қилиб бу ҳолга эришдинглар?” – деб сўрадим.

- Э, Маҳкамжон, кўчада русча, ишда русча, уйда ҳам русча гаплашамиз, ҳатто кийимларимиз ҳам европача. Биттаю битта бошқирд тилида гаплашадиган, бошқирдча кийинадиган шу театр қолди. Тилимизни авлодлар учун сақлайлик, кийимимизни унутмайлик деб шу театрга тушишади-да. Шунинг учун томошабин бир ойлаб навбат кутишади.

Ғарб ва шарқ

Тартуда “Ванеймуйне” театрининг бош режиссёри Каарел Ирд бир куни суҳбатда “Нега биз Балтика театрлари ўзбек драматургларининг асарларини сахналаштирмаймиз?” – деб сўради. “Сизларнинг асарларингиз бизнинг ўзбек театрларида ўйналади”, - деди режиссёр Неймат Шомуродов.

Каарел Ирд “Биз анча ўзбек асарларини ўқиб чиқдик, лекин тўғри келмади. Масалан: сизлар учун сув-оби ҳаёт, бизлар учун дўзах, ҳар куни ёмғир, сувдан зерикканмиз ёки пахтани квадрат уялаб экиш, унга гўнг солиш сизларда муаммо, бизда умуман бунақа муаммо йўқ. Ёки сизда опаси эрга

тегмасдан, синглиси турмушга чикмайди. Бизда синглиси аввал кетса хурсанд бўламиз. Ёки сизда қиз иффатсиз бўлса бу бутун оила фожеаси, бизда иффатига ҳеч ким тегмаган бўлса, демак ҳеч ким қарамаган экан, ҳеч кимга ёқмаган экан-да, деймиз”, – деди. Ана ғарб ва унинг фалсафаси. Неъмат иккаламиз бир – биримизга қараб қолдик.

Ҳаммаслак

Петербургда малака ошириб юрарканман, бир куни БДТ спектаклидан сўнг Олег Басилашвили билан учрашув бўлди. Басилашвили гримини артар - артмас бизга юзланди: - «Ўлай агар, Петербург менга ёқмайди, унинг нам об-хавоси, иқлими менинг соғлигимга тўғри келмайди, кетиб қолардим. Мени фақат бир нарса ушлаб турибди, ижод! Товстоногов бўлмаганда аллақачон кетиб қолардим. Шу инсон туфайли, шу режиссёр туфайли юрибман. Бунақа режиссёр бошқа ерда йўқ! Бу режиссёр учун умримни ҳам фидо қилишга тайёрман, - деди. Ана ихлос, ана эътиқод!

Ҳаммаслак деб шуни айтади – да!

Кемтик дунё

1943 йил қахратон қиши. Отам армияга кетган. Уйимиз орқасидаги синчлик девор захдан қулаб қолди. Хона деворини зудлик билан кўтармаса бўлмай қолди. Тоғам менга «тагини тозала пахса девор қилиб ташлаймиз» – деди. Мен синчларни тозалаб, беш метр жойни фундамент йўлини очдим. кўшнимиз туғма басир Байтой дода бўлгучи эди. Девор ушлаб, суяниб менинг ёнимга келиб чўккалаб ўтирди-да, кўли билан мен очган йўлдан икки ярим қарич яна ичкарига ўлчаб:

- Болам, қадимда шу уй қурилатганда ярим метр менинг ҳовлимга чиқиб кетган, энди ичкаридан девор оласан, деди. Тоғам «ярим метр ичкаридан девор олсак, ерга тўясизми?», - деди.

«Бўлмасамчи, ярим метр ҳақимни бер-да» деди. Бўпти деб, биз ярим метр ичкаридан девор кўтардик. Тўрт метрли хона уч ярим метрли бўлиб

торайиб қолди. Туғилиб ёруғ дунёни кўрмай катта ҳовлига ярим метр ер ундирган дода ҳам ўтиб кетди. 60 йилдан кейин қишлоққа бориб қарасам додани ҳовлисини кимдир тахта сақлади қилибди. Лекин, беш метр кемтик девор ҳали ҳам турибди. Кўзимиз қачон тўяди!

«Қуёш»

1952 йил мактабда домламиз «бугун қуёш тўла тутилади, соат иккидан бошланади, уйга бориб синиқ ойнани қорайтириб томоша қилинглари деди. Уйга келиб бир ойна парчасини топиб қорайтира бошладим. Мираҳмат ака деган бир ажойиб. содда одам бўлгучи эди.

- Ҳа Маҳкамбой?
- Бугун қуёш тутилади, шуни томоша қиламиз.
- Ие, сен худомисан, қаёқдан билақолдинг?
- Домламиз айтди.
- Домланг қаёқдан била қолибди. Оллоҳни қаромати бу. Бекорларни айтибсан. Менга қара, қачон қарасам китоб қўлтиқлаб юрасан, китоб сенга нима беради. Масалан, кўчада кетиб бораётганингда тўсатдан ит чиқиб қолиб қолди. Нима қиласан?

Олдига китоб ташласанг ейдими, йўқ. Нон ташласанг ейди. Ундан кўра китоб ўрнига қўлтигингда нон кўтариб юр, - деди.

Мен кулдим. Бироз вақтдан сўнг қуёш тутила бошлади. Атроф қорайиб осмонда юлдузлар кўрина бошлади. Мираҳмат ака ҳам келиб томоша қилди. Ҳайрон қолди. Фан аллақачон аниқлаб қўйганини билмас эди.

- Ие, Маҳкамбой, сени отингни Маҳкам эмас, «қуёш» деб исм қўйиш керак экан-ку, - деди. Шу-шу у одам учун мени исмим «қуёш» бўлди.

Қисқа нома

Она томондан бобомизнинг боболари Чиноздан бўлиб, Сайрам томонга бориб уйланиб жойлашиб кетган экан. Ўн тўққизинчи аср охирларида. Жойлашишга, ўрнашишга анча вақт кетган шекилли Чинозда қолган

бувилари Сайрамга кетувчи бир йўловчидан нома йўллабди. Бувамиз хатни очиб кўраркан, «хах» деб пешонасига бир урибди. Хатда ҳеч нарса ёзилмаган, ичидан 3-4 та самон чўпи-ю, озгина кўмирни кули бор экан. Ёш келин «Ҳа, нима бўлди?» деса, бувамиз «мен кетмасам бўлмайди, онам жуда соғинибди» дебди. «қаёқдан билдингиз?» «Кўрмаяпсанми, самондек сарғайдим, кўмирдек қорайдим, дебди-ку!» Шу куниёқ отга миниб Чинозга жўнаган экан.

Ёзувсиз ҳам нома ёзса бўлар экан.

Таскин

Отам армияга кетганида мен жуда ёш эдим. Улардан «қора хат» келганда, Сталинграднинг Песковатка қишлоғида 1943 йил 11 январда қахрамонларча ҳалок бўлганини эшитиб ҳайратга тушган эдим, шу жойларни бир кўриш мен учун армон эди. Ниҳоят орзуим ушалди. 42 – йилдан сўнг Волгаградга бордим. Такси гаплашиб Песковатка қишлоғини излаб топдим. қаровсиз қишлоқнинг чеккасида «биродарлар қабристони» бор экан. Уларга ўрнатилган ёдгорлик тахтасида «жангда ҳалок бўлганларга абадий шон-шараф» ёзувлари мухирланган. Қурьон тиловат қилдим. Қабр тагидан тупроқ олдим. Қайтишда «Мамаев қўрғонига» кирдим. Ҳар бирига мингтадан исми шарифлари қайд қилинган 48 та устунни айландим. Отамни изладим. Ниҳоят зарҳал ёзувлар ичида Аҳмедов М.ни топдим. Топдим-у хўнграб йиғладим, овозим борича увилладим. Одамлар мени юпатишар, далда беришар эди. «Шу-унча йил ўтиб кетибдию, йиғлайсизми» - дейишди. Нима қилай ўзимни тутолмадим. Уруш асорати эскирмас экан. Мамаев қўрғони маъмурияти идишга солинган хок билан ёрлиқ берди. Уни ҳозир уйимизнинг тўрида, жавонда сақлайман. Шаҳар тимсоли эса деворда осиглиқ қишлоққа қайтиб хокни қабристонга кўмдим, Мармар тошдан белги ўрнатдим. Тошга қўйидаги сўзлар мухирланди:

Жасадингиз унда, хокингиз бунда,

Ёдингиз фарзандлар қалбида яшар.

Токи авлодингиз ҳаёт очунда,

Ҳаёт эрурсиз сиз, эй буюк падар!

Худойи қилдим. қирқ икки йилдан кейин отамни ёшига етганда хокини она қишлоғимда ерга қўйиб таскин топдим.

Журъат

Ўнинчи синфни битирар олди Ғофур Ғуломнинг 50 йиллик таваллуди муносабати билан мен мактабим ўқувчилари номидан шоирга хат йўлладим:

«Ҳурматли Ғофур ака!»

Аввал сиз Жанубий Қозоғистон вилояти Сайрам қишлоғи. Калинин номли ўрта мактаб жамоасидан 50 ёшга тўлишингиз ва адабий фаолиятингизнинг 30 йиллиги муносабати билан юборган оташин саломларимизни қабул қилишингизни сўраймиз.

Сизнинг ватан ва халқ олдида хизматларингиз жуда буюқдир. Шунинг учун ҳам сиз халқ файласуфисиз. Кўплаб ёш шоирлар сизни ўз устози деб билади. Ватанпарварлик руҳида ёзилган шеърлар беҳисоб! Сизнинг ҳар бир ёзган шеърингиз бизни комилликка чорлайди. Ғофур ака, сизнинг «Олтин медал», «Вақт», «Орзу» шеърларингиз бизнинг севиб ўқийдиган асарларимиздандир. Мактабимиз бу йил 9-мартга ўз ўқитувчиларини олий-ўқув юртларига узатадилар. Юқоридаги шеърларингиз бизни ўқишни яхши натижалар билан тугатишга руҳлантирмоқда.

Ғофур ака мумкин бўлса бизга янги ёзган шеърларингиздан бирини юборинг. Яна бир илтимос, агар иложи бўлса сиз юбилейгача бир келинг. Бизнинг қишлоқда ҳам сизни илхомлантирадиган нарсалар кўп, кўп ёшлар сизни кўриш орзусида! Бизда ҳам адабиётга қизиқишлар кўп!

Энди сиз бундан кейин яна, яна ва яна кўп асарлар яратишингиз учун бизлар ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Салом билан мактаб ўқувчилари номидан

10 синф ўқувчиси М. Маҳамедов.

Мен бу хатни ҳеч кимга кўрсатмай Тошкентга жўнатган эдим, кўп ўтмай жавоби келди.

“Калинин номидаги 1-ўрта мактаб ўқувчиларига. Хурматли ўқувчилар, мени юбилейим муносабати билан табриклаганингиз учун ташаккур билдираман. Сиз каби ўғил ва қизларни ўз шеърим билан тарбиялаш фаҳрим ва қувончимдир. Афсуски хозирча сизларнинг илтимосингизни бажаролмайман. Юбилей муносабати билан ишларим жуда кўпайиб кетган. сиз томонга бора олмасам керак. Агар мактабингиздан кимда-ким Тошкентга келиб қолса уйимга келишдан тортинмасин. Мен сиз каби ёшлар билан суҳбатлашишни жуда яхши кўраман.

Салом билан Гофур Гулом 6-май 1953 йил”.

Бу хат мактаб директори Нишонбоевнинг қўлига тушибди, хатни ўқиб мени чақириб олдида «Раҳмат, журъатингга қойил, ҳеч кимнинг ақлига келмаган ишни қилибсан» деди. Мен ўқишга келдим, институтга кирдим. Бир неча бор Арпапоя бирга бориб, хат ёзишга журъат қилган бола, шоир хонадонига киришга журъат қилолмадим.

Биров топиб гапирар...

Онамнинг бўйнида буқоқ пайдо бўлди. У ой сайин катталашар эди. Мен тиббиёт институтини яқиндагина битирган бир укамни онамни кўрсатгани олиб келдим. У бўқоқни ушлаб кўриб, “Маҳкам ака, буни операция қилиш керак. Рак бўлиши мумкин” деди. Онам менга ялт этиб қаради. Мен эса нима дейишимни билмай каловланардим. “Буни зудлик билан кўрсатиш керак. Акс ҳолда чатоқ бўлади” деб кўшиб ҳам қўйди доктор укамиз. “Хўп, хўп” дея онамнинг нигоҳига дош беролмай юпатганча, йигитни кузатиб қўйдим.

Эртасига дўстим Эргаш Каримов билан ўлкашунослик тиббиёт институтига олим Ёлқин Холматович Тўракуловнинг олдиларига онамни олиб бордик. Олим буқоқни ушлаб кўриб, “Ие опоқи, шуни ҳам касал деб юрибсизми, мана ҳозир мен сизга бир дори бераман, ҳар куни бир донадан ичиб оласиз, бир ойга қолмай тузалиб кетасиз”, деди. Гапира туриб стол тортмасидан ярим литрлик шиша банкага солинган дорини олди-да, бир бўлак газетага бир сиқим дорини ўраб онамга узатди. Онамнинг чехраси очилиб кетди... Дарҳақиқат, дорими, докторнинг таскиними шифо бериб бир ойга қолмасдан буқоқ ўз-ўзидан йўқолиб кетди. Шуни айтадиларда, биров топиб гапирар, биров копиб.

Ҳақиқат синмайди

1969 йил Бухоро шаҳар театрида “Қаламқош” спектаклини қўяяпман. Бухоро меҳмонхоналари биридан бизга жой ажратиб беришди. Кунларнинг бирида ижодий ишлар билан толиқиб хонага кирсам, олтмиш ёшлардаги бир киши ўтирган экан.

У оддийгина кийимда, қўлларини қадоқ босган эди, ярим шиша ароқ стол устида турарди. Ажабтовур кўринган бу одам мендан кўз узмасди. Унинг кўзларида ёш. “Мулла ака, мен бугун келдим, шу ерда ётиб қолмоқчиман. Шу бирга бир дардлашсам”. “Нега? ” дея ажабландим. “Тарихи узоқ, айтиб бераман ” деди.

Репетициям ҳам йўқ эди, бир чимдим-бир чимдим олишиб, суҳбатлашиб ўтирдик. Содда одам ўтирди-да, гап халтасини оча кетди. Маълум бўлдики, унинг бир қоракўлчилик-қўзилатиш компанияси бўлиб, соҳасининг усталаридан экан бу одам. Билдимки қўйларни ҳам қўзилатиш муддати, қоракўлтери олишнинг ўз йўл-йўриғи бўлар экан. Яъни янги туғилган қўзилардангина бундай терини олиш мумкин бўлиб, унинг товланиши, турлари бўларкан.

“Райком” даврларини эсга олиб, пахта мавзусига тўхталиб қолди. Менга айтмоқчи бўлган дарди ҳам шу борада экан. Ўша пайтларда юқоридан пахта

йиғим-теримига шунчалик жалб қилишар эканки, гўёки кўсакни ёриб улгурмаган пахтани ҳам теринглар дейдиган даражада буйруқбозлик бўлар экан.

Худди шу каби ҳалиги устага ҳам “Қўзилатишни тезлатинг, тезроқ беринг қоракўлни” дея келишибди. “Беролмайман, ҳали вақт бор” деса “Керакли жойда партбилетинг билан жавоб берасан” дея ўдағайлашибди. Кейин уни шартта обком олдига чақиришиб “партбилет”ини олиб қўйишибди. Ўша пайтларда партия билетини олдириб қўйган одам яшаш жойидан, турмуш тарзидан, борлиғидан маҳрум саналган. Чорвадорнинг бормаган жойи, ёзмаган идораси қолмапти. Московгача ёзипти. Маълум бир муддат ўтгандан кейин бу одамнинг ҳақлиги исботланипти. Москванинг партбилетни қайтариш тўғрисидаги топшириғидан сўнггина уни қайтариб беришган экан. Бу инсоннинг кўзёши қилаётанининг боиси ҳам ҳақиқатнинг юзага чиққани экан. Шу куни Бухоро вилоят компартия котиби унинг партбилетини қайтариб берган кун экан. Оддий бир чўпон ҳақ-ҳуқуқи, адолатни қарор топтириш, қоракўлчилик устаси эканлигини исботлаш йўлида шунчалик елиб-югурипти. Раҳбарият ҳам ўз айбини тан олипти. Ўша ҳақиқатпарвар инсон ёнимда кўзида ёш билан билетини ғижимлаб ўтирарди.

Таъсирланган кўйи дилидагини тилига чиқарди: “Ҳақ бўлсанг албатта курашишинг керак. Агар ҳаммасига хўп деб кетаверсанг оқибати ёмон бўлади. Буни эса кўпчилик билмайди. Узр ака вақтингизни олган бўлсам. Нимагадир сизга кўнглимни ёргим келувди” деганча хонамни тарк этди. Ўйга толдим...Ҳозирда ерни эгасига қайтаринг маъносидаги даъватларга кўп дуч келамиз. Аслида ерни эгасига эмас, унинг тилини биладиган одамга бериш керак деб биламан. Ҳар бир соҳани ўз мутахассиси эгаллаши керак. Чумчук сўйса ҳам қассоб сўйсин...Бухоро меҳмонхонасида суҳбатда бўлган бу инсонни эса ҳеч қачон унутмайман.

Жанг

1941-45 йиллар иккинчи жаҳон уруши вақтида ўзбек аскарларидан бири Қурбон Умаров Қаҳрамон унвонига сазовор бўлди. Ўша пайтда “Марказком” секретари Усмон Юсупов бир гуруҳ ижодий ходимларни тўплаб “Шу қаҳрамон ҳақида бир асар ёзиб, сахналаштиринглар. Ўн беш кундан кейин у киши театрга келади. Жангда қандай курашганини ўз кўзи билан кўриб кетсин” дея топшириқ берди. Асарни ишлашга ёзувчилар Ғ.Ғулом, С.Абдулла, режиссёрлардан З.Кобулов, дирижёр Ф.Шамсуддинов каби қатор ижодкорлар ташриф буюришди. Рассом М.Мусаев асарга декорация чизиш билан овора. Қуйидаги ҳикояни менга Фазлиддин Шамсуддинов айтиб берган: -44 йиллар чамаси. Янгийўлда спектакл репетиция қилинаяпти, лекин ишда ҳеч ҳам унум йўқ. Декорациялар, манзаралар қийшиқ чиқиб Мели Мусаевнинг хуноби ошган. Ўша пайтда ишлар қалай кечаяпти экан дея Марказком котиби Усмон Юсупов келиб қолди. “Мана эрта-индин қаҳрамон келади. Театр сахнаси тайёр бўлдимми?”деб сўраса, “Тайёرمасмиз, биз очмиз, иш эса кўп. Қийналиб қолдик” дея жавобни олибди. Шунда “Шарқ юлдузи” колхозни раисини топиб келинглар” топшириғини беради. Раис Ҳамроқул Турсунқулов эса қаердадир дам олаётган бўлади. У.Юсупов уни топтириб келиб, жон койитиб танбеҳ бера бошлайди: “Нарёқда аскарларимиз жон олиб жон бериб жанг қилишаяпти, кимлардир чўлоқ, майиб-мажруҳ бўлиб қайтишаяпти. Билиб қўй, бу ёқда ҳам артистларимиз жанг қилишаяпти. Булар оч бўлишса, қандай қилиб ғолиб чиқишсин. Сен бўлса, оёғингни чўзиб дам олиб ўтирибсан”. Бир оздан кейин бир қоп гуруч, бир қоп сабзи, бир қоп қанд, ўтин-пўтин олганча Ҳамроқул раис кириб келибди. Шундан кейин ишимиз юришиб кетди” дея эслайди Фазлиддин ака. “ Ўн беш кун ичида барчаси тайёр бўлди. Таътилга чиққан Қаҳрамонимиз ҳам келди. Усмон Юсупов унга “Юринг энди, сизнинг тўғрингизда, жанг майдонидаги хизматларингиз ҳақида санъаткорларимиз бир асар яратишган. Бир бориб кўрсангиз”.

Одам кўп, актёрлар берилиб ўйнашяпти. Бир пайт бир немис солдати билан ўзбек солдати уришадиган сахнага келганда, томошабин бўлиб

ўтирган Қахрамон шартта ўрнидан туриб, “Йўқ мен унақа урмаганма-а-ан, бунақа урганма-а-ан” дея сахнага сакраб чиқиб актёрнинг қўлидан милтиғини олиб, немис солдати ролини ўйнаётган актёрни милтиқнинг қўндоғи билан бир урипти. Залдагилар кулишиб қарсак овози зални тутипди. Ана соддалик, ҳали одамлар санъатни у даражада тушунмаслиги оқибати шундай воқеаларга олиб келган.

Қулоққа чалинган сўзлар

Инсоннинг ҳақиқий қиёфаси ҳаётнинг ғайриоддий кутилмаган вазиятларида очилади. (“Пробка” фильм).

Ижодий пинак лоқайдлик ўлим билан баробар.

Персонажларимнинг оғзига сўз солсам ёқмаса туфлаб ташлайди.

(А.Қахҳор)

Телевидениеда техника сифатига мавзу сифатини қўшмоғимиз керак.

Кўп вақт экран олдида беҳуда кечади.

Умр бир чимдим.

Тоғдан қулаган якка тош ўзи билан минглаб тошларни олиб тушади. Овози, овозаси зўр! Рахбар қулаганда ҳам шундай.

Эр зардали бўлса, хотин пардали бўлади.

Талант бочкасига ботириб олинган одам.

Қанча кўп алмашса шунча кам ўзгариш рўй беради.

Дунё юзини кўрганлар кўп, дунё юзида қолганлар кам.

Халқ удумларини, урф-одатларини йўқотишга қанчалик уринилса,
шунчалик у мустаҳкам ўрин ола беради.

Биз ҳаммамиз булоқмиз. Лекин унинг кўзини очувчи керак.
Очилганлари умрбод ҳаёт кўрмай кетадилар...

Қатикнинг мазаси томизикқа боғлиқ. Қандай томизик ташланса шундай
қатик олинади. Устознинг шогирдга муносабати ҳам шундай. Қуш уясида
кўрганини қилади деган нақл ҳам шу маънода айтилган.

Тирик бўлиб ерда эмас, ўлик бўлиб гўрда эмас.

- Ада, ёмғир тўкилаяпти. (Қизимнинг гапидан)

Вақт “хайр” демайди, “алвидо” дейди.

Кашля в театре, в кино, у голубого экрана.

Телевидениеда 2 ҳақиқат бор: бири экранда, иккинчиси экран ортида.

Театр юзини кўрмаган асарлар ТВ юзини кўрди!!!

Ташқи қиёфага қараб ички дунёсини англаш керак. Ижод сеҳри шунда.

Образга паспорт бериш керак.

Ролнинг катта-кичиги бўлмаганидай, асарнинг ҳам катта-кичиги йўқ.

Бирини етаклаб, бирини етаклаб юргин болам. (Она дуосидан)

Томиринг сувга теккан экан-да.

Занг темирни кемиради, ҳасад юракни.

Иғвонинг калласини кесиб ташласанг, тили қолади.

Ароқ бурунни қизартиради, юзни қаро қилади.

Дориларнинг ҳаммаси аччиқ, лекин кишига малҳам бўлади. Аччиқ гап ҳам шундай, тарбиялайди.

Оғзингизни ширин қилинг.

Ўлган ёш йигитни Андижонда “Ёр-ёр” айтиб кўмар экан.

Кўрсатув тўлғоқдай дунёга келиши керак. Она қанча машаққатлар билан фарзандни дунёга келтирса кўрсатув ҳам ана шундай изтироблар эвазига бунёд бўлиши лозим. Режиссёрнинг бутун фикри-зикри шу

кўрсатувни ибтидодан то интиҳога қадар ўз вужудида катта қилиши, камолга етказиши ва охир оқибат томошабинга ҳавола қилиши керак. Уйқусиз тунлар, илҳомли онлар ва машаққатли меҳнат туфайли телевизион асар дунёга келади.

МУНДАРИЖА

1-бўлим. Илмий-иждодий мақолалар	
2-бўлим. Ҳамкасблар ҳақида	
3-бўлим. Сафар таассуротлари	
4-бўлим. Мухрланган онлар	